

# ЎЙДА ҚОЛИНГ! ЎЗИНГИЗНИ КОРОНАВИРУС БАЛОСИДАН АСРАНГ!

**2024 ЙИЛГА**  
қадар монополист  
корхоналар  
сони 40 фоизга  
қисқартирилади

**5**

**ХАЛҚНИНГ  
РОЗИЛИГИ**  
маҳалла тизимига  
берилган энг  
халис баҳодир

**3**

[@mahalladoshuz](#)
[@mahalladosh\\_uz](#)
[www.mahalladosh.uz](#)

№24 (1936-1939) 2020 йил 9 – 16 июль

МАҲАЛЛА — ADOLAT TAROZISI

# Маҳалла

Ҳеч қандай сабаб  
**ИНСОН ҲАЁТИГА**  
дахл қилишга асос  
бўлмайди

**7**



**ХАЛҚНИНГ**  
ишончи  
қачон  
тикланади?

**15**

Чекка худудларда  
**КАДРЛАР**  
**ТАҚЧИЛЛИГИ**  
қандай ҳал этилади?

**20**

«ҲАР ГАЛ ВАЪДА  
беришади, аммо ҳеч  
нарсa ўзгармайди...»

**21**

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётга

## КАРАНТИН ҚОИДАЛАРИ қатъий кучайтирилади



**20**  
кунлик  
қатъий  
карантин  
жорий  
этилади

**6**

**ТУРКИЯ — ГРЕЦИЯ:**  
тарихий адоват яна  
қўзғалдимиз?

**29**

**ЎЗБЕКИСТОН ОСИЁ**  
кубогини қабул қилишга  
қанчалик тайёр?

**30**

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ:

# «ЎЗ СОҒЛИҒИНГИ, ЎЗ БОЛАНГИ, ЎЗ ОИЛАНГИ ЎЗИНГ АСРА!»

**Д**авлатимиз раҳбари 8 июль куни ўтказилган видеоселектор йиғилиши аввалида коронавирус инфекциясига қарши кураш доирасида мамлакатимизда амалга ошириладиган ишларга алоҳида тўхталди.

## «Инфекцияга қарши «сеҳрли рецептлар» ҳали йўқ»

Давлатимиз раҳбари, жумладан, шундай деди:

— Барчамиз гувоҳи бўлиб турибмиз, афсуски, бутун дунёда коронавирус пандемияси давом этмоқда. Қатор мамлакатларда касалликнинг иккинчи тўлкини бошланаётгани барчамизда жиддий хавотир уйғотмоқда. Бугунги ҳолат шуни кўрсатмоқдаки, ушбу инфекцияга қарши курашда қандайдир «сеҳрли рецептлар» ҳали йўқ.

Жаҳон ҳамжамияти, дунёдаги энг йирик илмий марказлар, энг кучли олимлар бу офатта даво топиш учун қаттиқ изланмоқда. Ва бундай тадқиқотлар тез орада ўзининг ижобий натижасини беради, деб умид қиламиз.

## «Яшил», «сарик» ва «қизил» ҳудуд тамойили тўлиқ ишлямаяпти

Президентимиз аҳолининг қарантин қоидаларига риоя қилиши юзасидан ҳам фикр билдирди:

— Биз мамлакатимизда коронавирус аниқланган кундан бошлаб қайта-қайта таъкидлаб келмоқдамиз: бу жуда мураккаб синов ва оғир кураш бўлади. Бу курашда кўп нарса ўзимизга, ақл билан ҳаракатимизга, сабр-тоқатимизга темир интизом билан, қатъият ва жисп-ликда иш кўришимизга боғлиқ.

Лекин, минг афсуски, аҳоли ўртасида кўпчилик мана шу талабларга тўла амал қилмаяпти. Айниқса, тиббий никоҳ тақмаслик ёки уни номига тақиш, санитария-гигиена қоидаларини бузиш, ўзаро қўл бериб кўришиш, ижтимоий масофани сақламаслик, заруратсиз оилавий тадбирларни ўтказиш ҳолатлари кун сайин кўпаймоқда. Жойларда «яшил», «сарик» ва «қизил» ҳудуд тамойили тўлиқ ишлямаяпти.

## «Карантин талабларини бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ»

Давлатимиз раҳбари юртдошларимизга яна бир бор мурожаат қилди:

— Бутун дунёда минг-минглаб одамларнинг ўлимига сабаб бўлаётган бундай хатарли офатга асло бепарво ва енгил қараб бўлмайди. Касалликнинг бирор-

бир кичик белгисини ўзингизда сездингизми, дарҳол шифокорга мурожаат қилинг. Ўзингизча уйда даволанманг. Бу оғир оқибатларга олиб келиши ва ниҳоят, ўлим билан тугаши мумкин. Ўзингизча ва оила аъзоларингизга нисбатан бепарво ва бепарқ бўлманг!

Халқимиз, оиламиз ва фарзандларимиз саломатлиги ва ҳаёти биз учун энг улуғ бойлик экан, бу ўта муҳим масалада бепарқ бўлиб, карантин талабларини бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Буни ҳеч ким, аввало, барча раҳбар ва мутасаддилар ҳеч қачон унутмаслиги шарт. Бугунги мураккаб вазиятда барчамиз «Ўз соғлиғингни, ўз болангни, ўз оилангни ўзинг асра!» деган шiorга амал қилиб яшашимиз шарт.

Айни вақтда ҳаётимизни нормал изга солиш, иқтисодиётимизни тиклаш учун пандемия шароитида яшаш ва меҳнат қилишга ўрганишимиз, барча эҳтиёт чораларини кўрган ҳолда, бу борада бошлаган ишларимизни темир интизом билан давом эттиришимиз керак.

\* \* \*

## Тадбиркорликка янада қулай муҳит яратилади

Видеоселектор йиғилишида ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш ва бюджет тушумларини сўзсиз таъминлаш чоратадбирлари муҳокама қилинди.

— Пандемиядан кучли бўлиб чиқилнинг бирдан-бир йўли – кичик бизнес ва тадбиркорликка қулай муҳит яратиш, — деди давлатимиз раҳбари.

Карантин талабларининг юмшатилиши натижасида қорхоналар фаолияти тикланди. Бироқ 69 мингта тадбиркорнинг фаолиятини жонлантириш кераклиги, жойлардаги раҳбарлар 9 ой якуни бўйича уларнинг камида 70 фоизини, йил якунига қадар тўлиқ қувват билан ишлашига масъул ва жавобгарлиги белгиланди. Шу боис республика даражасидаги мутасаддилар ҳудудларга бориб тушуни камайган қорхоналар билан тизимли ишни йўлга қўяди.

## Кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг янги тизими ишлаб чиқилади

Ўтган йилда рўйхатдан ўтган тадбиркорларнинг, яъни янги



бизнес субъектларининг 23 мингтаси ёки 24 фоизи бугунги кунда фаолият кўрсатмаяпти. Масъул раҳбарлар улар билан мулоқот қилиши, тез фурсатларда уларни ишга тушириш чоралари кўрилиши белгиланди. Бунда тадбиркорга кўпроқ шароит яратиб бериш, жумладан, электр, газ, сув таъминоти, йўл, кредит билан боғлиқ масалаларни ечиб бериш лозимлиги қайд этилди.

Фаолият бошлаётган кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг мутлақо янги тизими ишлаб чиқилди. Бунда тадбиркорни махсус курсларда ўқитиш, субъектнинг рўйхатдан ўтказиш, асбоб-ускуна сотиб олиш харажатларининг бир қисмига грант ажратиб назарда тутилади. Ушбу тизимнинг вертикал иқросини таъминлаш учун ҳозирда фақат республика даражасида фаолият юритаётган кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ишини тумангача тушириш лозимлиги қайд этилди.

## «Солиқ идораси – тадбиркорга кўмакчи»

Кейинги йилларда солиқ ислохотлари натижасида бизнес ихтиёрида 2019 йилда 12 триллион сўм қолди. 2020 йилда яна 11 триллион сўм маблағ қолиши кутулимқоқда. Энди янги вазифа, яъни «Солиқ идораси – тадбиркорга кўмакчи» тизими йўлга қўйилади.

Шунингдек, 1 июлдан бошлаб илк маротаба тадбиркорларга қўшимча қиймат солиғининг бир қисмини қайтариш механизми амалга киритилди. Ушбу янгилик орқали жорий йилнинг биргина учинчи чорагида тадбиркорларга 700 миллиард сўмни айланма маблағ сифатида ўзида қолди-

риш имконияти яратилмоқда.

Президент жойларда ҳалигача тадбиркорларга ер ва биноиншоотлар ажратишда кўплаб тўсиқлар мавжудлигини кўрсатиб ўтди. Буларни очиб савдога, электрон аукционга чиқариш жараёнларини жонлантириш вазифаси қўйилди.

## 37 мингта хонадонга кредит ажратилади

Камбағалликни камайитириш бўйича камида 257 минг нафар муҳтож оилалар вакиллари ишга жойлаштирилади, 37 мингта хонадонга оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида кредитлар ажратилади. Эҳтиёжманд аҳолини ишга жойлаштириш кўрсаткичи энг паст секторлар таъкидланар экан, уларнинг раҳбарларига жазо чоралари кўрилди.

Жумладан, Фарғона тумани ҳокими Носиров, Яққабог тумани прокурори Мустафаев, Ғузор ва Чортоқ туманлари ички ишлар бошқармалари бошлиқлари Раҳмонов ва Абдурайимов, Муборак тумани ва Қўқон шаҳар солиқ инспекциялари бошлиқлари Темиров ва Турдиқуловларни эғаллаб турган лавозимларидан озод этиш бўйича топшириқлар берилди.

Шўрчи тумани ҳокими Худайбергандов, Каттақўрғон, Косон ва Пайариқ туманлари ички ишлар бошқармалари бошлиқлари Отамуродов, Отақулов ва Шермухамедов, Нарпай, Фаллаорол туманлари ва Гулистон шаҳар солиқ инспекциялари бошлиқлари Дехқонов, Мамаев ва Ражабовларга охириги оғохлантириш сифатида «хайфсан» эълон қилиниши белгиланди.

ЎзА материаллари асосида тайёрланди.

# ХАЛҚНИНГ РОЗИЛИГИ

## МАҲАЛЛА ТИЗИМИГА БЕРИЛГАН ЭНГ ХОЛИС БАҲОДИР



**Вақт томчига ўхшайди, ерга тушадию сингиб кетади. Уни ортга қайтариш ёки яна бир бор фойдаланишнинг эса имкони йўқ. Шунинг учун вақтнинг қийматию қимматини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Хозирдан унумли фойдалангангина бирон натижага эришади, акси бўлса, мавжуд имкониятлар ҳам йўққа чиқади.**

Ўш, «Обод хонадон – обод кўча – обод маҳалла» тамойили асосида амалга оширилаётган ишларга ҳам шу ракурсдан ёндашил-яптими? Ҳадемай, қорли-қировли кунлар бошланади. Мавсумда ҳеч кимнинг тоmidан чакка ўтмаслигию ҳар бир хонадон, кўча ва маҳалла файзли масканга айланиши қанчалик ҳақиқатга яқин? Таҳлил, мониторинг, танқид ва анъана-вийлик касб этган видеоселекторлар ўзини оқлаётими?

**Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазир Раҳмат МАМАТОВ** раислигида бу борада олиб борилаётган ишлар юзасидан ўтказилган навбатдаги видеоселекторда биз айна шу саволларга жавоб излади.

Очигини айтиш керак, бундай йиғилишларда ишлар кўламдорлиги, вазифалар ижросининг таҳлил этилаётгани, камчиликлар рўй-рост айтилаётгани олқишга сазовор. Бироқ гапни гапир уққанга, деганларидек бундан хулоса чиқармаётганлар ҳам йўқ эмас. Хозиргача жойларда ишлар белгиланган талаблар асосида ташкил қилинмапти, ҳудуддаги раҳбарлар вилоят, туман (шаҳар) ҳокими, сектор раҳбарлари ҳамда ҳамкор ташкилотларни жалб қилган ҳолда маҳаллабай, кўчабай ва хонадонбай режа белгилаб олмаган. Таассуфки, улар орасида «Обод хонадон – обод кўча – обод маҳалла» тамойилининг ўзи нима экани ҳақида тўқил тушунчага эга эмаслари ҳам бор.

### Вазир тизим ходимларини огоҳлантирди

— Афсус билан айтмоқчиман, маҳалла ва оиладаги муаммоларни бартараф этиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ўрнига, айрим виждонсиз тизим ходимлари томонидан жиноятлар содир этилмоқда. — **дейди вазир Раҳмат МАМАТОВ.** — Жорий йилнинг 5 оyi давомида маҳалла раислари томонидан 8 та жиноят содир этилган. Вазирликка маҳалла ходимлари ўртасида коррупция ҳолатлари содир этилаётгани бўйича фуқаролардан 12 та мурожаат келиб тушди. Бу, ўз навбатида, тизим мавқеини тушириш билан бирга, аҳоли орасида унга нисбатан ишончсизликни келтириб чиқармоқда. **Мисол учун, Навоий вилояти Қармана туманидаги «Дўрмон» маҳалласи ходимлари «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати орқали эҳтиёжманд оилаларга ажратилаётган пул маблағларини тақсимлашда қариндош-уруғчилик ҳолатларига йўл қўйилаётгани ҳақида шикоят қилинган.** Афсуски, бу каби ноҳуш ҳолатлар тақдорланмаслиги учун бирорта ҳудудий раҳбар шу пайтгача аниқ режа ёки дастур ишлаб чиқмаган.

Вазир тизим ёки маҳалла ходими томонидан коррупция билан боғлиқ жиноятлар содир этилса, ҳудуд раҳбари лавозимидан озод қилиниши ҳақида йиғилиш қатнашчиларини огоҳлантирди.

Шундан сўнг «Обод хонадон – обод кўча – обод маҳалла» тамойили асосида олиб борилаётган ишлар таҳлилига ўтилди.

### Режали қилинмаган ишдан натижа кутиб бўладими?

Маълум қилинишича, ҳудудлардан Республика штабига ёлгон рақамлар тақдим этилмоқда. Штабга юборилаётган маълумотлардан эса хойларга бириктирилган вазирлик ходимларининг хабари йўқлиги танқид қилинди ва ҳар бир вилоятда олиб борилаётган ишлар бўйича хулосалар келтирилди.

Чунончи, **Фарғона вилояти** Кува туманида йўналишдаги вазифалар бўйича ҳеч қандай ишлар ташкиллаштирилмаган. Тумандаги 214 та хонадоннинг бирортасида таъмирлаш ишлари бошланмаган. Кува туманидаги «Обод маҳалла», «Дўстлик», «Хонобод», «Пастки Хонобод» ва Мўйдин Ҳасанов номли маҳалла ходимлари эса нималар бўлаётганидан хануз беҳабар. **Кўкон шаҳридаги йиғинларнинг 3 ойлик ва кунлик режалари ишлаб чиқилмаган. Кўкон шаҳар штабидан вилоят штабига 184 та хонадон таъмирланган, деб маълумот тақдим этилган. Аслида ҳудуддаги биронта хонадон таъмирланмаган.**

Афсуски, «қоғоз»ни гапиртириш амалиёти шу билан якунига етмаган. Фарғона шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими вилоят штабига 490 та хонадон таъмирланганини маълум қилган. Ўрганишларда эса шаҳарда бирорта хонадон таъмирланмагани, масъуллар ёлгон маълумотларни тақдим этгани фош бўлган.

Наҳотки шунчаликка бориш мумкин бўлса? Тўғри, иш бор жойда камчилик бўлиши табиий, лекин бирон юмуш бажармасдан у қилдик, бу қилдик, деб томоқ йиртишдан кимга наф? Наҳот зиммадаги вазифага масъулият билан ёндашиш шунчалар қийин? Ахир, режадаги ишларнинг рисоладагидек бажарилиши, хонадону маҳаллаларнинг файзиёблик касб этишидан, аввало, тизим ходими хурсанд бўлиши, бунинг учун жон койитиши керак эмасми?

Бу ўйлар билан бир куюнсангиз, оилаларни камбағалликдан чиқариш бўйича ишлар талаб даражасида эмаслигию эҳтиёжмандлар хонадони таъмирланмаганидан минг ташвишга тушасиз. Юзи-кўзи иссиқ шу инсонларга эътиборсизлик қилаётганларни не деб «алқаш»га-да, бошингиз қотади.

### Номигагина қилинган иш

**Андижон вилояти**нинг баъзи туман ва шаҳарларида эса хонадонлари таъмирланадиган камбағал оилалар рўйхати хануз шакллантирилмаган. «Текширишга келишса шу ерга олиб келамиз», дейишганми, Балиқчи туманидаги «Аралхон», Асака туманидаги «Қипчоқ», Андижон туманидаги «Қорақалпоқ», Шаҳрихон туманидаги «Андижон», «Қалача» маҳаллаларида бор-йўғи 1 тадан хонадон таъмирланган. Марҳамат туманидаги «Қовунчи» маҳалласида ҳам бутунга қадар 1 та хонадоннинг тандирхонаси номигагина оқланган, холос. Жалақудуқ туманидаги «Иттифоқ», «Қўқлам» маҳаллаларида бирорта ҳам ишсиз фуқаро жамоат ишларига жалб қилинмаганини қандай оқлаш мумкин?

**Наманган вилояти**да ҳам худди шундай вазият кузтилган. Ҳатто, Косонсой тумани, Наманган шаҳрида ишчи гуруҳ аъзоси билган давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари фуқаролар йиғинларига умуман бормаган. Бундай лоқайдлик, масъулиятсизликка қандай баҳо беришни ҳам билмайсан, киши. Ахир, вазифалари белгиланган ходим уларни адо этмасдан қандай қилиб ойликни олади, уни эҳтиёжлари учун сарфлайди? Албатта, бу унинг виждонига ҳавола. Бироқ бир кишининг виждонсизлиги эвазига бутун бошли вилоятда ислохот самараси кўринмаслиги, шж жиллакурса бир қадам силжимаслигига кўз юмиб бўлмайди.

### Хизмат текшируви қандай якунига етди?

Йиғилишда фуқаролар мурожаати билан ишлашда қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўйган туман(шаҳар)ларда ўтказилган хизмат текшируви хулосалари ҳам эълон қилинди.

Унга кўра, Наманган вилояти Наманган шаҳри, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри, Қарши ва Чироқчи туманлари, Тошкент вилояти Янгийўл шаҳри, Бўстонлиқ тумани, Хоразм вилояти Урганч шаҳри, Шовот тумани, Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри, Хўжайли тумани, Бухоро вилояти Қорақўл туман бўлими бошлиқларига хайфсан интизомий жазо чораси қўлланилди.

Ҳудудлар раҳбарларини мурожаатлар билан ишлашда йўл қўйилган камчиликлари бартараф этилмаса, лавозимидан озод этишгача бўлган чоралар қўлланилиши маълум қилинди.

Садоқат МАХСУМОВА  
«Mahalla»



Тошкент вилояти туманларида ичимлик суви таъминоти яхшиланади.

Президентимиз бир неча чиқишларида бўш турган объектлардан самарали фойдаланиш ҳақида тўхталиб, мутасаддиларга зарур топшириқлар берганди. Бу борада махсус қарор ва фармонлар ҳам қабул қилинди. Натижада кўплаб бўш турган объектлар фойдаланишга туширилиб, айримлари аукцион орқали сотилди ҳам. Бироқ кузатишларимиздан маълум бўлмоқдаки, ҳайҳотдек объектларнинг баъзилари ҳамон бўш, қаровсиз ҳолда турибди. Фойдаланмай турганлиги оқибатида уларнинг аксарияти яроқсиз ҳолга келиб қолмоқда. Бунга нима сабаб бўлмоқда? Бўш турган объект эгалари «қаров»сиз мулкни сотишни истамаяптими ёки уларни сотиб олувчилар йўқми?



## Фойдаланилмаётган объектлар олиб қўйилади...(ми?)

– Республика миқёсида бўш турган объектлардан самарали фойдаланиш бўйича бир қатор чоралар кўрилатган бўлса-да, ҳудудларда ҳанузгача фаолият кўрсатмаётган ва самарасиз фойдаланилаётган бинолар ва қурилиши тугалланмаган объектлар сақланиб қолмоқда, – дейди **Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлиғи Одил Маматов**. – Буларнинг аксарияти хусусий мулкка тегишли бўлиб, бир неча сабабларга кўра бўш, фойдаланмай қолмоқда. Хусусан, мулкдорнинг маблағлари йўқлиги, тижорат банклардан кредит олиш мураккаблиги, инфратузилма билан таъминланмагани, аҳоли пунктларидан узоқ жойда жойлашгани ҳамда мулкдорлар

**объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги қарори асосида бундай самарасиз тизимга чек қўйилади. Мазкур қарор билан ташкил этилаётган Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги **Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази** эндиликда бўш турган давлат объектларини тасарруфига ўтказиб, улардан самарали фойдаланиш чораларини кўради.

### Марказ вазифаси нималардан иборат?

– Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча тоифадаги бўш турган объектларни аниқлаш ва ҳисобини юритиш, бўш турган давлат мулкни объектларини сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш, шу жумладан, давлат мулкни объектларини ижарага беришни ташкил этиш Марказнинг асосий вазифалари

қолаверса, фойдаланилмаётган ёки мақсадсиз фойдаланилаётган объектларни олиб қўйишга ҳақли.

Бундан ташқари, марказ Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси ҳулосасига асосан, яроқсиз деб топилган давлат мулкни объектларини бузиш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлади. Бўш турган хусусий мулк объектларини уларнинг мулкдорлари ихтиёрига кўра ижарага берилишида ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатади.

### Бўш турган объектлар қанча муддатда сотилиши керак?

– Мазкур қарор билан марказга берилган ваколатлар доирасида бўш турган давлат объектларини марказ ва унинг ҳудудий бошқармалари тасарруфига ўтказиш ва улардан самарали фойдаланиш (хусусийлаштириш, давлат-хусусий шерикликка ва ижарага бериш) чоралари кўрилади. Бундан ташқари, хусусий мулкка тегишли объектларни хўжалик фаолиятига жалб этиш ишларини жадаллаштириш бўйича мулкдорларга нисбатан мол-мулки ва ер солиқларини оширилган ставкаларда ҳисоблаш тизими қўлланилади. Бу бўш

турган объектлар мулкдорларининг фаолиятига молиявий юклама тушганлиги сабабли объектларни ишга тушириш, шу жумладан, сотиш, ижарага бериш, ҳамкор топишга ва бошқа чораларни кўришига олиб келади. Агар мулкдор томонидан объект фаолияти тикланса, охириги 12 ойлик қўшимча ҳисобланган солиқлари қайтариб берилади.

### Бўш турган ер майдонлари назорати билан ҳам шуғулланиладими?

– Албатта, марказ бу бўйича ҳам амалий ишларни олиб боради. Тузилма ва унинг ҳудудий бошқармалари бўш турган объектлар билан биргаликда давлат муассасалари, шу жумладан, академик лицей ва касб-хунар коллежлари,

соғлиқни сақлаш, спорт, маданият, мактабгача таълим муассасалари, халқ таълими, шунингдек, давлат ташкилотларининг фойдаланилмаётган ва ортиқча ер майдонларини аниқлаш ва тадбиркорларга аукцион орқали бериш мақсадида маҳаллий ҳокимлик захирасига ўтказиш бўйича ишларни ҳам амалга оширади.

### Шаффофлик қай даражада таъминланади?


– Давлат активларини бошқариш агентлигининг давлат мулкни объектларини (акция, улуш) сотиш соҳасидаги роли ва позициялари очиқ ва шаффоф принципларни қўллашдан иборат. Ушбу йўналишда бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган ва электрон аукцион тизими йўлга қўйилган. Соҳада инсон аралашувини янада чеклаш мақсадида мазкур қарорга асосан, 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб барча аукцион савдолари натижалари QR-кодни қўллаш орқали расмийлаштирилади.

Фуқаролар «мобиль идентификация қилиш» билан шахсни идентификациялаш имконини берувчи мобиль иловалар орқали аукционда иштирок этиши мумкин. Давлат мулкни объектларини ижарага бериш шартномасини эса ижарага берувчи ва ижарачи ўртасида электрон шаклда, шу жумладан, электрон рақамли имзо орқали икки томонлама расмийлаштирилади. Шунингдек, савдоларда мавжуд бўлган лотлар ҳақида батафсил маълумотларни ўз ичига олувчи доимий янгилаб турадиган ва Агентликнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилган электрон каталог ҳам яратилади.

Шу кунга қадар электрон онлайн аукционларнинг шаффофлиги ва ошқоралигини таъминлаш мақсадида Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази томонидан e-auction.uz сайтыга савдога чиқарилган мулклар барча учун очиқ тарзда платформага жойлаштириб келинмоқда.

Энг асосийси, платформада инсон омили иштирокини минимум даражада тушириш бўйича амалий ишлар бажарилмоқда.

**Рустам ЮСУПОВ**  
«Mahalla»



томонидан объектлардан самарали фойдаланиш бўйича ёниқ лойиҳа ишлаб чиқиш ва тадбиркорлик билан шуғулланиш тажрибаси йўқлиги каби қатор объектив ва субъектив сабаблар мавжуд.

Ҳудудларда вазирлик ва идоралар тасарруфида бўлган давлат мулкни объектлари ҳам бўш, қаровсиз ҳолатда тургани сир эмас. Айниқса ижтимоий соҳадаги, шу жумладан, мактабгача таълим, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт соҳасидаги объектларнинг балансида сақловчилари ҳамда уларнинг юқори турувчи вазирлик ва идоралари томонидан объектларидан самарали фойдаланишда етарли даражада эътибор берилмаяпти. Ушбу давлат мулкни объектлари йилдан-йилга фойдаланмай қаровсиз турганлиги оқибатида фойдаланишга яроқсиз аҳволга келиб қоляпти.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 1 июлдаги «Бўш турган



дан ҳисобланади, – дейди **Одил Маматов**. – Ижарага берилган давлат мулкни объектларидан мақсадли фойдаланилиши ва уларнинг сақланиши, шунингдек, ижара тўлови ўз вақтида ва тўлиқ туланишини ҳам марказ назорат қилади. Шунингдек, тузилма давлат муассасалари(корхоналари) га бириктирилган объектлардан самарали фойдаланилиши ва уларнинг сақланишини белгиланган тартибда текшириш, оператив бошқарув ҳуқуқи билан берилган объектларнинг ортиқча қисмини,

Корея ва Ўзбекистон ишбилармон доиралари ўртасидаги алоқалар янада мустаҳкамланади.

**М**онополия камайган жойда рақобат муҳити шаклланади. Рақобат бор жойда эса ривожланиш, юксалиш бўлади. Эътиборлиси, нарх ва тарифлар эркин шакллантирилади. Истеъмолчиларда эса, танлаш ҳуқуқи кенгайди. Таъкидлаш жоиз, монополиянинг вужудга келиш сабаби ва тавсифига кўра: табиий монополия, легал монополия, сунъий монополияга бўлинади.



# 2024 йилга қадар монополист корхоналар сони 40 фоизга қисқартирилади

Табиий монополия таркибига камёб ва ишлаб чиқаришнинг эркин тарзда такрор ҳосил қилиб бўлмайдиган унсурлари (масалан, нодир металллар, фойдали қазилмалар ва ҳ.к.)га эга бўлган мулкдорлар ва ҳўжалик ташкилотлари қиради. Шунингдек, мазкур монополия таркибига ўзига хос технологиянинг қўлланиши сабабли рақобатни ривожлантириб бўлмайдиган баъзи бир тармоқлар ва ишлаб чиқариш турлари ҳам киритилади.

## Монополия турлари қандай?

**Табиий монополия** – корхонанинг технологик хусусиятлари сабабли маҳсулотта бўлган талабни қондириш рақобат мавжуд бўлмаган шароитда самаралироқ амалга оширилувчи товар бозорининг ҳолатидир. Бундай самардорлик ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиб бориши билан товар бирлигига тўғри келувчи ҳўжалик харажатларнинг аҳамиятли даражада пасайиб боришида намоён бўлади. Шу билан бирга, табиий монополия субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар истеъмолчини бошқа турдаги маҳсулотлар билан алмаштириб бўлмайди.

**Легал (қонуний) монополия** – бу қонуний тарзда ташкил этилувчи монополистик ҳолат. Улар таркибига рақобатдан ҳимоя қилувчи қўйидаги монополия шакллари киритиш мумкин.

**Биринчиси**, патент тизими, бу – ихтирочи ва муаллифлар томонидан яратилган ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналарини тасдиқловчи ҳамда уларга мутлақ ҳуқуқни тақдим этиш тизими. Бу жараён махсус гувоҳномалар – патентлар орқали амалга оширилади.

**Иккинчиси**, муаллифлик ҳуқуқи – илмий, бадиий ва санъат асарлари, ижро санъати фонограммалари, кўрсатувлар, эфир тўлиқни ёки кабель орқали тасвир узатиш каби-ларни яратиш ва улардан фойдаланиш муносабатларини қонуний

тарзда тартибга солиш шакли. Муаллифлик ҳуқуқи фақат муаллифлар томонидан ўз маҳсулотларини маълум вақтга ёки бутунлай сотиш, улардан нусха олиш ва кўпайтиришга рухсат бериш имконини таъминлайди.

**Учинчиси**, товар белгилари, бу – савдо белгилари, нишонлари, махсус рамзлари, номи ва бошқаларни рўйхатга олиш, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича пайдо бўлган муносабатларни қонуний тарзда тартибга солиш шакли.

**Сунъий монополия** – монопол фойда олиш мақсадида ташкил этилувчи бирлашмаларнинг шартли (табиий монополиялардан ажратиб туриш учун) номи. Сунъий монополия ўз манфаатлари йўлида бозор муҳити тузилишини атайлаб ўзгартиради. Яъни бозорга янги рақибларнинг кириб келишига йўл қўймаслик учун турли тўсиқлар ҳосил қилади (ҳомашё ва энергия манбаларини эгаллаб олади, банкларнинг янги корхоналарга кредит беришини тақиқлашга ҳаракат қилади ва бошқалар).

Шунингдек, ишлаб чиқаришнинг энг юксак даражадаги технологиясига эришиб, қолган рақибларнинг бу даражага чиқишига имкон бермайди. Ишлаб чиқариш миқёси самарасидан унумлироқ фойдаланиш имконини берувчи нисбатан йирик ҳажмдаги капитални қўллайди.

Сунъий монополиялар картель, синдикат, трест, консорциум, концерн каби аниқ шаклларда намоён бўлади.

## Сенатга ва Президентга ҳисобдор бўлади

Кунин кеча давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган «**Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодий таъминотидаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**»ги фармон ҳам монополияга қарши кураш ва рақобат шароитини яратишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Мазкур ҳужжат билан Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши

курашиш қўмитаси ўз фаолияти юзасидан Олий Мажлис Сенати ва Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳисобдор бўлиши белги-ланди.

Шунингдек, Монополияга қарши курашиш қўмитаси имтиёзлар, преференциялар ва фаолиятни амалга ошириш учун эксклюзив ҳуқуқлар шаклида кўрсатилмаётган давлат кўмагининг самарадорлиги устидан давлат назоратини амалга ошириш ва буларнинг рақобат муҳитига таъсири салбий бўлганда давлат органларининг рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузувчи қарорларини бекор қилади. Ва уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан чора қўллаш бўйича Президентга тақлифлар киритилади.

## «Картель» келишувлари ва тил бириктиришларга чек қўяди

Таъкидлаш жоиз, Монополияга қарши курашиш қўмитаси Молия вазирлиги билан биргаликда давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши ҳамда алоҳида тартиб ўрнатилган стратегик аҳамиятга эга ҳўжалик жамиятлари ва корхоналарнинг харидлари устидан давлат назоратини олиб боради. Шунингдек, «картель» келишувлари ва тил бириктиришларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда аниқлайди ва уларга чек қўяди. Давлат иштирокидаги ҳўжалик юртувчи субъектларнинг ташкил этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Бундан ташқари, Монополияга қарши курашиш қўмитаси рақобат ва монополияга қарши курашиш соҳасида чора-тадбирларнинг сиёсат билан уйғунлигини, эркин ва рақобатбардош бозорни шакллантириш борасидаги ислохотларни амалга ошириш ҳамда давлат харидлари, давлат активларини сотиш жараёнида

рақобат шароитларини таъминлашда Вазирлар Маҳкамасининг энг катта котибиятларидан бири (Макроиктисодий таҳлил, таркибий ўзгартиришлар, молия-банк тизими, давлат активларини бошқариш, рақобатни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари котибияти) билан ҳамкорлик қилади.

## Давлат иштирокидаги ҳўжалик субъектларини ташкил этиш тақиқланади

Эътиборлиси, мазкур фармон билан 2020 йилнинг 1 октябридан давлат иштирокидаги ҳўжалик субъектларини ташкил этиш тақиқланмоқда. Бундан ташқари, давлат-хусусий бизнес иштирок этаётган соҳаларда ўз иштирокини чеклайди. 2021 йил 1 январдан давлат харидлари, шунингдек, стратегик аҳамиятга эга ҳўжалик жамиятлари ва корхоналарнинг харидлари бўйича танловларда ғолиб бўлган компанияларнинг эгалари (таъсисчилари) мажбурий тартибда эълон қилинади.

Шунингдек, 2024 йилга қадар монополист корхоналарнинг сони 40 фоизга қисқартирилиши, монополлашган товар бозорлари сони 45 фоизга камайирилиши, эксклюзив ҳуқуқлар ва преференцияларни тақдим этишни кўзда тутувчи ҳўжатларнинг камида 60 фоизи бекор қилиниши фармон билан белгиланди.

Албатта, рақобат муҳитини яратиш ва қўллаб-қувватлаш иқтисодийнинг ривожланишига муҳим туртки бўлади. Айниқса, монопол корхоналарининг қисқартириб борилиши ва давлат иштирокидаги корхоналарнинг ташкил этилишини тақиқлаб қўйилиши ижобий янгилик бўлди. Давлат бюджети ҳисобидан амалга ошириладиган харидлар бўйича танловларнинг шаффоф бўлиши ва очиқлиниши бюджет маблағларининг тўғри сарфланиши учун энг тўғри йўлдир.

Энг муҳими, мазкур ҳўжатнинг қабул қилиниши инвестиция муҳитига ва инвесторларнинг фаоллашуви ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

**Мухтор ҲОЖИМАТОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Ўзбекистоннинг ЖСТга кириши бўйича ишчи гуруҳининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.



# КАРАНТИН ҚОИДАЛАРИ қатъий кучайтирилади

Юртимизда сўнгги кунларда коронавирус инфекциясига чалиниш ҳолатлари жиддий равишда ўсиб бораётгани кузатилмоқда. Хусусан, 1 июлдан 8 июлгача икки мингдан зиёд фуқарода коронавирус аниқланди, кунлик ўсиш суръати 10 баравардан ошиб кетди, ўлим ҳолатлари эса шу муддат ичида 15 тани ташкил этди. Айтилган ҳисобга олиниб, Республика махсус комиссиясининг тегишли қарори билан 2020 йил 10 июлдан 2020 йил 1 августга қадар мамлакат миқёсида навбатдаги қатъий карантин чоралари ўрнатилди.

## Автотранспорт воситаларининг ҳаракати чекланди

Шу санадан эътиборан, автотранспорт воситаларининг ҳаракати чекланди. Давлат органлари ва ташкилотларининг асосий иш



фаолиятига таъсир этмаган ҳолда қонунчиликда белгиланган тартибда меҳнат таътилига чиқарилиши, қолган қисмининг меҳнат фаолиятини максимал даражада масофадан туриб (онлайн ёки дистанцион тарзда) ташкил этилиши белгиланди.

Давлат органлари, ташкилотлар ва корхоналарда йиғилишлар ўтказиш тақиқланди, зарур ҳолларда йиғилишларни видеоконференцалоқа режимида ўтказиш белгиланди. Худудлар ўртасида автотранспорт воситалари қатнови тақиқланди (қишлоқ хўжалиги махсулотларини етиштирувчи ташкилотларга тегишли хизмат ва шахсий автотранспорт воситаларининг ҳаракати бундан мустасно).

Шунингдек, томоша, маданий-кўнгилочар ва бошқа оммавий тадбирларни, тўй ҳамда бошқа оилавий маросимларни ўтказиш тақиқланди. 65 ёшдан ошган шахсларнинг жамоат жойларида, шунингдек, аҳолининг кўчаларда ва майдонларда уч кишидан ортиқ бўлиб ҳаракатланиши чекланди.

## Буюм бозорлари яна ёпилади

Қарор билан қатор объектлар фаолияти тўхтатилади. Жумладан, парكلар ва истироҳат боғларидаги аттракционлар, буюм бозорлари ва буюмлар савдоси билан шуғулланувчи йирик дўконлар, спорт заллари, фитнес клуб, тренажер ва бассейнлар, ташкилий-ҳуқуқий ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, мактабгача таълим ташкилотлари, ўқув курслари ва ҳар қандай тўғарақлар шулар жумласидан.

Бундан ташқари, умумий овқатланиш объектлари (ресторан, кафе, ошхона, чойхона) (етказиб бериш (кейтеринг) хизмати бундан мустасно), санаторийлар, пансионатлар, болалар оромгоҳлари, меҳмон уйлари, пляжлар ва бошқа дам олиш масканлари фаолияти тўхтатилади.

## Қурилиш объектлари тўлиқ карантинга олинади

Халқаро авиақатновлар ва юк ташувлар билан боғлиқ янги тартиблар белгиланди. Унга кўра, эндиликда халқаро авиақатновлар хорижий давлатлардаги эпидемиологик вазиятни таҳлил қилган ҳолда икки бараварга қисқартирилади. Халқаро юк ташувларни амалга оширадиган автотранспорт воситалари ҳайдовчилари мажбурий тартибда коронавирус инфекциясини аниқлаш бўйича тест топширади.

Шу билан бирга, саноат ва йирик қурилиш объектлари фаолиятини давом эттиришига маълум шартлар асосида рухсат берилмоқда. Хусусан, тегишли объектлар ҳудуди тўлиқ карантинга олиниб, санитария ва гигиена қоидаларига тўлиқ риоя этилиши таъминланади. Санитария-эпидемиологик осойишталик марказлари билан биргаликда тегишли объектларда санитария-гигиена тадбирлари амалга ошириб борилади. Объектларга кириш-чиқиш жойларини пирометрлар ва антисептик воситалар, дезинфекцион «тўшак»лар билан жиҳозлаш, ходимлар томонидан ижтимоий масофа (2 метр)ни сақлаган ҳолда фаолият юритилишини таъминлаш лозим бўлади.

## Карантинда сақлаш муддати қисқартирилди

Маълумки, Республика махсус комиссиясининг жорий йил 30 июндаги қарори билан шифохоналарда ва уй шароитида даволанаётган касаллик аломатларисиз энгил шаклда кечаётган беморларни 10 кун муддатда клиник белгилари кузатилмаган тақдирда назоратдан чиқариш амалиёти жорий этилган эди.

Коронавирус инфекциясини юктириб олган беморлар билан алоқада бўлган шахсларни карантинда сақлашнинг янги тартиби жорий этилди. Унга кўра, коронавирус инфекциясини юктириб олган беморлар билан алоқада бўлган шахслар уй шароитида карантинда сақланади. Карантинда сақлаш муддати 14 кундан 10 кунга қисқартирилади ҳамда 10 кун муддатда коронавирус инфекциясини аниқлаш бўйича тест натижалари манфий бўлган тақдирда карантиндан чиқарилади.

Тест натижалари мусбат бўлган тақдирда, беморда коронавирус инфекциясининг клиник белгилари кузатилса, шифохонага жойлаштирилади, касаллик аломатларисиз ўтаётган бўлса, уй шароитида даволанишга ўтказилади (уй шароитида даволашнинг имкони бўлмаса, белгиланган тартибда тиббиёт муассасасида даволашга ўтказилади).

## Ихтисослашган мобиль гуруҳлар ташкил этилади

Касаллик аломатларисиз энгил шаклда кечаётган беморларни уй шароитида даволаш, шунингдек, беморлар билан алоқада бўлганларни уй шароитида карантинга олиш тартиби жорий этилиши муносабати билан бир қатор чоралар белгиланди.

Жумладан, уй шароитида даволанаётган беморлар ҳамда беморлар билан алоқада бўлиб, уй шароитида карантинга олинган шахсларнинг доимий тиббий назоратда бўлиши белгиланди. Аҳолига, шу жумладан, уй шароитида даволанаётган беморлар ҳамда карантинга олинган шахсларга тиббий маслаҳат ҳамда ахборот беришга қаратилган туну кун узлуксиз фаолият кўрсатувчи Call-center фаолияти йўлга қўйилади. Уй шароитида даволанаётган беморлар ҳамда



карантинга олинган шахсларга жойига чиққан ҳолда тиббий ёрдам кўрсатишга ихтисослашган мобиль гуруҳлар ташкил этилади.

Республика махсус комиссияси ахбороти асосида тайёрланди.

Чирчиқ дарёси қирғоғида «Дарё бўйи Бизнес сити» ташкил этилади.



Сўнги йилларда Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини таъминлаш масаласида жиддий ва шиддатли қадамлар ташлади. Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги «Жаслик» Жазони ижро этиш муассасасининг 2019 йилда фаолияти бутунлай тугатилганлиги, ўтган 3 йилда минглаб фуқароларга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилгани, асоссиз қўйилган моддалар айбловдан олиб ташлангани ёки бўлмаса, мамлакатимизда узоқ вақтдан бери яшаб келаётган, лекин Ўзбекистон фуқароси деган ҳуқуқий мақомга эга бўла олмаётган минглаб юртдошларимизнинг ана шу муаммосини қонуний ҳал этиш борасида қилинаётган амалий ўзгаришлар бунинг яққол тасдиғидир.

# ҲЕЧ ҚАНДАЙ САБАБ ИНСОН ҲАЁТИГА ДАХЛ ҚИЛИШГА АСОС БЎЛМАЙДИ

Бироқ тан олиш лозимки, қилинаётган бу саъй-ҳаракатлар етарли эмас. Хусусан, Андижон шаҳар ва Чирочки туман ички ишлар идораларида яқинда содир бўлган фожиали ҳолатлар ҳали бу соҳада қилиниши лозим бўлган ишлар, ҳал этилиши зарур бўлган муаммо ва камчиликлар талайгина эканини яққол кўрсатди.

## Одамлар бу борадаги адолатсизликларни очик-ойдин баён қилмоқда

Яқинда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида ҳам бу каби муаммолар тилга олинар экан, Олий Мажлис палаталари етакчилари бошчилигида парламент аъзолари жойларда халқ билан очик мулоқот ўтказган пайтда жамоатчилик ушбу йўналишлардаги мавжуд адолатсизликларни очик-ойдин баён қилган.

Шу ўринда савол туғилади: хўш, соҳадаги муаммоларга нима, қайси омиллар сабаб бўлмоқда? Уларни ҳал этиш учун эса қайси жиҳатларга эътибор қаратиш зарур?

### Мавзуга оид маълумот:

**2019** йилда иқтисодий судларда апелляция, кассация ва назорат тартибида қўрилган ишларнинг 2,5 мингдан ортиғи, яъни **44** фоизи бекор қилинган ёки ўзгартирилган. Бу ҳар икки шикоятдан бири бўйича туман ва вилоят иқтисодий суди чиқарган қарорлар юқори судда ўзгараётгани, тадбиркор ва инвесторлар сарсон бўлаётганидан далолат беради.

— Очигини тан олиш керак, кейинги вақтларда инсон ҳуқуқлари бузилиши, одамларнинг норозилиги кўпроқ ҳуқуқ-тартибот органлари фаолияти билан боғлиқ бўлмоқда. — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Анвархон Темиров. — Соҳа ходимлари фуқароларга хурмат билан муомала қилмаслиги, шаънини кадрмаслиги, кадр-қимматини камситишига оид ҳолатларга тез-тез дуч келинапти. Ваҳоланки, ҳар қандай ҳолатда фуқароларнинг ҳуқуқлари, шаъни, кадр-қиммати хурмат қилиниши зарур. Ҳеч қандай сабаб инсоннинг ҳаётига дахл қилишга асос бўлмайди. Бу масалага давлатимиз раҳбари одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокама-сига бағишланган видеоселектор йиғилишида ҳам алоҳида эътибор қаратди. Фикримча, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш учун тизимда фаолият олиб бораётган ҳар бир ходим масъулиятли, маданиятли, ҳам ўз вазифасига садоқатли бўлиши керак. Бусиз яна жиддий муаммолар келиб чиқаверади.

### Энди бу йўналишда мутасаддилар олдига аниқ саволлар қўйилади

Юқорида таъкидланганидек, жойларда депутатларнинг сайловчилар билан учрашувларида ички ишлар, ҳуқуқ-тартибот органла-

ри ходимларининг фуқароларга нисбатан адолатсизлик қилаётгани баён этилган мурожаатлар кўпайган. Шу боис эндиликда бу йўналишда кўп нарсалар ўзгаради. Жумладан, депутат ва сенаторлар ўзлари сайланган ҳудудларда судьялар корпуси, сектор раҳбарлари ва жамоатчиликни жалб қилган ҳолда, одил судловга кўмакла-

тутса, қонунларни писанд қилмаса, эътирозлар кўпаяди, адолатга давлатга ишонч пасаяди. — дейди Анвархон Темиров. — Бунга йўл қўймаслик учун эндиликда ҳуқуқ-тартибот идоралари адолатли фаолият юритиши билан боғлиқ масалаларда парламент назорати кучайтирилади. Масъулиятни оширишда эса айбдорларнинг қилмишлари, ноқонуний хатти-ҳаракатлари жамоатчилик, уларнинг вакиллари олдида очик муҳокама этилиши билан боғлиқ, деб ўйлайман. Яъни адолатсизлик, фуқарога нисбатан ноҳақлик ёки зуравонлик қилган ходим жамоатчиликка кўрсатилса, унинг қилмиши муҳокама қилинса, бошқалар бундан сабоқ олади. Чунки

Жорий йилнинг 5 ойида тергов органлари асоссиз айб қўйган **323** нафар фуқаро судлар томонидан оқланган, **1** минг **854** нафар шахсга нисбатан қўйилган асоссиз айбловлар олиб ташланган. Ўтган йилнинг ўзида **236** нафар оқланган шахсга давлат ҳисобидан **6,7** миллиард сўмлик моддий ва маънавий зарар тўлаб берилган.

шиш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича мунтазам равишда мулоқотлар ўтказиб боради. Аҳоли томонидан кўтарилган адолатсизлик ҳолатлари ва муаммолар ҳар чоракда маҳаллий Кенгашларда танқидий муҳокама қилиниб, мутасаддилар олдига аниқ саволлар қўйилади ва масъулиятга баҳо бериб борилади. Қолаверса, Олий Мажлисадаги махсус кўмиталар ҳар бир ҳудуднинг одил судлов ва коррупция масалаларига оид рейтинг юритилишига бош-қош бўлиб, ҳар ярим йилда натижалари бўйича парламент эшитувлари ва текширувларини ўтказиб боради.

### Инсон учун эл назаридан қолишдан таъсирчанроқ жазо йўқ

— Ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари ўзларини номуносиб

инсон учун эл назаридан қолишдан таъсирчанроқ жазо бўлмаса керак. Шунингдек, эл назари қудратли куч, бу кучнинг таъсир доирасини кенгайтиришимиз лозим. Ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолияти маҳаллий Кенгашларда парламент аъзолари иштирокида ошкора муҳокама этилиши бу жараёнда муҳим аҳамият касб этади.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатда адолат таъминланиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари, шаъни, кадр-қиммати ҳимояланишида парламент аъзоларининг қатъияти, уларнинг ташаббускорлиги муҳим аҳамиятга эга. Бунга эса ҳар бир депутат ёки сенатор доимо ёдда сақлаши зарур.

Саъдулло ТУРСУНОВ  
«Mahalla»

9-синф битирувчиларининг касб-ҳунар мактабларига ҳужжат топшириш тартиби маълум қилинди.

Экспертларнинг фикрича, келгуси 3 йилда иқтисодийetni рақамлаштириш орқали дунёдаги 22 фоиз иш ўринлари интернет технологиялари ёрдамида яратилади. Бундан кўринадики, қайсики мамлакат тараққиётдан ортада қолишни истамаса, аввало, ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш, бу йўналишда етук ва малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини йўлга қўйишга жиддий эътибор қаратади.

# СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ

## ТИЗИМИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ

Рақамли технологиялар  
пандемия даврида  
асқатмоқда

Шу нуқтаи назардан, сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳам рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш кун тартибдаги муҳим масалаларга айланди. Айниқса, рақамли технологияларнинг нақадар муҳим эканлиги бугунги пандемия шароитида янада ойдинлашди. Таълим, давлат хизматлари, давлат бошқаруви тизими, савдо ва хизмат кўрсатиш каби муҳим соҳалар рақамли иқтисодиёт билан боғлиқлиги яққол кўриниб қолди.

Хабарингиз бўлса, шу йил 28 апрелда давлатимиз раҳбарининг «Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Таъкидлаш лозимки, мазкур қарор «Электрон ҳукумат» дастурини комплекс ривожлантириш, бу орқали аҳоли ва давлат органларининг вақт ва пул сарфланишини камайтиришга ёрдам бериш, энг муҳими, аҳоли учун сифатли давлат хизматлари кўрсатиш ва фуқароларнинг турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилиши билан муҳим аҳамиятга эга.

Дастурнинг энг устувор йўналишларидан бири соғлиқни сақлаш соҳаси ҳисобланиб, унда «Ягона электрон тиббий карта», «Электрон рецепт», «Электрон поликлиника» ва «Электрон шифохона» ахборот тизимларини жорий этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тўғрисида ягона тиббий маълумотлар базасини шакллантиришга, аҳолининг саломатлиги мониторингини ўтказиш кўзда тутилган.

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси томонидан «Электрон соғлиқни сақлаш тизими

– тиббиёт келажаги» мавзусида ўтказилган видеоконференция алоқа тартибдаги давра суҳбатида ушбу масалалар атрофлича муҳокама этилиб, муаммоларни ҳал этиш юзасидан депутатлар ўзаро фикр алмашди.

### Коронавирусдан касалланганларнинг ягона базаси яратилди

Давра суҳбатида «Электрон поликлиника» ахборот тизими ишлаб чиқилиб, Тошкент шаҳрининг 62 та оилавий поликлиникасига жорий этилгани ва бугунги кунда мазкур ахборот тизими йўлга қўйилган ҳудудлардаги аҳоли бу хизматдан фойдаланаётгани таъкидланди. Шунингдек, замонавий АКТ ва тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 150 та реанимобил етказиб берилгани, Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станциясининг «CALL» маркази таъмирланиб, замонавий ускуналар билан таъминлангани айтиб ўтилди.

**Бугунги кунда давлат идораларида мавжуд 700 дан ортиқ ахборот тизимларининг атиги 30 фоизи «Электрон ҳукумат» тизимига уланган.**

Қолаверса, «Электрон шифохона» намунавий ахборот тизимини ишга тушириш, «Ягона тез тиббий ёрдам» ахборот тизимини «Электрон соғлиқни сақлаш» тизимига интеграция қилиш, «Электрон рецепт» ахборот тизимини жорий этиш ва бошқалар юзасидан қилинаётган ишлар ҳақида маълум қилинди. Айниқса, коронавирус инфекцияси билан касалланган ҳамда улар билан алоқада бўл-



### Мавзуга оид маълумот:

Юртимиздаги давлат хизмати кўрсатувчи **80** та идоранинг атиги **27** таси Давлат хизматлари агентлигига интеграция қилинган.

хассис бўлмас экан, ҳар қандай замонавий қурилма ўз аҳамиятини йўқотди.

### Интернет сифати соҳа ривожига тўсиқ бўлмоқда

Шунингдек, бугунги кунда олис ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги оилавий поликлиника ва шифохоналарда интернет тармоғи ва унинг сифатини талаб даражасида деб бўлмайди. Очигини айтиш керак, бу масала неча йилдан буён кенг жамоатчилик томонидан муаммо сифатида тилга олинади. Бироқ, хануз бу соҳада айтарли натижаларга эришилгани йўқ. Ваҳоланки, интернет сифати яхшиланмас экан, «Ягона электрон тиббий карта», «Электрон рецепт», «Электрон поликлиника» ва «Электрон шифохона» ахборот тизимларини жорий этиш каби ахборот тизимларини тўлиқ ишга тушириб бўлмайди.

Эътибор берсак, бугун ҳудудларда Президент қарорларида белгиланган электрон соғлиқни сақлаш амалиётига доир ахборот тизимларига тегишли лойиҳаларнинг ўз муддатида бажарилиши учун ҳам молиявий, ҳам моддий, ҳам малакавий тайёрларик суст тарзда олиб борилмоқда. Жойларда ахборот технологияларини ривожлантиришга оид масъулларнинг бу борада амалга ошираётган ишлари етарли эмас. Шу боис мавжуд муаммоларни рўй-рост муҳокама қилиш, уларни бартараф этиш учун биргаликда ҳаракат қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўйлаймизки, соғлиқни сақлаш тизимига «Электрон ҳукумат» дастурининг тўлиқ жорий этилиши фуқароларимизнинг турмуш даражасини яхшилаш ва соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Саъдулло ТУРСУНОВ  
«Mahalla»

### Жойларда АКТ мутахассислари етишмайди

Бироқ шунга қарамай, бугун мазкур тизимдаги ишларни қониқарли деб бўлмайди. Соҳани ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган муаммолар, камчиликлар эса талайгина.

— Дарҳақиқат, сўнгги йилларда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимига замонавий ахборот телекоммуникация воситаларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, бироқ соҳани янада ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган омиллар йўқ эмас, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шухрат Шарофудинов. — Энг асосий муаммо соғлиқни сақлаш тизимининг қуйи бўғинларида АКТ мутахассислари етишмаслигидир. Ҳатто, шаҳар-туманлардаги тиббий муассасалар таркибий тузилмаларида бундай мутахассислар учун штатнинг ўзи йўқ. Бу эса ўз-ўзидан соҳадаги ислохотларни тўла-тўқис амалга ошириш, тизимдаги ишларни сифатли йўлга қўйишга жиддий тўсиқлик қилади. Чунки мута-

Сўх туманидаги «Малбут», «Хушёр», «Истиқлол» маҳаллалари ва туман марказидаги база станцияларида алоқа сифати икки баробарга оширилди.





**Б**угун аҳолини қизиқтираётган масалаларга тегишли ташкилотлар мутасаддилари томонидан тезкор жавоб берилаётгани қувонарли ҳол, албатта. Бу, ўз навбатида, турли миш-мишларга чек қўйиб, аҳолини ишончли ахборот билан таъминлашга хизмат қилмоқда. Бу жараёнда Президент Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги қошида ташкил этилган штабда ўтказилаётган турли брифинглар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази бошқарма бошлиғи Диёрбек Қўчқоров иштирокида ўтган навбатдаги брифингга ҳам абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарини қизиқтираётган долзарб саволларга атрофлича жавоб берилди.

Қуйида абитуриентлар томонидан тахририятимизга янги ўқув йили қабули, ижодий (касбий) имтиҳонларни ўтказиш тартиби ва бошқа мавзулардаги энг қўп йўлланаётган саволларга берилган жавобларни ҳавола этамиз.

# ТЕСТ

## СИНОВИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН РУХСАТНОМАНИ ҚАЕРДАН ОЛСАМ БЎЛАДИ?

### АБИТУРИЕНТЛАР ВА УЛАРНИНГ ОТА-ОНАЛАРИНИ ҚИЗИҚТИРАЁТГАН САВОЛЛАРГА ЖАВОБЛАР

**– Ижодий имтиҳон топширадиган абитуриентлар ҳам 111 минг 500 сўм миқдоридан пул тўлайдими? Рўйхатдан ўтгандан сўнг тўловни қандай амалга оширса бўлади?**

– Республика олий таълим муассасаларида ижодий имтиҳонга қиравдиган абитуриентлар 111 500 сўм миқдоридан пулни тўламайдилар. Бу фақат тест топширадиган абитуриентлар учун. Рўйхатдан ўтиш якунланганда, абитуриентнинг шахсий кабинетидан базавий ҳисоблаш миқдорининг ярим баравари миқдоридан тўловни амалга ошириш учун инвойс ҳосил бўлади. Инвойснинг қуйи қисмида онлайн тўлов тизимлари орқали тўловни амалга ошириш учун ҳаволалар жойлашган. Улар орқали тўловни амалга ошириш имконияти мавжуд.

Умуман олганда, тўловни Click, Рауме, Урау, Paynet каби электрон тўлов тизимлари ёки банк кассалари орқали амалга ошириш мумкин.

**– Қимлар тест синови учун тўловни амалга оширмайди?**

– Таълим муассасалари (мактаб, лицей ва коллежлар)ни 2020 йилда тамомлаганлар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлиги бор шахслар, тўлиқ давлат таъминотидаги шахслар, чет эл фуқаролари, алоҳида иқтидор талаб этиладиган таълим йўналишларига (маданият, санъат, спорт ва ҳоказо) рўйхатдан ўтган абитуриентлар, тест синовларисиз, қўп балли тизим бўйича имтиҳон ўтказиладиган ва ўқитиш қозоқ, туркман ва қирғиз тилларида олиб бориладиган таълим йўналишларига топширганлар, ота(она)си хизмат вақтида ҳалок бўлган ёки ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилари ва ички ишлар органлари ходимлари фарзандлари, Ёшлар иттифоқи тавсияномасига эга абитуриентлар (республика босқичи ғолиблари), ҳарбий қисм кўмондонлиги ва Ёшлар иттифоқи томонидан биргалликда бериладиган тавсияномага эга абитуриентлар, танлов ёки мусобақа ғолиблари ҳамда давлат мукофоти соҳиблари тўловни амалга оширмайди.

**– Давлат тест марказининг сайти орқали рўйхатдан ўтганман. Танлаган таълим йўналишларимни ўзгартирсам бўладими?**

– Абитуриентлар рўйхатдан ўтиш муддати тугагун (20 июль)га қадар доимий яшаш манзилини, тугатган таълим муассасасини, имтиёзларини ва танлаган таълим йўналишларини ўзгартариши мумкин.

**– IELTS имтиҳони жавоби 20 июлдан кейин чиқса, имтиёзларга IELTS сертификатини қўшса бўладими?**

– Абитуриентлар ўз маълумотларини 20 июлга қадар ўзгартаришлари мумкин. Қабул якунланган (20 июл)дан сўнг маълумотларни ўзгартариш мумкин эмас.

**Ҳарбий йўналишга ҳужжат топширган абитуриент яна 5 та йўналишни танлаш имконига эга бўлади.**

**– Ҳарбий ОТМга ҳужжат топширган абитуриентлар ҳарбий бўлмаган ОТМларга ҳам топшириши мумкинми?**

– Мумкин. Абитуриентлар олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кириш бўйича рўйхатдан ўтишда тест топшириладиган фанлар мажмуаси ва кетма-кетлиги бир хил бўлган ҳарбий бўлмаган ОТМларнинг 5 тагача бакалаврият таълим йўналишларини танлашлари мумкин.

**– Ногиронлиги бўлган шахсларнинг сиртки таълим шаклига топширганда имтиёзи сақланиб қоладими? Сиртки таълим шаклида ҳам 5 та йўналишни танлаш мумкинми?**

– Сақланиб қолади. Чунки ногиронлиги бўлган шахсларга кундузги, сиртки ва кечки таълим шакллари бўйича ҳам қўшимча квоталар ажратилган. Фанлар мажмуаси бир хил бўлса, абитуриент сиртки таълим шаклида ҳам 5 та йўналишни танлаш имконияти мавжуд. Фақат сиртки таълим шаклида ўқиш муддати 5 йилни ташкил этади.

**– Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ота-оналарини ўқишга қабул қилишда имтиёзлар борми?**

– Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2018 йил 2 июндаги 417-сон қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ, ногиронлиги бўлган шахслар учун республика олий таълим муассасаларининг умумий қабул параметрларига нисбатан икки фоизли қўшимча (алоҳида) давлат гранти квоталари ажратилади. Қарорда ногиронлиги бўлган фарзандлари бор ота-оналар учун имтиёз назарда тутилмаган.

**– Менда ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари учун бериладиган тавсиянома мавжуд. Лекин рўйхатдан ўтишда сизда ҳеч қандай имтиёз мавжуд эмас деб чиқмоқда. Нима қилсам бўлади?**

– «Ногиронлиги бўлган шахслар», «Кўзи ожизлар», «Ҳарбий қисм кўмондонлиги тавсияномаси» ёки «Чет тили сертификати»га эга абитуриентлар рўйхатдан ўтишда имтиёзларини ўзлари киритадилар. Агар абитуриентда бошқа турдаги имтиёзлар бўлса, бу имтиёзлар тегишли вазирлик ва идоралардан олинган маълумотлар асосида автоматик тўлдирилади. Рўйхатдан ўтганингизда сизнинг имтиёзингиз мавжуд эмас, деб чиқаётган бўлса, сизга тавсиянома берган вазирлик ёки идорага мурожаат қилишингиз керак.

Р.ЮСУПОВ тайёрлади.

**Ф**аолиятда бирон самарага эришиш навбатдаги ижобий натижалар учун пойдевор бўлади. Бироқ забт этилган марра билан кифояланиш, масъулиятни бир зумга бўлсин, унутиш ярамайди. Худуддаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, маҳаллаларни жиноятдан холи этишда бу, айниқса, муҳим.



# МАҲАЛЛАДАГИ

## ИЖТИМОИЙ МУҲИТ БАРҚАРОРЛИГИГА

# ҲАММА БИРДЕК ЖАВОБГАР



**Равшан ИСАМУТДИНОВ,**  
Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари.

Чунончи, Янгийул шаҳридаги 15 та маҳалладан 7 тасида, Оҳангарон шаҳридаги 21 та маҳалладан 9 тасида, Пискент туманидаги 27 та маҳалладан 11 тасида ва Юқори Чирчиқ туманидаги 47 та маҳалладан 18 тасида жиноят содир этилишига йўл қўйилган.

Маҳаллабай таҳлилда эса Бекобод шаҳридаги «Сайхун», «Ўзбекистон», Бўстонлик туманидаги «Думалоқ» маҳаллаларида про-

туриб беихтиёр қалбингизда оғриқ туясиз. Наҳотки, қон-қариндош, ён қўшни-жон қўшни бир-бирига шунчалар шафқатсиз муносабатда бўлиши мумкин?

Замондошларимизнинг дийдаси шунчалар қаттиқми? Ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат каби умуминсоний фазилатларга қачон дарз кетди? Низоларнинг аксарияти моддий эҳтиёжлар сабаб юзага келгани эса бу саволларга мантиқан

неча мартаба жанжал бўлгани аниқланди. Мустақамлигига дарз кетган оилага эса фуқаролар йиғини ходимлари 1 йил олдин келишган. Хонадондаги муҳит маҳалла фаоллари томонидан назоратга олинмаган. Натижада ўғил С.Шоибрагимов ҳам спиртли ичимлик истеъмол қилишга ружу қўйган.

Алаоқибат, ховлидаги томорқага эшак кириб кетиши оқибатида жанжал келиб чиқиб, ўғил маст ҳолатда отасини уриб оғир тан жароҳати етказган. Биргина эътиборсизлик сабаб бутун бошли оила ришталари узилди, ўғил падаркушга айланди. Унинг онаси ва яқинлари аҳволини эса тасаввур қилиш, ҳатто ўйлаш киши қалбига минг оғриқ беради.

### Фаолият самарадорлигига эришиш учун...

Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш учун маҳаллаларда жиноятчилик таҳлилларидан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқбузарликларга қарши курашда умумий ва махсус профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, шу асосда манзилли фаолиятни ташкил этиш лозим. Оилавий низоларга сабаб бўлаётган омиллари манзилли тарзда бартараф этиш мақсадида уларни қонун доирасида ҳал қилиш ваколатига эга мутасадди ташкилот ва идора вакиллари билан ҳамкорликни кучайтириш керак. Боиси вазиятни яхшилаш, жиноятчиликнинг олдини олиш маҳаллаларни жиноятдан холи худудга айлантиришда ўзаро ҳамкорлик тўғри йўлга қўйилмас экан, бирон натижага эришиб бўлмайди.

Маҳаллаларда жиноятлар содир этилишининг олдини олиш бўйича манзилли профилактик ишларни амалга оширилишини талаб даражасида ташкил қилмаган масъулларга нисбатан тегишли чораларни кўриш шарт. Боиси, бир инсоннинг масъулиятсизлиги сабаб маҳаллалардаги ижтимоий муҳитни хавф остида қолишига томошабин бўла олмайди.

Зотан, жиноят битта бўлса ҳам маҳаллау жамият ҳаётига нуқси уради. Шунинг учун ҳам натижалар қанчалик яхши бўлмасин, огоҳлик ва ҳушёрликни йўқотмаслик зарур.

Жорий йилнинг ўтган даврида республика худуди, хусусан, Тошкент вилоятида жиноятчиликка қарши курашиш ва барвақт олдини олиш бўйича фуқаролар йиғини ҳамда ички ишлар органлари ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда қатор профилактик тадбирлар ўтказилди.

Вилоятдаги 1 042 та маҳалланинг 743 тасида (71 фоиз) жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Натижа ёмон эмас, лекин бу билан хотиржамликка берилиб бўлмайди.

### Масъуллар қачон хулоса қилади?

Афсуски, амалга оширилган ишларга қарамай, жорий йилнинг 5 ойида вилоятда умумий жиноятчилик ҳолати 46,1 фоизга кўпайган. Вояга етмаганлар жиноятчилиги 2,4, ёшлар (18-30 ёш) жиноятчилиги 10,1, илгари судланганлар жиноятчилиги 6,5 фоизга ортгани кишини ташвишга солмай қўймайди.

Таассуфки, бу каби рақамлардан баъзи масъуллар тегишлича хулоса чиқармаяпти. Вилоятдаги маҳаллаларда бевосита олди олиниши мумкин бўлган жиноятларни жиловлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг талаб даражасида эмаслиги сўзимизни тасдиқлайди.



филактик ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилгани ойдинлашди.

### Қотилликларнинг аксарияти оила-турмуш доирасига тўғри келмоқда

Жиноятга ҳеч ким ўз-ўзидан қўл урмайди. Кишининг бу йўлга қадам қўйишига турли омиллари сабаб бўлиши мумкин. Оилалардаги низоларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этиш чоралари кўрилмаётгани айни омиллари билан бирдир.

Жорий йилнинг ўтган даврида Тошкент вилоятида 38 та қотиллик жинояти қайд этилган бўлиб, уларнинг 11 таси оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этилгани ҳам айни шу ҳақиқатни амалда исботлайди.

Ачинарлиси, қотилликларнинг 28 фоизи эр-хотин, 63 фоизи қариндошлар ва 9 фоизи қўшнлар ўртасида низолар сабаб рўй берган. Рақамлар билан таниша

жавоб топиш имконини беради. Моддиятни ҳар нарсадан устун қўювчилардан эса ҳар неки кутса бўлади.

### Ўғил отасини ўлдирди: бунга ким айбдор?

Биргина мисол, Юқори Чирчиқ тумани «Истиқлол» маҳалласида яшовчи фуқаро С.Шоибрагимов отаси Ш.Шоибрагимовни боши ва танасининг турли жойларига лопатка билан уриб, оғир тан жароҳати етказган. Натижада фуқаро Ш.Шоибрагимов олган тан жароҳатлари оқибатида вафот этган.

Фарзанднинг отасига раво кўрган бу қисмати қандай оқлаш мумкин? Уни бу ваҳшийликка ким ёки нима мажбур қилди? Минг асосли сабаб келтирилмасин, бир инсон бу дунёни тарк этди.

Жиноятнинг сабаблари ўрганилганида, 1 йилдан бери Ш.Шоибрагимов спиртли ичимлик истеъмол қилишга ружу қўйгани, ота билан ўғил ўртасида бир

Тошкентга охириги икки ойда 39 минг 626 нафар фуқаро пропискага олинди.

**Б**ир аёлни биламан, фақат Президентнинг Виртуал қабулхонасига мурожаат қилади. Бир гал телевизорим йўқ, дея шикоят қилган, бориб ўрганишса, «ночор» дейишга тил бормайдиган хонадонда яшар экан. Масъулларнинг ҳар қанча тушунтириши қор қилмаган аёл телевизор билан таъминлайсизлар, бўлмаса яна ёзаман, бошқасини билмайман, деб туриб олибди. Саоллар йўлини қилиб, унинг мурожаатини қаноатлантиришди. Мурожаати силлиқ битган аёл кейинги гал совуткичи йўқлигидан нолиб мурожаат йўллади. Бу борада ҳам ёрдам кўрсатилди. У ёзишда давом этиб, йўқ кам-кўстни ҳам айтиб, дардиҳол қилишда давом этаверибди...



## Масъул ходим

# МАНТИҚСИЗ АРИЗАЛАРНИ

## кўриб чиқишга масъулми?

Ачинарлиси, бугун шунга ўхшаш, бел оғритмай тайёрини олишга ўрганаётган одамлар кўпайиб бормоқда. Ахир, ҳамма ҳам эшитяпти, кўряпти бундайларни. Таассуфки, баъзиларда меҳнат қилмасдан ҳам яшаса бўларкан, деган фикр шаклланыпти.

### Ҳар бир мурожаат – бир тақдир

Қашқадарё вилояти маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси тизимида жорий йилнинг олти ойида жами мурожаатлар сони 13 минг 373 тани ташкил этди. Президент Виртуал қабулхонаси орқали 11 минг 845 та мурожаат қилинган бўлса, шундан 3177 таси моддий ёрдам ва 6704 таси 2-14 ёшгача болалар нафақаси, 91 таси уй-жой ва унинг таъмири бўйича, 341 таси бошқа турли масалалар юзасидан йўланган.

Ҳар бир мурожаат – бир тақдир. Унинг ортида кишиларни қийнаётган, ўйлантираётган масалалар, ечимини қутаётган муаммолар турибди. Кимнингдир дарду ташвиши, орзу-ўйлари мужассам уларда.

Хўш, мурожаат қачон қаноатлантирилган ҳисобланади? Албатта, белгиланган муддатда қўриб чиқилса ва унда келтирилган ҳар бир ваз асосли ечимини топса. Бироқ бунинг учун ҳар икки томон ўз ўрни, масъулиятини билиши, англаши керак. Масъулиятки, хат йўллаган фуқародан ҳам, уни кўриб чиқаётган мансабдор шахсдан ҳам ўзига хос маданиятни талаб қилади.

Эътибор бераётган бўлсангиз, кейинги пайтларда мурожаатни кўриб чиқувчи шахс зиммасига жуда катта масъулият, ўз навбатида, жавобгарлик юкланмоқда. Хўш, мурожаат қилувчи гарданида ҳам бирор масъулият ёки вазифа борми? Бор, албатта. Энг аввал, мурожаатда масаланинг моҳияти аниқ баён этилиши ҳамда у тухмат ва ҳақоратдан иборат бўлмаслиги керак. Шу билан бирга, ваколати бўйича тегишли идорага йўлланиши зарур. Лекин...

### Уйдаги гапни кўчага чиқариш шартми?!

Бевосита бу муаммога юзланишдан аввал юртимизда аҳолининг эҳтиёжманд қатлами, айниқ-



са, ногиронлиги бор шахслар, хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш масаласига тўхталсак. Айни пайтда бу йўналишда юритилаётган сиёсат қай даражада экани барчага маълум. Шу кунгача мамлакатимиздаги қанчадан-қанча муҳтож инсонларга ижтимоий ёрдам қўли чўзилди, барча қулайликларга эга уй-жойлар берилди.

Биргина Қарши шаҳрида сўнгги икки йилда кўтлаб эҳтиёжманд оилалар уйли бўлди. Шаҳардаги «Шайхали» ва «Кат» маҳаллалари ҳудудида кўркам тураржойлар фойдаланишга топширилди.

Халқимизда одоб-ахлоқ юксак қадрланади. Ҳар нарсага шу нуқтаи назардан ёндашилади, ёндашишга ҳаракат қилинади. Энди бир ўйлаб кўрайлик. Биз ўзимизни мурожаат этиш борасида маданиятли санай оламизми? Дарду ташвишларимизга ечим топиш, оғиримизни енгил қилишда яратилган имкониятлардан тўғри ва оқилона фойдалана олаётимизми?

— *Амалиёт шунки кўрсатмоқдаки, қўйилаётган масала қаерда, қайси давлат ёки ҳўжалик бошқаруви идораси, қайси мансабдор шахс билан ва қачон ҳал қилиниши борасида аҳоли ўртасида тушунмовчиликлар кўп. — дейди вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Долли Аллаев. — Масалан, Шаҳрисабз шаҳридан бир фуқаро ўз мурожаатини уйнинг деворлари ёрилиб, пол қисми чўкиб кетганини билдириб, уйини таъмирлаб беришни сўраса, китоблик яна бир фуқаро кимошди*

*савдосидан 4 сотих ер олгани, лекин уй қуришга қурби етмаётганини айтиб ёрдам сўрайди. Бошқаси эса битта ховлида кўпчилик яшаши туфайли ер участкаси олиб берилишдан умидвор. Ваҳоланки, уй-жой қуриш учун ер участкаси фақат кимошди савдоси орқали сотилади. Ёки кўтлаб фуқароларимиз оилавий шароити қийинлигини айтиб, юқори идораларга*

қаноатлантирадиган масала ортидан ўнлаб идоралар жавоб хатлари ёзишга мажбур бўлади. Натижада ва иш билан масъул ходимнинг куни мантиқсиз аризаларга жавоб ёзиш билан ўтиб кетади.

Шунинг учун ҳар бир киши дардини элга дастурхон қилишдан аввал обдон ўйлаб кўрса, муаммонни даставвал маҳалла-қўй иштирокида ҳал қилиш чораларини изласа, яхши бўларди. Масаланинг яна бир жиҳати бор. Айрим маҳаллалар, туманларда фуқароларга бу борада тушунтириш берилмагани ва муқаддам қилинган мурожаат эътиборсиз қолдирилгани сабаб ҳам шундай йўл тугилаётир.

### Мурожаатда ҳам мантиқ бўлсин

Шундай ҳолатлар ҳам борки, айрим мурожаатлар 30-40 варақдан иборат бўлади. Анча вақт сарфлаб, хатни охиригача ўқийсизу унда айнан нима мақсад кўзда тутилганию фуқаро қандай масалада кўмак қутаётганини тушунмайсиз. Натижада унда келтирилган мавҳум масалалар билан қайси идора шуғулланади, ундан кўзланган мақсад-муддао нима ўзи, билиб бўлмайди. Аёнки, мурожаат қанча мухтасар ва аниқ бўлса, у билан ишлаш шунча осонлашади.

Мурожаатлар билан ишлаш тизимида ҳам муаммолар бор. Чунончи, вилоятда айрим ходимларнинг эътиборсизлиги натижа-сида 29 та мурожаатнинг муддатли бузилишига йўл қўйилган. Демакки, бу мазкур соҳаларда тизимли муаммолар борлигини кўрсатади.

Буларни айтиш билан кимнидир ёмонлаб кўрсатиш мақсадидан йироқмиз. Лекин барчамиз бир нарсани тушуниб олишимиз керак, яхши яшаш учун, аввало, меҳнат қилиш, ҳўқуқ ва эркинлик билан бирга, жавобгарлик ва масъулиятни ҳам чуқур ҳис этиш зарур. Бунга эришиш эса, фақат ва фақат ўзимизга боғлиқлигини асло унутмаслигимиз керак.

Шоҳиста БОЗОРОВА  
«Mahalla»

**“ ЯХШИ ЯШАШ УЧУН, АВВАЛО, МЕҲНАТ ҚИЛИШ, ҲЎҚУҚ ВА ЭРКИНЛИК БИЛАН БИРГА, ЖАВОБГАРЛИК ВА МАСЪУЛИЯТНИ ҲАМ ЧУҚУР ҲИС ЭТИШ ЗАРУР. БУНГА ЭРИШИШ ЭСА, ФАҚАТ ВА ФАҚАТ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚЛИгини АСЛО УНУТМАСЛИгимиз КЕРАК.** ”

*чиқишади. Аслида бунга ҳожат йўқ. Чунки моддий ёрдам масаласи фақат маҳалла фуқаролар йиғини ҳузуридаги комиссияда ҳал қилинади. Шунинг учун дастлаб ана шу идораларга мурожаат қилиш, агар улардан ҳеч қандай жавоб ёки самара бўлмаса, кейин юқори идораларга хат йўлланса, мақсадга мувофиқ бўлади.*

Чиндан ҳам масала аниқ қўйилган ва тўғри йўланган бўлса, маҳалланинг ўзида муаммо ечим топади. Айрим фуқаролар томонидан ёзилган аризалар нухаси кўпайтирилиб, бирданига бир неча давлат ва нодавлат идораларга юборилаётгани, қайта-қайта мурожаат қилинаётгани эса хат ва шикоятларнинг асоссиз кўпайишига олиб келади. Мурожаатда кўтарилаётган масала билан бевосита шуғулланмайдиган ташкилотларга ҳам хатлар йўлланиши, қайси масалани ким кўришини ўйлаб ўтирмай, тўғри келган идорага мурожаат қилиш оқибатида қанча киши овораю сарсон. Аслида битта ташкилот

**ДХХ Тошкент шаҳрида террористик ташкилотнинг яширин гуруҳи фаолиятига чек қўйди.**

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

«ЭНДИ ФАРЗАНДЛАРИМ МУҲТОЖЛИК КЎРМАЙДИ»

Тошкент вилояти Пискент туманидаги маҳаллаларда истиқомат қилаётган кам таъминланган ва эътиборга муҳтож, карантин вақтида ишсиз қолган хотин-қизларга мурувват ёрдамлари кўрсатилди.



Туман ҳокимлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ҳамда Тошкент вилояти касаба уюшмалари бирлашмаси Кенгаши ҳамкорлигида боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бўлган ва кам таъминланган 6 нафар хотин-қизга замонавий тикув машиналари топширилди.

— Турмуш ўртоғим вафот этгач, уч нафар фарзандимнинг тарбияси ёлғиз ўзимга қолди. — дейди «Гулистон» маҳалласида истиқомат қилувчи Дилором Нурматова. — Маҳалла ёрдам кўрсатиб келди, минг раҳмат, аммо халқимиз бекорга «Кўлдан берганга қуш тўймас», демайди. Мен ҳам кўлимда хунарим борлиги, тикувчилик қилиб рўзғор тебратишим мумкинлиги, аммо тикув машинаси учун

маблағим йўқлигини фуқаролар йиғинимиз мутасаддиларига айтдим. Барака топишсин, энг замонавий тикув машинасини совға қилиб кетишди. Худо хоҳласа, бугунданоқ иш бошлайман. Энди болаларим муҳтожлик кўришмайди.

Шунингдек, тумандаги яна 5 нафар оғир шариоитда яшаётган аёлнинг хонадонларини таъмирлаш учун 50 миллион сўм, 10 нафар бемор хотин-қизнинг даволаниб, соғлигини тиклаши ва дори-дармон учун 20 миллион сўм маблағ ажратилди.

**Хуриниса АҲМЕДОВА,**  
Пискент тумани  
Маҳалла ва оилани  
қўллаб-қувватлаш бўлими  
бошлиғининг биринчи  
ўринбосари.

ҚИЛМИШ — ҚИДИРМИШ

МУҲТОЖЛАР ҲАҚИГА ХИЁНАТ

Пойтахтимизнинг Сергели туманида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ажратилган маблағлар талон-торож қилингани аниқланди.

Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг Сергели тумани бўлими томонидан ўтказилган терговга қадар текширувда республика «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Сергели тумани бўлинмаси мансабдор шахслари умумхалқ хайрия ҳашари ҳисобидан келиб тушган маблағларнинг гуёки ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар учун совға, моддий ёрдам пуллари тари-

қасида берилгани ҳамда бошқа турли ижтимоий ёрдамлар кўрсатилгани ҳақида сохта баённомаларни расмийлаштирганлар. Бу орқали 95,8 млн. сўм маблағ талон-торож қилинган.

Мазкур ҳолат ҳужасидан Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми билан жиноят иши кўзга-тилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

**Абдуолим ТАНГРИЕВ.**

ДЕПУТАТ — МАҲАЛЛАДА

МАСЛАҲАТЛИ ИШ ТАРҚАМАС



Кўпчилик пойтахтнинг қоқ марказидаги бизнинг «Камолон Дарвоза» маҳалласида ободлик билан боғлиқ муаммо йўқ деб ўйлайди. Аслида эса Тошкент шаҳрининг қиёфасига зеб бериб туриши учун худудимизда ободончилик ишлари асло тугамайди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгаш депутатлари билан маҳалламиз фаолларининг учрашувида бу борадаги қатор ечимини кутаётган масалалар муҳокама қилинди. Жумладан, кўчаларни таъмирлаш, асфальт ётқизиш, чиқиндихона қуришга доир таклифлар ўрганилди. Анҳор бўйидаги сайилгоҳ йўлида кечки пайт велосипед ҳаракатини тартибга солиш учун

кўриладиган чоралар белгиланди.

Шу ўринда депутатларнинг маҳаллаларга ташрифи доимо одамлар учун манфаат келтиришини инobatта олиб, бундай учрашувларни тез-тез уюштиришга қарор қилинди.

**Омон ТОҲИРОВ,**  
Тошкент шаҳар  
Шайхонтохур тумани  
«Камолон Дарвоза»  
маҳалла фуқаролар  
йиғини раиси.

ҲАМКОРЛИК

НОХУШ ВАЗИЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МУМКИН



Хоразм вилояти Фавқулудда вазиятлар бошқармаси «Обод хонадон» «Обод кўча» ва «Обод маҳалла» тадбирларига ўз хиссасини қўшаётир. Зеро, ҳамма жой обод бўлгани билан, биргина электр симидаги нуқсон барча саъй-ҳаракатларни чип-пакка чиқариши мумкин.

Хусусан, Боғот, Хива, Гурлан ва Қўшқўпир туманларида аҳоли ўртасида соғлом турмуш маданиятини тарғиб қилиш, тозалик ва орасталликка риоя этиш тарғиботи билан биргаликда одамларга фавқулудда ҳолатлар билан боғлиқ масалалар ҳам кенг тушултирилди. Боғот тумани «Найман» маҳалласида яшовчи З.Якубов, «Тозабозор» маҳалласида яшовчи Ш.Бекчанов, «Нурли ҳаёт» маҳалласида яшовчи О.Қўчқоров хонадонларига қурилиш ва таъмирлаш ишларида ишлатиладиган фишт, омак, омак каби маҳсулотлар етказиб берилди.

Бундан ташқари, Фавқулудда вазиятлар бошқармаси томонидан аҳоли

хонадонларида газ плитаси, иситиш қозонлари, муриконлар, электр симлардаги нуқсонлар тезкорлик билан жойида бартараф этилиб, бу борада фуқароларга амалий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Тўлиб оққан ариқларда қишлоқ болалари кўп чўмилишади ва баъзан бунинг оқибатида бахтсиз ҳодисалар ҳам кузатилади. Учрашувларда ота-оналарга болаларга эътиборли бўлиш ва тақиқланган жойларда чўмилишига рухсат бермаслик сўралмоқда. Ҳамкорликдаги ишларимиз давом этаётир.

**Ҳожиакбар РУСТАМОВ,**  
Хоразм вилояти ФВБ ходими.

«Ҳалол озиқ-овқатга оид масалалар» техник қўмитаси томонидан янги стандарт ишлаб чиқилди.

**Х**алқимиз доим пул йиғади, яхши-ёмон куни, орзу-ҳаваси учун сандиғига даромадини тўплаб боради. Ваҳоланки, ОАВ, интернет тармоғи орқали мамлакат банклари ўзларининг турли-туман омонат турларини эълон қилиб боришади. Бироқ одамлар барибир маблағини сандиғидан чиқаргиси келмайди. Нима учун?



# МАБЛАҒЛАР ҚАЧОНГАЧА САНДИҚЛАРДА ҚАДРСИЗЛАНАДИ?

Марказий банк маълумотларига кўра, охириги уч йилда жисмоний ва юридик шахсларда сақланаётган валюталар қолдиғи 11 млрд. АҚШ долларидан ортиқни ташкил этиши мумкин. Ушбу миқдор охириги уч йилда чет элдан келган ўтказмалар ва уларни банкларга сотиш ўртасидаги фарқдан келиб чиққан. Мазкур қолдиқнинг асосий қисмини одамлар уйларида сақлаётган бўлса, қолгани «хуфёна иқтисодиёт»нинг тегиримонига сув қуйётгани ҳам айни ҳақиқат. Давлат газнасида ташқарида, солиқлардан холи тарзда айланаётган бундай маблағлар, табиийки, ислохотларимизга жиҳдий тўсқинлик қилади, соғлом рақобат, қулай инвестиция муҳитига раҳна солиб, иқтисодиётимизга зарба беради.

Хўш, нега одамлар ортиқча маблағларни сандиқларга яшириб қўйишади? Банкларга нима учун ишонч кучли эмас? Ишонч-ни кучайтириш учун қандай чоралар кўриш керак? Қуйида ана шу саволлар доирасида фикр юритамиз.

## «Ухлаётган пуллар»ни қандай уйғотамиз?

Кунда-кунора божхона хабарлари орқали гувоҳи бўляпмиз, юртимизга чет эллардан қанчадан-қанча товар, дори-дармон воситалари ноқонуний йўл орқали кириб келяпти. Буларнинг барчаси валюта ҳисобига кириб келяпти. Амалдаги қонунчилигимизга кўра, давлатимиз чегарасида бундай юклар ушлаб қолиниб, эгалари тегишли тартибда жавобгарликка тортилмоқда. Аммо шу йўл тўғрими? Аслида бу ишларга тўсиқ қўйиш эмас, уларни рағбатлантириб, ўша пулларни банклар орқали айланишини, шаффофлигини таъминлаш керак эмасми?! Хўш, бунинг учун нима қилиш керак?

**Биринчидан**, мамлакат ялпи ички маҳсулоти таркибида «хуфёна иқтисодиёт» сектори улушини қисқартиришга қаратилган изчил чораларни белгилаш зарур. Бунда янгидан рўйхатдан ўтиб иш бошлаган ва норасмий фаолиятини расмийлаштирган тадбир-

корлик субъектларига биринчи уч йилда солиқ юкини камайитириш лозим. Агар тадбиркорга қонуний фаолият олиб бориш фойда келтирса, улар «хуфёналик»дан чиқиб қонуний фаолият бошлашлари мумкин. Шу билан биргаликда «хуфёна иқтисодиётда» айлантирилаётган маблағларнинг белгиланган даврда легализация қилиниши иқтисодиётда қонуний фаолият олиб боровчилар улушининг ошишига хизмат қилади.

**Иккинчидан**, юридик шахслар, айниқса, жисмоний шахсларнинг банк тизимига ишончини ошириш

ташқиллаштириш ҳам валютанинг ноқонуний айланишининг олдини олади. Зеро, қонуний йўл орқали фойда топиш мумкин бўлганда ким ҳам таваккал қилиб, маблағини ноқонуний ишга тикарди. Қонунчиликка кўра, қимматли қоғоз сотиб олган жисмоний ва юридик шахслар олаётган дивидентларидан фойда солиғи тўлайди. Бу бозор бизда деярли ривожланмаганини ҳисобга олсак, ушбу солиқлар бекор қилиниши катта йўқотишларга сабаб бўлмайди, аксинча аҳолининг қимматли қоғозларга бўлган қизиқиши ортиб ва сотиб олишига ишонч пайдо қилади.

тириш ҳисобига, онлайн омонатлар жалб этиш жараёнини содда-лаштириш давр тақозосидир.

## Аҳоли маблағларини банкларсиз ҳам жалб этиш мумкин

Аҳолининг бўш турган маблағлари молия бозори профессионаллари томонидан бошқариладиган қуйидаги фондларга тикилиши мақсадга мувофиқ.

Жумладан, хусусий пенсия жамғармаларига. Ушбу жамғармалар сонининг оширилиши улар ўртасида рақобатни кучайтиради ҳамда аҳоли ўртасида бўш пул маблағларини жамғариш бўйича танловларнинг кенгайишига олиб келади. Ўз навбатида, бу ихтиёрий тушумларни кўпайтиради ҳам.

Яна бир йўли — хедж-фондлар (Hedge Fund). Уларнинг асосий вазифаси аҳоли орасидаги бўш пул маблағларини бир жойга йиғиш ва уларни турли қатор инструментларига йўналтиришдан иборат. Кредит портфели, асосан, таваккаллик даражаси юқорироқ бўлган қарз инструментларидан ташкил топади ва бу ҳам иқтисодиётимиз учун фойдадан холи бўлмайди.

Яна бир усул, яъни хусусий капитал фонд (Private Equity Fund)лар орқали ҳам юқори натижага эришиш мумкин. Бундай фондларда хедж-фондларидан фарқли ўлароқ, йиғилган пул маблағлари турли компанияларнинг акцияларига ва фойдали инвестициявий лойиҳаларга йўналтирилади. Портфели, асосан, турли хил компания акцияларидан ташкил топади. Бунда юртимиздаги инвестиция муҳити ҳам ривожланади, одамларнинг манфаатдорлиги ортиб, иқтисодиётимиз тараққиёти учун янги имкониятлар очилади.

Кузатувлар, экспертлар фикрлари асосида илгари сурилган ушбу тақлифлар ўрганилиб, ҳаётга татбиқ этилса, сандиқларда йиллаб сақланаётган маблағлар қонуний муомалага кирида ва иқтисодиётимиз ривожига хизмат қилади.

**Абдугани УМИРОВ,**  
**Дилшод ХАМЗАЕВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари.**

**АМАЛДАГИ ҚОНУНЧИЛИГИМИЗГА КўРА, ДАВЛАТИМИЗ ЧЕГАРАСИДА БУНДАЙ ЮКЛАР УШЛАБ ҚОЛИНИБ, ЭГАЛАРИ ТЕГИШЛИ ТАРТИБДА ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛМОҚДА. АММО ШУ ЙўЛ Тўғрими? АСЛИДА БУ ИШЛАРГА ТўСИҚ ҚўЙИШ ЭМАС, УЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИБ, ўША ПУЛЛАРНИ БАНКЛАР ОРҚАЛИ АЙЛАНИШНИ, ШАФФОФЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ КЕРАК ЭМАСМИ?!**

## Қачон банкка ишонч ортади?

Аҳоли ва, айниқса, чет эл инвесторларининг банк тизимизга ишончи йўқлигининг асосий сабабларидан бири — Ўзбекистонда банк секторига давлат улушининг юқорилигидир. (Банк активларининг 85 фоиз қисми 13 та давлат банкига тегишли). Ҳозирда давлат банкларининг асосий ресурс базасини давлат томонидан ажратилган ресурслар ташкил этади. (Банк мажбуриятларининг 60 фоизи).

Аҳоли томонидан банкларга қўйиладиган омонатлар миқдорини ошириш, чет эл инвестициясини банк секторига жалб қилиш аини йўналишда қатор ислохотлар ўтказишни тақозо этади.

Жумладан, банк секторига давлат улушини кескин қисқартириш, банкларга фазначилик йўналишини ривожлантириш орқали аҳоли омонатлари жалб этилишини ошириш, рақамли банк хизматларини ривожлан-

ва жозибador, рағбатлантирувчи омонат турларини тақлиф қилиш зарур. Бунинг учун эса омонат фоизларини реал инфляция даражасидан келиб чиқиб бозор талаби асосида белгилаш лозим. Бу омонатларнинг халқаро ижобий тажрибалар асосида ҳимояланишини таъминлаш ҳам банкларимизга бўлган ишонччи оширадиган муҳим омиллардан биридир.

**Учинчидан**, капитал бозорини ривожлантириш ва давлат қимматли қоғозларини жисмоний шахсларга сотишни



**Ўзбекистонда автокредит ставкалари 24 фоизгача пасайди.**

Дунёда содир этилаётган жиноятларнинг ўндан бири вояга етмаган болалар ҳиссасига тўғри келади. Сўнгги беш йилда дунё бўйича йилига қарийб 100 мингта жиноят содир этилиб, шунинг 7 фоизи вояга етмаганлар (14-17 ёш) ҳиссасига тўғри келади. Айни илм олиб, касб ўрганадиган ёшдаги ўспиринларнинг бебаҳо вақтини ахлоқ тузатиш муассасаларида ўтказишаётгани жуда ачинарли, албатта.



# ВОЯГА етмаган маҳкумлар ҲУҚУҚИДА НИМАЛАР ЎЗГАРДИ

Маълумотларга кўра, юртимизда ўтган йили жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 29 мингта яқин иш кўриб чиқилган. Жиноятчиларнинг 10 700 нафари ёшлар бўлиб, 497 нафари вояга етмаганлардир. Ҳали болаликни тарк этишга улгурмаган ўспиринларнинг эгри кўчага кириши жамиятнинг энг оғриқли нуқта-сидир. Жазо муқаррар. Ҳали болаликни тарк этишга улгурмаган ўспиринларнинг эгри кўчага кириши жамиятнинг энг оғриқли нуқта-сидир. Ҳазо муқаррар. Ҳали болаликни тарк этишга улгурмаган ўспиринларнинг эгри кўчага кириши жамиятнинг энг оғриқли нуқта-сидир. Ҳазо муқаррар. Ҳали болаликни тарк этишга улгурмаган ўспиринларнинг эгри кўчага кириши жамиятнинг энг оғриқли нуқта-сидир.

уларнинг 42,8 фоизи фарзандлари тарбиясига эътиборсиз экани, 48,7 фоизи болаларини етарли даражада тарбиялай олмасликлари аниқланган.

Дарҳақиқат, вояга етмаганлар салбий хулқ-атворининг энг оғир шакли уларнинг жиноятга қўл уришидир. Амалдаги Жиноят кодексига жиноий жавобгарлик 13 ёшдан бошланади. Айнан шу ёшда шахс энг муҳим ижтимоий муносабатларнинг аҳамиятини тушуниб, англай бошлайди. Аммо ҳеч бир гўдак жиноятчи бўлиб туғилмайди. Афсуски, панжара ортида ҳали вояга етмаган болаларнинг жазо муддатларини ўтаётганини кўрган, эшитган киши борки, юраги бир ҳапқиради. Ота-онасининг кучоғида завқу шавққа тўла даврини ўтказиш ўрнига қайсидир жинояти учун жазоланаётганлар орасида минг марталаб пушаймон бўлаётганлар ёки аксинча жамиятдан ва ўз муҳитидан қасос олиш хаёли билан жазо ўтаётганлар ҳам йўқ эмас.

қонуний йўли шу эди. Бу эса вояга етмаган болани ота-она меҳрига мушток қилибгина қўймай, бора-бора улар орасидаги ришталарга кўринмас дарз кетказган. Албатта, бундай ҳолатдаги ўспириннинг тўғри йўл танлаш имконияти қисқаради. Шу боис жорий йил 30 июнда Президентимиз томонидан «Ўзбекистон Республикасининг жиноят-ижроия кодексига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун имзоланди. Бу эса, адашган ва жиноят кўчасига кириб қолган ўспирин учун яна бир имконият эшигидир. Ушбу ҳужжатга кўра, маҳкумларга учрашувлар белгилаш тартиби соддалаштирилди. Улар учун муқобил вариант сифатида масофали видео-учрашувдан фойдаланишни танлаш имконияти пайдо бўлди. Узоқ муддатли учрашувни (муассаса ҳудудида – 1 суткадан 3 суткагача, муассасадан ташқарида – 3 суткадан 5 суткагача) қисқа муддатли учрашувга (4 соатгача) ёки телефон орқали сўзлашувга алмаштириш белгиланди. Бундан кейин қисқа муддатли учрашув ўрнига тақдим этиладиган телефон орқали сўзлашув ҳамда вояга етмаган маҳкумларга ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан учрашувлар чекланмаган миқдорда берилди.

да тартиби белгиланди. Умумий қоидага кўра, бир йил ичида 4 марта муддати 5 суткагача бўлган узоқ муддатли учрашувга рухсат берилади. Манзил-колониаларда сақланаётганларга ишдан бўш вақтларида учрашувлар чекланмаган миқдорда берилади. Маҳкума аёллар колониялар қошидаги болалар уйига жойлаштирилган болалари билан ишдан бўш вақтида чекланмаган миқдорда мулоқот қилишлари мумкин. Маҳкума аёлларнинг вояга етмаган болалари билан учрашувлар ўзининг шахсини, қариндошлигини ёки васийлигини (ҳомийлигини) тасдиқловчи ҳужжатларини тақдим этган тақдирда битта яқин қариндоши ёки васий (ҳомий) қузатувида йўл қўйилади. Маҳкума аёллар жазони ижро этиш муассасасидан ташқаридаги болалар уйларидаги вояга етмаган болалари билан учрашув сўрашга ҳақли.

## Бола нега жиноятга қўл уради?

– Ўспиринлар ва ёшлар ҳуқуқбузарлиги, жинояти ҳамда уларнинг жабрланувчи бўлиб қолишига икки юзга яқин омил таъсир қилади. Энг асосийси, бола яшаётган оиладаги носоғлом муҳитдир, — дейди Ички ишлар вазирининг ўринбосари Азизбек Икрамов. — Мутахассислар ота-оналарнинг фарзанд ахлоқидаги салбий ўзгаришлар, унинг феъл-атвори, таълим-тарбиясига эътиборсиз бўлиши бола келажаги учун жиддий хавф туғдирувчи омил эканини таъкидлашади. Бугунги кунда вояга етмаганлар томонидан ўғрилик, тан жароҳати етказиш, ҳақоратлаш, безорилик каби жиноятларга қўл уриш кўп кузатилмоқда. Статистик маълумотларга кўра, ҳуқуқбузарлик содир қилган ёшларнинг 62,2 фоизи бўш вақтларини кўчада, бемақсад ва назоратсиз ўтказишади. Вояга етмаганлар ҳамда ёшлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишда ота-оналарнинг иштироки таҳлил этилганда,

## Она ва бола дийдорлашувига имкон яратилди

– Шу кунгача она қамоққа олинган боласини истаган вақтида йўқлолмасди, — дейди Адлия вазирлиги масъул ходими Фарух Жўраев. — Фарзанд дийдорига тўйиш учун йилига 6 марта узоқ, 12 марта қисқа муддатли учрашув белгиланганди. Маҳкумлар билан кўришишининг ягона

## Фарзанд тарбиясида масъулиятни кучайтириш керак


Бугун жиноят кўчасига кирган ўспирин эртага улғаяди. Таҳлилларнинг кўрсатишича, рецидив жиноятчиларнинг учдан икки қисми болалик палласидаёқ жиноятга қўл уриб улгурган кишилардир. Демак, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликни камайтирмасак, эртага умумий жиноятчилик кўпаяверади.

Биз фарзандларимиз тарбиясида беъэтибор муносабатда бўлсак, эртага ана шу масъулиятсизлигимизнинг аччиқ мевасини, албатта, татиб кўришга тўғри келади. Бу эса бутун жамият бошига тушган оғир кулфатга айланади. Нафақат ўз фарзандимизнинг, балки ён-атрофдаги, маҳалладаги болалар тақдирига ҳам бефарқлик қилмасаккина, эртанги пушаймондан, бўлажак нохуш ҳолатлардан ўзимизни ҳимоялай оламиз.

Нилуфар ЮНУСОВА  
«Mahalla»

## Вояга етмаган ҳуқуқбузар

(2019да содир этилган жиноятлар сони бўйича)



Пойтахтимиздаги Ғафур Ғулوم номли маданият ва истироҳат боғи 49 йилга хорижий инвесторга берилди.



**Х**ар қандай жамиятда одил суд тизими ва унинг ҳолислиги таъминлансагина фаровонлик бўлади. Кейинги пайтда аҳоли ўртасида судларга нисбатан ишончсизлик кундан-кун ортаётгани сир эмас. Ҳақиқат излаб суд идораларида сарғаяётганлардан кўз юмиб бўлмайди. Тизим эскирган, биргина иш кўришга ойлаб, ҳаттоки йиллаб вақт йўқотилиши бор гап. Бунинг ортидан эса бошқа муаммолар уланаверади.

# ХАЛҚНИНГ ИШОНЧИ ҚАЧОН ТИКЛАНАДИ?

Таҳлилларга кўра, жорий йилда аҳолидан келиб тушган мурожаатларнинг 8 мингдан зиёди, яъни 44 фоизда судларда ишлар тўлиқ ва ҳолис кўрилмаётгани, узоқ муддатта чўзилаётгани ҳақидаги норозиликлар акс этган.

Ҳуш, суд тизимини ислоҳ қилишда бугун қандай ишлар амалга оширилмоқда? Шу хусусда мутахассисларга юзландим.

## Бир суд — бир инстанция

— Суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосига қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, адолатлилик ва айбизлик презумпцияси каби принциплар пойдевор қилиб қўйилган, — дейди Олий суд раиси ўринбосари Холмўмин Ёдгоров.

— Утган уч йилда соҳага оид 20 дан ортқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинган. Ислохотлар натижасида судлар томонидан илк маротаба 2 минг 273 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди. Бу тизимдаги катта қадам бўлди. Бундан уч йил олдин оқловлар хусусида гап-сўз бўлиши мумкин эмас эди. Чунки суд чиқарган ҳукм ҳар доим тўғри, дея қабул қилинган. Бу эса юзлаб маҳкумларни ва уларнинг ортидан сарсон саргардон бўлиб ҳақиқат излаган оилаларнинг тақдирини аянчли томонга ўзгартиргани сир эмас. Натижада одамларнинг судларга нисбатан ишончсизлиги ортгани ҳам бор гап. Яқингача кабинетда ўтириб битта қарор билан инсон тақдири ҳал этиларди. У вилоятдан бу вилоятдаги судлар орасида одамлар вақтини, соғлигини сарфлаб юрарди. Эндиликда аҳоли орасига чиқиш, уларни қийнаётган муаммолар билан танишиш орқали муаммолар ҳал этилмоқда. Ҳеч бир инсон тақдирига бефарқ бўлмаслик талаб этиляпти. Мисол учун, 2019 йилда иқтисодий судларда апелляция, кассация ва назорат тартибида кўрилган ишларнинг 2,5 мингдан ортиги, яъни 44 фоизи бекор қилинган ёки ўзгартирилган. Бу ҳар икки шикоятдан бири бўйича туман ва вилоят иқтисодий суди чиқарган

қарорлар юқори судда ўзгараётгани, тадбиркор ва инвесторлар сарсон бўлаётганидан далолат беради. Биз ишлаётган тизимни ислоҳ қилишга, уни тубдан ўзгартиришга киришдик. Бугун ана шу эски тизимдан мутлақо воз кечилиб, бирор шахснинг ёки идоранинг таъйиқсиз ишлайдиган суд тизими яратилляпти. Биринчи гада назорат сўзини олиб ташляймиз. Бундан кейин суд тизимида илгор тажрибалар ва халқаро стандартлар асосида «бир суд — бир инстанция» тамойилида иш олиб борилади. Суд тизимида эскилик саркити бўлган, ўз номи билан ҳам суднинг мазмун-моҳиятига тўғри келмайдиган «назорат тартибида ишларни кўриш» амалиётидан тўлиқ воз кечилади. Ҳозирги вақтда бир ишни қайта-қайта кўриш ёки ишни қайта кўриш учун ўша суднинг ўзига қайтариш каби ҳолатлар суд қарорлари барқарор эмаслигига олиб келмоқда. «Бир суд — бир инстанция» тамойили жорий этилса, судларда кўриляётган ишлар тезроқ яқунланади, яъни охириги нукта ўз вақтида қўйилади. Бирок бу судлар зиммасига катта масъулият ҳам юклайди. Суд қонунга мувофиқ ишни кўриб чиқиши, фақат адолатли қарор қабул қилишини тақозо қилади. Бундан кейин ишлар уч босқичда кўрилади. Аввало, туман судларида кўрилади, ундан юқори судларда эса фақат апелляция тартибида, Олий судда кассация тартибида кўрилади.

## Вақт ва пулни тежаш йўлига ўтиш керак

— Судлар фаолиятида интеграциянинг йўлга қўйилиши, аввало, фуқароларни ортиқча овора қилмаган ҳолда одил судловнинг олиб борилиши, келгусида халқнинг розилигига эришиш билан бир қаторда, мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади, — дейди Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро суди раиси Шерзод Ражабов. — Судларда фуқаролик ишларини кўриш жараёнида судьялар томонидан бир неча идораларга турли хил сўровномалар юбориш орқали даъво талабига аниқлик киритилиб, одил судлов таъминланади. Ҳозирги кунда фуқаролик судларида тураржой, меҳнат, битимлар, зарар ундириш ва бошқа бир қатор низоларни кўришда турли идораларга қоғоз шаклда сўровномалар юборилади. Масалан, биргина фуқаро рўйхатда турган жойида яшамаса, унинг қаерда эканлигини аниқлаш учун турли идораларга (7-8 та) суд томонидан сўровномалар юборилиши лозим.

Шунингдек, кўчмас мулк билан боғлиқ фуқаролик ишлари низоли мулкнинг кимга тегишли эканлиги хусусида кадастр органларига, агарда низо кўчмас мулк шартномаси билан боғлиқ бўлса, нотариал идораларига сўровномалар юборилади. Ўз навбатида, сўровномаларни қабул қилиб олган ташкилотлар бир неча варақдан

иборат жавоб хатларини қоғоз шаклида судга тақдим этишга мажбур бўлади. Ушбу сўровномаларнинг судга тақдим этилиши почта орқали бир неча кунга чўзилиши мумкин.

Агарда фуқаролик судларида интеграция тизими жорий этилиб, кадастр, нотариус, миграция, давлат хизматлари агентлиги, ФХДЭ архиви ва бошқа ташкилотлар билан электрон ҳужжат алмашинуви жорий этилса, судларга келиб тушган даъво аризасини бир неча ойлик вақт давомида эмас, балки бир неча кунда кўриб чиқиш имконияти юзага келади.

Бундан ташқари, суд идоралари ва турли ташкилотларда қоғоз тежалиши, почта харажатларининг олди олинishi бюджет харажатларини қисқартиришга ҳам олиб келиши муқаррар. Суд идораларида электрон ҳужжатлар алмашинувининг турли идоралар билан йўлга қўйилиши келгусида фуқароларнинг ортиқча оворагарчилигига чек қўйиш билан бир қаторда, тизимдаги иш юктамалари камайишига ҳам хизмат қилади.

## Хулоса ўрнида

Суд фаолиятида рақамли технологияларни кенг жорий этиш бугунги давр талабидир. Жорий йил якунига қадар Олий судда ягона «Адолат» ахборот тизими ишга туширилиши режалаштирилган. Бунда барча учун судларга электрон мурожаат қилиш, мурожаатлар ҳолатини онлайн тарзда кузатиш, тарафларга маълумотларни электрон шаклда юбориш имконияти яратилади. Агар тизим ишга тушса, 143 та давлат хизматлари электрон шаклга ўтказилиб, 35 та идорада талаб қилинадиган ҳужжатлар сони ва хизмат кўрсатиш вақти 2 хисса қисқаради. Бюджет харажатлари, давлат харидлари, ер, бино ва иншоотларни олдиротди қилиш жараёнларига ошкоралик ва очиқлик тамойиллари жорий этилади. Бу эса аҳолининг суд тизимида бўлган ишончини тиклаши муқаррар.

Нилуфар ЮНУСОВА  
«Mahalla»

## Дарвоқе...

Охириги бир ярим йил ичида судлар томонидан ҳокимларнинг ер ажратиш, бино-иншоотларни бузиш ва хусусийлаштиришга оид 1 минг 730 та қарори бекор қилинган. Суд орқали ер муносабатлари билан боғлиқ мингта, уй-жой бузилишига доир 51 та, хусусийлаштиришга оид 62 та ҳолатда фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқлари тикланган.



Ўзбекистонда янги Аи-80 люкс маркали бензин сотувга чиқарилди.

**М**усофирлик заҳматини тотишнинг ўзи бўлмайди. Сен борган юрт қанчалик жаннатмонанд бўлмасин, ба-рибир бегоналигини билдириб туради. Бошингга иш тушганда, дардингга шерик бўладиган яқинларинг-ни топишнинг амримаҳол. Бугунги кунда меҳнат мигрантлари сифатида дунёнинг турли жойларида юрган юртдошларимиз буни юракларидан ўтказишаётгани турган гап. Давлатимиз уларнинг ташвишини енгиллаштириш учун имкон қадар керакли чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Яқинда навбатдаги ана шундай амалий ишлардан бирига қўл урилди. Яъни Россиянинг Москва шаҳри ва вилоятида меҳнат муҳожирларини тиббий қўллаб-қувватлаш дастури ишга туширилди.



# МЕҲНАТ МУҲОЖИРЛАРИНИ ТИББИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Ушбу ҳудудлардаги меҳнат мигрантлари учун коронавирусга бепул тест топшириш имкониятини яратишга қаратилган дастур Ўзбекистон Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг Россиядаги ваколатхонаси ва Халқаро Шодиев фонди ҳамкорлигида амалга оширилмоқда. Дарҳақиқат, Москва шаҳри ва унинг атрофида ўзбек меҳнат мигрантларининг салмоқли қисми яшайди. Шу нуқтаи назардан, бу лойиҳа жиддий аҳамиятга эгаллигини таъкидлаш жоиз. Хўш, ҳамкорликда амалга ошириладиган мазкур дастур доирасида қандай ишлар кўзда тутилган ва у мусофир ҳамюртларимизга қай даражада кўмак беради?

## Хайрия ҳаракатларининг ўзвий давоми

Таъкидлаш жоизки, мазкур лойиҳа Халқаро Шодиев фонди (ICF) иштирокида бу йўналишда олиб борилаётган дастлабки ҳамкорлик эмас. Ушбу фонд Ўзбекистон ҳукуматининг коронавирус тарқа-

ситалари билан таъминлашни ўз ичига олган қўллаб-қувватлаш дастурини амалга оширди. Шунингдек, Россияда қолиб кетган Ўзбекистон фуқароларига кўмак бериш мақсадида ташкил этилган «Саховат» марказининг ҳамкорига айланиб, қатор инсонларварлик ёрдамларига қўл урди. Ўтган ой эса халқаро фонд Тошкентдаги Вирусология илмий-текшириш институтига тиббиёт асбоблари ва шифокорлар учун шахсий химоя воситаларини тақдим этди. Галдаги тиббий қўллаб-қувватлов дастури, айтиш жоизки, ҳамкорликдаги хайрия ишларининг ўзвий давомини юзага келтиради.

## Инфекция ва оқибатларининг олдини олишга мўлжалланган

— Даволанишга муҳтож бўлган меҳнат муҳожирларига ёрдам бериш бизнинг олдимизда турган устувор вазифалардан биридир. — дейди Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг Россиядаги ваколатхонаси раҳбари Саиднўмон Мансуров. — Лойиҳа ватандошлар ва улар билан алоқада

бўлган одамлар орасида инфекция, шунингдек, оғир касалликлар ва ўлимнинг олдини олишга мўлжалланган. Синов натижалари тўғрисидаги сертификатга эга бўлиш, имкон қадар тезроқ ўз ишини тикламоқчи бўлганларга катта ёрдам беради.

Ушбу дастур доирасида COVID-19 касаллиги билан алоқада бўлган ёки бирга яшаб келган ўзбекистонлик меҳнат муҳожир-

**УШБУ ДАСТУР ДОИРАСИДА COVID-19 КАСАЛЛИГИ БИЛАН АЛОҚАДА БЎЛГАН ЁКИ БИРГА ЯШАБ КЕЛГАН ЎЗБЕКИСТОНЛИК МЕҲНАТ МУҲОЖИРЛАРИ, ШУНИНГДЕК, ЎТКИР РЕСПИРАТОР ВИРУСЛИ ИНФЕКЦИЯ БЕЛГИЛАРИ БЎЛГАНЛАР КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ АНТИТАНАЧАЛАР МАВЖУДЛИГИНИ БЕПУЛ ТЕКШИРИШ ИМКОНИЯТИГА ЭГА БЎЛАДИЛАР.**

лари, шунингдек, ўткир респиратор вирусли инфекция белгилари бўлганлар коронавирусга қарши антитаначалар мавжудлигини бепул текшириш имкониятига эга бўладилар.

Текшириш натижасида инфекция аниқланмаган ёки коронавирусга қарши антитаначаси бўлган муҳожирларга иш жойига қайтиш учун расмий тиббий маълумотнома берилади. Айни дастур хизматидан фойдаланиш меҳнат муҳожирларига катта қулайлик беради.

## Касаллик аломатлари бўлганлар даволаниш имконига эга бўлишади

Шу билан бирга, салбий натижага эга бўлган, аммо ўткир респиратор вирусли инфекция аломатлари бўлган муҳожирлар тиббий ёрдам ва дори-дармонлардан фойдалана олишини таъкидлаш жоиз. Синов натижасида коронавирус инфекцияси аниқланган муҳожирлар Россия Федерациясининг санитария-эпидемиология қоидаларига мувофиқ, давлат тиббий муассасаларида карантинга олинадиган ҳамда керакли муолажалардан ўтади. Беморлар-

нинг ҳолати даволаниш давомида кузатиб турилади. Шунингдек, уларга ҳуқуқий ёрдам ҳам кўрсатилади.

Хўш, ушбу лойиҳанинг моддий таъминоти кимнинг гарданида? Икки ташкилот ўртасидаги ҳамкорлик доирасида Халқаро Шодиев фонди тиббий хизматларни тақдим этиш ва синов тўпламлари ҳамда дори-дармонларни сотиб олиш учун маблағ ажратади. Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг Россия Федерациясидаги ваколатхонаси эса, меҳнат муҳожирлари рўйхатларини тузиб, тиббиёт муассасаларига тақдим этади. Дастур доирасида тиббий гуруҳлар ваколатхона томонидан тасдиқланган муассасаларга, масалан, камида 15-20 муҳожир истиқомат қиладиган ётоқхоналарга бориб, текширувлар ўтказиш учун аризаларни қабул қилиш ҳам мураккаблик туғдирмайди, бу иш ваколатхона томонидан телефон алоқаси орқали амалга оширилади.

## Хулоса ўрнида

Ватандан узоқда юрган инсон илжисиз вазиятга тушиб қолиши мумкин. Айниқса, ҳозирги синови кунларда бунинг эҳтимоли жуда ҳам катта. Меҳнат муҳожирларини коронавирус пандемиясидан ҳимоялаш, касалликка чалинган беморларнинг даволанишига кўмаклашишни кўзда тутувчи дастур бу борада жонга ора кириши шубҳасиз. Тўғри, мазкур лойиҳа коронавирусдан зарарланишни камайтиришда кўмак беришни юз фоиз қадратлаш имконини мумкин. Лекин шунинг ўзиёқ аксарият меҳнат мигрантларимиз саломатлиги жиддий муҳофазага олинишини аниқлатади. Қолаверди, келгусида бундай лойиҳалар сони ва қамрови янада кенгайишига ҳам умид қилиш мумкин.

Тўлқин ШЕРНАЕВ  
«Mahalla»



лишига қарши кураш ҳаракатини қўллаб-қувватлаган ҳолда, сўнгги тўрт ой мобайнида бир неча босқичдан иборат кенг қамровли хайрия дастурини амалга ошириб келмоқда. Хусусан, пандемия юртимизга кириб келган дастлабки пайтдаги Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда мамлакат бўйлаб барча кекса ёшдагилар ва кам таъминланган оилаларни озиқ-овқат маҳсулотлари ва дезинфекция во-

Ўрта Чирчиқ туманида гранит ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.



# МАМЛАКАТИМИЗ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ ҚАЙ ДАРАЖАДА ЯХШИЛАНДИ?



**Т**адбиркорлик — тинимсиз изланиш ва ҳаракат демек. Уни ҳаракатлантирувчи куч нима? Албатта, соҳа ривожини учун яратилган шароит, рағбат ва соғлом рақобат муҳитидир. Ҳа, бизнеснинг хусусияти шундайки, у ҳеч қачон бир жойда тўхтаб қолмайди. Фақат ҳозирги пайтда кишини хавотирга солаётган жиҳат шуки, пандемия шароитидаги ноқулайликлар юртимиздаги ишбилармонлик муҳитини кучсизлантириб юбормаяптими?

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази (ИТИМ) томонидан Ўзбекистонда бизнес иқлимининг ўрганиш бўйича тадбиркорлар ўртасида июнь ойида ўтказилган сўровнома эса умидбахш натижаларни кўрсатди, яъни бу борадаги вазият яхши даражада баҳоланди. Хўш, бундай баҳо қандай омилларга асосланиб берилди? Салбий иқтисодий баъоратлар тўлиб-тошган, оғир қийинчиликлар юзага келиши хусусида бонг урилаётган айна вазиятда бу қандай маънони аниқлатади?

## Муаммоларни жойида ҳал қилишга ёрдам беради

— Германиянинг ИФО институти томонидан ишлаб чиқилган «Бизнес иқлими индекси» методологияси асосида доимий амалга оширилаётган баҳолаш мамлакатимиздаги ишбилармонлик муҳити фаоллигини акс эттиради, — дейди **Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази бош илмий ходими Руслан Абдуллаев**. — Ушбу индекс тўртта компонентдан иборат бўлиб, биринчиси тадбиркорларнинг банклардаги транзакциясини кўрсатса, иккинчиси — Ўзбекистон Республикасида товар хомашё биржасида маҳсулотларнинг сотилиши ёки у ердаги битимларнинг сонидан келиб чиқади. Кейинги компонентлар

эса тадбиркорлар сонининг ўзгариши ҳамда товар белгиларини ҳисоблаш, яъни товар белгилари сони ҳудудларда ўтган ойга нисбатан қандай ўзгарганини ўз ичига олади.

Айтиш жоизки, бундай рейтинг ва индексларнинг мунтазам ўтказиб борилиши, биринчи навбатда, тадбиркорларнинг кайфияти ва уларнинг жорий аҳволини яхшилаш, мониторинг тартибда фаоллигини кузатиш имконини яратди. Шу билан биргаликда, бу борадаги тенденциялар ва келажақдаги прогноз кўрсаткичларини белгилашга хизмат қилади. Индексларни ўрганиш корхоналар, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини яхшилаш баробарида тадбиркор дуч келаётган муаммоларни жойида ҳал қилишга ёрдам беради.

## Бизнес иқлим «Яхши» дея баҳоланди

— Июнь ойида ўтказилган сўровномада республиканинг барча ҳудудларидан 998 та корхона қатнашди, — дейди **марказ масъул ходими Ферузбек Давлетов**. — Корхоналарни ўрганиш икки йўналишда олиб борилди: бизнеснинг ҳозирги ҳолатини сифатли баҳолаш ва тадбиркорларнинг кейинги 2-3 ой ичида ўз бизнесларини ривожлантириш истиқболларига бўлган умидлари. Шунга асосан, Ўзбекистондаги бизнес иқлиминини

баҳолаш натижалари аниқланди. Биринчидан, бизнеснинг жорий ҳолат кўрсаткичи 30 пунктни ташкил этди (ўтган ойга нисбатан 15 пунктга кўпайган). Бу эса ўз бизнесининг жорий ҳолати билан боғлиқ ишбилармонлик кайфияти ўрта даражада ижобий эканлигини аниқлатади. Иккинчидан, кейинги 2-3 ой ичида бизнеснинг ривожланиш истиқболлари кўрсаткичи 74 пунктни ташкил этди (ўтган ойга нисбатан 44 пунктга кўпайган), яъни тадбиркорларнинг кейинги 2-3 ойда ўз бизнесларини ривожланиш истиқболларига нисбатан умидлари ижобийдир.

Бунда бизнес иқлими кўрсаткичи 51 пунктни ташкил қилди (ўтган ойга нисбатан 29 пунктга кўпайган), яъни Ўзбекистондаги бизнес иқлими «Яхши» деб баҳоланмоқда.

## Иқтисодиётимиз яқин 2-3 ой ичида жадал ривожланади

Ишбилармонлик муҳитини баҳолаш учта асосий кўрсаткични ўз ичига олади. Бизнеснинг ҳозирги ҳолатини баҳолаш биринчи кўрсаткич бўлиб, у «Яхши» ва «ёмон» жавоблар ўртасидаги фарқ сифатида умумий танланганнинг фоизига қараб ҳисобланади. Ҳозирги ҳолатнинг қиймати -100 баллдан (барча респондентлар ҳозирги ҳолатни ёмон деб баҳолайди) 100 баллгача (барча респондентлар

ҳозирги ҳолатни яхши деб баҳолайдилар).

Навбатдагиси кейинги 2-3 ойда бизнесни ривожлантириш истиқболларини аниқлатади. Бунда «Яхшиланади» ва «ёмонлашади» деган жавоблар ўртасидаги фарқ жами танланганларга фоиз сифатида ҳисобланади. Кутиш қиймати -100 баллдан (барча респондентлар ўз бизнесларининг янада ёмонлашиши мумкинлигини тахмин қилишмоқда) 100 баллгача ўзгарадилар (барча респондентлар ўз бизнесларининг янада яхшиланганини кутишмоқдалар).

Охирида эса ишбилармонлик иқлимининг қиймати жорий ҳолат ва бизнес истиқболларининг ўртача баланс қийматлари асосида ҳисобланади. Ишбилармонлик иқлимининг қиймати -100 балл (барча респондентлар ҳозирги аҳволни ёмон деб баҳолайдилар ва бизнесининг янада ёмонлашишини кутмоқда) ва 100 баллгача (барча респондентлар ҳозирги ҳолатни яхши деб билишади ва ўз бизнесларида янада яхшиланганини кутишади).

Мавжуд ҳолат кўрсаткичлари ва истиқболларни кутиш ўртасидаги боғлиқлик асосида келгуси 2-3 ой учун мамлакатда иқтисодий циклни босқичларини аниқлаш мумкин. Агар ҳозирги ҳолат ва кутилаётган ҳар иккала қиймат ҳам салбий бўлса, кейинги 2-3 ой ичида мамлакат иқтисодиёти таназзул ҳолатида бўлади. Ёки ҳозирги ҳолатнинг қиймати салбий бўлса, кутиш қиймати ижобий бўлса, иқтисодиёт кейинги 2-3 ой ичида тикланади ёки жонланади ва ҳоказо.

Иқтисодий ривожланиш нуқтаи назаридан келиб чиқиб айтилган бўлса, бизнеснинг ҳозирги ҳолати қиймати ва бизнеснинг ривожланиш истиқболлари қиймати ўртасидаги боғлиқлик мамлакатимиз иқтисодиёти яқин 2-3 ой ичида жадал ривожланишни бошдан кечирилишини аниқлатади. Бу, албатта, бироз баланспарвоз гапга ўхшаб туюлса-да, аниқ иқтисодий ҳисоб-китоблар хулосасига таянади. Аммо мазкур жараён биз ўйлагандек силлиқ кечмайди, балки иқтисодий чора-тадбирларни изчиллик билан амалга оширишни талаб этади.

Тўлқин ШЕРНАЕВ  
«Mahalla»



«Кўнғирот сода заводи» томонидан «А» маркали кальцинацияланган сода ишлаб чиқарила бошланди.



# Янги тизимда ПЕНСИЯГА ЧИҚИШ тартиби қандай?

Пенсия жамғармаси маълумотларига кўра, бугунги кунда Ўзбекистоннинг 34 миллиони аҳолисидан 15 миллиони иқтисодий фаол инсонлар ҳисобланиб, шундан 5,8 миллион нафари меҳнат шартномалари асосида, 400 мингдан зиёди эса яқка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолият юритиб, Пенсия жамғармасига ижтимоий солиқ тўлаб келмоқда.

Жорий йилнинг январидан бошлаб меҳнат муносабатлари соҳасида узок кутилган, кўп муҳокамага сабаб бўлган «Ягона миллий меҳнат тизими» ишга туширилди. Бошқача айтганда, шу санадан бошлаб меҳнат шартномалари ва дафтарчаларини юритишда электрон тизимга ўтилди. Бу дегани — фуқаронинг пенсияга чиқиш даври келса, архивма-архив югуришига чек қўйилиб, тизим орқали барчаси расмийлаштирилади.

Хўш, янги тизим аҳолига қандай қулайлик яратади? Шу хусусда мутахассисларга юзландик.

## Ишга жойлашишдан тортиб, пенсияга чиқишгача дастурланади

— Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 31 октябрдаги «Ягона миллий меҳнат тизими» идораларо дастурий-аппарат комплекси (ИДАК) ни жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига мувофиқ, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида «Ягона миллий меҳнат тизими» ИДАКни бошқариш дирекцияси ташкил этилди ҳамда у малакали мутахассислар билан тўлдирилди, — дейди «Ягона миллий меҳнат тизими» идораларо дастурий-аппарат комплекси бошқаруви дирекцияси директори Хусан Яркулов. — «Ягона миллий меҳнат тизими» билан ишлаш, яъни меҳнат шартномаларини тузиш, амалдаги меҳнат шартномаларига ўзгартириш киритиш, шунингдек, уларни тугатиш ҳолатларини «ЯММТ» идораларо дастурий-аппарат комплексида рўйхатдан ўтказиш тартиби иш берувчи

томонидан амалга оширилади. Барча фойдаланувчиларнинг билим даражаси, замонавий ахборот технологиялардан фойдаланиш имкониятидан келиб чиққан ҳолда тизимда ишлаш тартиби содда-лаштирилган. Тизимда ишлаш ва маълумотларни киритишда керакли бўладиган ҳужжатлардан асосийлари, бу — ҳодимнинг фуқаролик паспорти нусхаси, меҳнат шартномаси ва унга киритилган ўзгартиришлар, меҳнат дафтарчаси, холос.

Шу билан бирга, ҳодим ўзининг шахсий кабинетига кирган ҳолда иш берувчи томонидан киритилган меҳнат фаолиятига тегишли маълумотларни кузатиб бориши, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, иш жойидан маълумотномани мустақил юклаб олиши мумкин. Ҳодим ҳақидаги маълумотлар тизимга бир марта киритилади ва ушбу яратилган электрон базадан келажақда бошқа ишга жойлашиш учун ҳам фойдаланилади.

## Пенсия тайинлашдаги ноқонуний ҳолатлар ўрганилмоқда

— 2020 йил 1 январдан кейинги давр учун пенсияни ҳисоблашда меҳнат стажини тасдиқлаш ва иш ҳақи миқдорини белгилашда «Ягона миллий меҳнат тизими» маълумотларидан фойдаланилади, — дейди Бандлик ва меҳнат

вазирлиги масъул ходими Гулруҳ Ниёзметова. — Иш стажларини тасдиқлаш ва пенсия ҳисоб-китоби учун паспортнинг ўзи етарли. Жисмоний шахсларнинг меҳнат фаолияти тўғрисидаги маълумотларни электрон тарзда шакллантириш ва юритиш пенсия таъминоти ҳуқуқларини расмийлаштиришда келиб чиқадиган муаммоларнинг (меҳнат стажини нотўғри ҳисобланиши, меҳнат дафтарчаси яроқсиз ҳолга келиб қолиши ва ундан аниқ маълумотларни олиб бўлмаслиги, баъзи бир ҳолларда меҳнат дафтарчасининг қалбақчилиги аниқланиши, фуқаро ўз меҳнат дафтарчасини йўқотиб қўйиш) олдини олади. Ҳозирги кунда электрон ахборот алмашинуви ёрдамида жами 3,7 млн. нафардан кўпроқ пенсия ва нафақа олувчи фуқароларнинг шахсий маълумотлари солиштириб чиқилди ва жисмоний шахсларнинг шахсий идентификация рақамлари «Пенсия» дастурий мажмуасига тўғри киритилиши таъминланди.

Жорий йилнинг ўтган даврида электрон ахборот алмашинуви ёрдамида пенсия ва нафақа олувчи фуқароларнинг шахсий маълумотлари солиштириб чиқилганда, айрим фуқароларнинг туғилган йили, ойи ва кунлари, айримларининг эса жинсига оид маълумотларининг нотўғри белгиланганлик ҳолатлари аниқланган. Бугунги

кунда Пенсия жамғармасининг сайъ-ҳаракатлари билан ёшани катта қилиб кўрсатган ҳолда пенсия тайинлангани шубҳа қилинган 1 минг 660, ёшани кичик қилиб кўрсатган ҳолда пенсия тайинлангани шубҳа қилинган 4 минг 312 пенсия ишининг рўйхати шакллантирилди.


Бу каби қайта ўрганиш ишлари давом эттирилмоқда. Яқунда аниқланган ҳолатлар белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этилади.

## Маълумотлар ўчиб кетиши мумкинми?

Меҳнат дафтарчаси электронлаштирилади, дейилганида кўпчилик хавотирга тушганди. Бойси у техника, исталган вақтда вирус тушиши мумкин. Аммо хавотирга ўрин йўқ. Чунки тизимнинг ишлаш тартиби халқро ва миллий ахборот хавфсизлиги стандартларига мувофиқ ҳимояланган. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва унга мансуб ташкилотлар тизимнинг ишлаши, ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун масъул ҳисобланади.

Ягона миллий меҳнат тизимини ишга тушириш орқали республикада мавжуд иш ўринлари хусусида шаффоф маълумотларни олиш имкони яратилди. Шунингдек, унинг ёрдамида қайси мутахассислик бўйича қанча инсон меҳнат қилаётгани хусусидаги рақамлар ойдинлашади, касбларга талабни мониторинг қилиш мумкин бўлади ва албатта, қороз-бозликка барҳам берилади. Бугунги кунда базага маълумотларни тўплаш борасида барча корхона ва ташкилотларда ишлар олиб бориляпти. Ушбу тизим тўлиқ ўз фаолиятини бошлаганидан кейин одамларнинг пенсияга чиқиш пайтидаги овозгарчиликларига чек қўйилади. Базага киритилган мавжуд маълумотлар асосида пенсия тайинланади. Ҳаттоки, ҳар бир фуқарода пенсияга чиққунча ҳам келгусидаги ўзининг молиявий ҳолати тўғрисида маълумотта эга бўлиш имконияти яратилади.

АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЙИНЛАШ СХЕМАСИ



УШБУ ДАВРЛАР УЧУН ФУҚАРОЛАРДАН АРХИВ МАЪЛУМОТЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТИЛМАЙДИ

УШБУ ДАВРЛАР УЧУН ТИЗИМЛАРДА ЗАРУР МАЪЛУМОТЛАР МАВЖУД БУЛМАГАНДА, ФУҚАРОНИНГ МУРОЖАТИ АСОСИДА АРХИВ МАЪЛУМОТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИЛАДИ

Нилуфар ЮНУСОВА  
«Mahalla»

Онлайн режимда «Россия ва МДХ боғлари — 2020» форуми бўлиб ўтди.



Қонун устуворлигини таъминлаш барча тармоқлардаги барқарорликни таъминлайди. Шу боис қонун ижодкорлигида халқ иродасига таяниш, фуқаролар манфаати биринчи ўринга қўйилиши шарт. Бунинг учун қонун ижодкорлари ишида очиқлик ва шаффоқлик таъминланиши муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, жамият ҳаётидаги долзарб масалаларни кечиктирмай ҳал этишда қонун ижодкорларидан тезкорлик ҳам талаб этилади.

# Энди қонунлар ЭЛЕКТРОН ШАКЛДА қабул қилинадими?

## Электрон тизимдан фойдаланиш фурсати етди

Сир эмас, мамлакатдаги ислохотлар қонунчилик базасини ҳам янгилашни талаб этади. Шу боис янгилашнилар даврида Адлия вазирлиги олдига ҳам қатор вазифалар қўйилди. Бу, ўз навбатида, соҳага замонавий технологияларни олиб кириш заруратини туғдирди. Айни сабаб туфайли Адлия вазирлигининг ташаббуси билан 2019 йилдан бошлаб қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, вазирликлар ва идоралар ўртасида келишиш электрон тизим ([project.gov.uz](http://project.gov.uz)) орқали амалга оширилиши йўлга қўйилди. Ушбу тизим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш жараёнини сезиларли даражада оптимallasштириш, яъни содда-лаштириш ва расмийчиликнинг олдини олишга шароит яратди.

Натижада норма ижодкорлигидаги ушбу жараён қулай, тез ва сифатли амалга оширилмоқда. Бу эса жараённинг ягона электрон тизимда айланиши, ҳужжатлар лойиҳасининг тасдиқланиши белгиланган муддатда амалга оширилиши, соҳада бюрократия ва ортиқча қоғозбозлик каби ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда. Бу тизим, айниқса, пандемия даврида ўзининг яққол самарасини намояндалар этди. Хусусан, ўтган давр мобайнида 5 минг 874 та ҳужжат лойиҳаси мазкур тизим орқали электрон тарзда келишилди. Шундан 5 минг 797 та қонун лойиҳаси вазирлик томонидан ҳуқуқий

экспертизадан ўтказилди.

Эътиборлиси шундаки, Сингапур, Корея, Япония, Россия ва Қозоғистон каби саноклигини мамлакатда қонун ижодкорлиги фаолиятини электрон шаклда амалга оширишга имкон берадиган тизим мавжуд. Демак, бу юртимизда ҳам ушбу соҳага жиддий эътибор қаратилаётганидан далолат беради. Аммо бугун ютуқлардан қувониб ўтиришнинг ўзи кифоя қилмайди. Зеро, бу борадаги ислохотларни муттасил давом эттириш — давр талабидир. Шу боис мамлакатимизда қонун ижодкорлиги соҳасида рақамли технологияларни жорий этишнинг янги босқичига ўтиляпти.

## Тизимнинг афзалликлари нималардан иборат?

2020 йил 1 июль куни мамлакатимиз тарихида илк марта электрон ҳужжат қабул қилиниб, давлат рўйхатидан ўтказилди. Ҳўш, қонун ижодкорлигининг электрон тизимга ўтиши қанчалик муҳим эди? Бу янгилик қандай муаммоларга барҳам беради? Тизим ўзини қай даражада оқлайди?

Таъкидлаш керакки, соҳага АКТнинг кенг жорий этилиши шу вақтгача мавжуд бўлган қатор муаммоларга ечим бўлади. Жумладан, ҳозиргача ишлаб чиқилган лойиҳаларни ҳар бир манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотта юбориш учун қоғозда чоп этиш ҳамда почта орқали ёки қўлда етказиб бериш керак эди. Бу эса узок вақт сарфлашга ва ортиқча овозгарчиликларга сабаб бўлар-

ди. Боз устига, келишилган (виза қўйилган) лойиҳа нусхаларининг кўпайиши оқибатида чалқашликлар ва тушунмовчиликлар юзга келарди. Уларни бартараф этиш эса яна вақтни бой беришга сабаб бўларди. Оқибатда вақт, асосан, лойиҳани ҳар томонлама тўхта ва сифатли тайёрлаш учун эмас, балки тегишли ташкилотларнинг ўзаро келишишига сарф бўларди.

Электрон тизимнинг жорий этилиши эса мана шу каби қатор муаммоларга барҳам бериши билан аҳамиятлидир. Янги тизим қонун ижодкорлари ва соҳа ривожини учун бир қатор қулайлик ва энгилликлар яратади. Жумладан, ушбу тизимда Адлия вазирлигига киритилаётган ҳужжат қоғоз шаклида берилмайди ва муҳр билан тасдиқланмайди. Вазирлик ва идоралар билан келишиш учун электрон рақамли имзодан фойдаланилади.

Бу турли расмийчилик ва бюрократиянинг олдини олади. Муҳими, қоғозбозликка барҳам бериб, тезкорлик ҳамда шаффоқликни таъминлайди. Яъни энди аввалгидек вазирликка тақдим этилган ҳужжатларни қабул қилиш учун Адлия вазирлиги алоҳида буйруқ чиқариши шарт бўлмайди. Ҳужжатларга уникал рақам берилиб, электрон давлат реестрига киритилади ҳамда рўйхатдан ўтказилади.

Шу билан бирга, ушбу ҳужжатлар бир вақтнинг ўзида жамоатчилик муҳокамасига қўйилади. Давлат рўйхатидан ўтказилган ҳужжатлар эса автоматик равишда Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси — «lex.uz»да

## ДАРВОҚЕ...

Ўзбекистон тарихида илк электрон ҳужжат Соғлиқни сақлаш вазири томонидан тасдиқланган бўлиб, унга, асосан, тиббиёт ходимлари томонидан беморларга рецепт ёзишда дори воситаларининг савдо номини эмас, балки унинг таркибидаги таъсир қилувчи моддаларни ёзиш талаб этилади. Бу эса фуқароларга таркиби бир хил бўлган дори воситаларини ўзларининг хоҳишига асосан, сотиб олишга имконият яратади. Шунингдек, юзага келиши мумкин бўлган коррупциянинг олдини олади. Тиббиёт ходимлари ва фармацевтика компаниялари ўртасидаги ноқонуний келишув бўлмастлигини таъминлайди.


чоп этилади.

\*\*\*

Албатта, янгиликларни амалга олишда кенг жорий этиш доим ҳам осон бўлмаган. Шунга қарамай, илк электрон ҳужжат қабул қилиш жараёнида янги тизимнинг нечоғли қулай ва самарадор экани яққол кўзга ташланди.

Таъкидланганидек, ушбу тизим давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида қоғозсиз ҳужжат алмашинувини кенгайтириб, самарадорликни оширишга хизмат қилади. Бундан нафақат норма ижодкорлари, балки, биринчи навбатда, халқимиз кўпроқ манфаат топади. Негаки, бугун ҳар биримизни ўйлантириб турган масалаларга тезкор ечим топишнинг ягона йўли — қонун устуворлигини таъминлаш ва ушбу талабга жавоб берадиган қонунчилик базасини яратишдир.

Маъруф НАЗАРОВ,  
Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари.



**БИЛАСИЗМИ?**  
АҚШнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасидаги тажрибаси диққатга сазовордир. Хусусан, 1997 йилдан бери ушбу мамлакатда бир нечта федераль қонунлар ушбу тизим орқали қабул қилинган.



## Чекка ҳудудларда

# КАДРЛАР ТАҚЧИЛЛИГИ

## қандай ҳал этилади?

Мамлакатимизда узоқ йиллар Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида фалон ишлар қилиняпти, туб ислохотлар амалга оширилмоқда, деб жар солинган бўлса-да, сифатли мутахассисларга бўлган эҳтиёж баландлигича қолаётган эди. Бунга, биринчи навбатда, олий таълимга қабуллар сони жудаям камлиги, боз устига, соҳада коррупция чуқур илдиз отгани сабаб бўлгани ҳеч кимга сир эмас.

Сўнги уч-тўрт йил ичида айна шу муаммоларнинг ечими юзасидан жиддий қадамлар ташланиб, талабалikka қабул квоталари кўпайтирилди, ушбу жараёнда замонавий техника имкониятларидан келиб чиқиб қатор кулайликлар яратилди. Хусусан, юртимиз олий таълим муассасалари 2016 йилда 57 907 нафар талабани қабул қилган бўлса, жорий йилда 139 950 нафар ёшлар талабалikka қабул қилинди. Кўриб турганимиздек, ўтган 5 йил ичида квоталар сони 2,5 бараварга оширилди. Хўш, ушбу ўзгаришлар мамлакатимизда, айнисика, чекка ҳудудларда кадрлар етишмовчилиги муаммосини қай даражада ҳал эта олади? Соҳада вужудга келган камчиликларни бартараф этиш учун яна қандай чоралар қўллаш керак?

### Ҳаммасига сабаб — мактаблардаги сифатсиз таълим

— Бугун мамлакатимиз олий таълим соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришларнинг кенг қамровлилиги ва натижадорлигига гувоҳ бўлмоқдамиз, — дейди Олий Махжис Қонунчилик палатаси депутаты Махфират Хушвақтова. — Бу ишлар замирида иқтисодий тarmoқлари ҳамда ҳудудларни сифатли кадрлар билан етарли даражада таъминлаш мақсади ётибди. Гуво-



ҳи бўляпмизки, чекка ҳудудларда олий маълумотли мутахассислар тақчиллиги натижасида тиббиёт муассасалари ва таълим масканларида ишловчиларнинг асосий қисмини ўрта махсус маълумотли мутахассислар ва олис масофалардан вақтинча қатнаб ишлайдиган кадрлар ташкил этади. Баъзи бир мутахассисликлар ишини бошқа йўналиш бўйича мутахассислар бажаришга мажбур бўлишаётгани ҳам бор ҳақиқат. Натижада чекка қишлоқлар аҳолиси сифатли таълим, қолаверса, малакали тиббий хизматдан фойдалана олишмаяпти.

Бунинг сабаби нимада? Нега ўша ҳудудларда яшовчи ёшлар орасида олий ўқув юртларини битираётганлар кам? Гап шундаки, сифатли таълим ололмаган чекка ҳудуд аҳолиси олий таълимга кириш жараёнида сифатлироқ таълим олган марказларда яшовчи абитуриентларга рақобатда ютқазмоқда ва ўрта махсус маълумотли мутахассис бўлиб қолмоқда. Буларни ортда қолдириб, талабага айланган марказда ёки ўқитувчилар вақанцияси йўқ ҳудудда ўқиган талабалар чекка қишлоқларга келиб ишлашни умуман хоҳлашмайди. Бундан шу нарса аён бўладики, квотани ҳар қанча кўпайтирган билан чекка ҳудудлардаги олий маълумотлиларга бўлган талабни ҳеч қачон қондира олмаимиз. Кимё фанини ҳам физика ўқитувчиси ўтувчи

мактаб ўқувчилари эса ўзларидан сифатлироқ таълим олган шерикларига ютқазаверишади.

### Мажбурий 3 йил ишлаб бериш шарти ҳам муаммони еча олмайди

Тўғри, яқинда давлат гранти асосида ўқиётган битирувчиларни чекка ҳудудда 3 йил ишлаб бериш шарти билан жўнатиш таклифи кўтарилди. Фикримча, бу йўл билан ҳозир муаммони бартараф эта олмаимиз. Чунки ушбу тизимнинг жорий қилиниши таълим муассасаларида тақсимот жараёнларида коррупцион ҳолатларни (кимнидир рўйхатдан тушириб қолдириш, кимнидир яқинроқ ҳудудларга жўнатиш) келтириб чиқариши мумкин. Шу билан бирга, юқорида асосий эҳтиёж таълим ва тиббиёт муассасаларидаги вақанциялар ҳақида сўз юритилмоқда. Маълумки, бу йўналишдаги олий таълим муассасаларининг аксарият битирувчилари қизлар ҳисобланади. Аксарият ота-оналар қизини республикамизнинг чекка ҳудудига жўнатишга розилик бериши эса жуда қийин масала.

Амалиётдан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, тиббиёт, педагогика йўналишидаги кадрлар эҳтиёжини чеккадан қатнаб ишлайдиган мутахассислар ҳисобига қўллаш тажрибаси ўзини оқламаяпти. Мавжуд қийинчиликларни рўқач қилиб, бир ёки икки йил ишлаган мутахассис ўзига қулай ҳудудларга кетиб қоляпти. Демак, қабул квоталарини кўпайтириш ёки битирувчиларни чекка ҳудудларга жўнатиш муаммога ечим бўлмайди.

### Мақсадли қабул квоталарини кўпайтириш керак

Ҳудуднинг ватанпарвар, ўз қишлоғи учун хизмат


қилишни истайдиган, мактабларда ва шифохоналарда кўп йиллардан буён ишлаб келаётган ўрта махсус маълумотли кадрлар ва мактабларнинг битирувчиларига тегишли вазирликлар томонидан мақсадли квота ажратилса, олам гулистон. Шунда уларнинг хоҳловчилари кундузги, хоҳловчилари ишдан ажралмаган учун жорий йилда 9 та соғлиқни сақлаш йўналишида, 23 та педагогика соҳасида мақсадли квота ажратилган. Олий маълумотли кадрлар тақчил бўлган 10 дан ортиқ қишлоғи бор туманга ажратилган квота битта қишлоқнинг ҳам эҳтиёжини қондира олмайд.

### Вақтинча чора сифатида бепул тайёрлов курсларини очиб лозим

Бу ерда масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Яъни иқтисодий бўла туриб, таълим сифати пастлиги учун етарли билим ололмаган чекка ҳудудлар аҳолиси учун мутасадди ташкилотлар учун бепул тайёрлов курсларини очиб лозим бўлади. Бу бир томондан, ёшларнинг бўш вақтини илм олишга сарфлашга олиб келса, иккинчи томондан, олий таълим муассасаси учун етарли базага эга бўлади. Ўша ҳудудларнинг ўзиде ташкил этилувчи бу курсларнинг яна бир афзаллиги молиявий имконияти ёки бошқа сабаб билан марказдаги репетиторларга қатнаб олмаётган ёшлар учун ҳам имконият яратилган бўлади.

Албатта, йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларнинг бир ёки икки йилда бартараф этилиши имконсиз ҳолат. Аммо тегишли мутасаддилар қабул квоталарини бунчага оширдик, бу йил шунча битирувчига диплом берилди каби рақамларга маҳлиё бўлавермасдан, чекка-чекка ҳудудларни ҳам олий маълумотли мутахассислар билан таъминлаш чораларини кўриши лозим. Зеро, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси қаерда яшайдан қатъи назар, сифатли таълим ва тиббий хизмат олиш ҳуқуқига эга.

Тўлқин ШЕРНАЕВ  
«Mahalla»



Қашқадарёликлар илк марта сариқ тарвуз экспорт қилишни бошлади.

# «ҲАР ГАЛ ВАЪДА беришади, аммо ҳеч нарсa ўзгармайди...»

Тахририятимизга ҳар ҳафта жойлардаги камчиликлар, одамларни қийнаётган муаммолар бўйича кўплаб мурожаатлар келиб тушади. Ўрганишлар давомида маълум бўладики, уларнинг айримларида масъулларнинг бефарқлиги, сансалорликка йўл қўйгани сабаб бўлаётган бўлса, баъзиларида одамлардаги боқимандалик кайфияти кўзга ташланади. Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги ўрганишларимиз ҳам буни яна бир бор тасдиқлади.

## «Ўзи йўқ канализация учун тўлов талаб қилишади»

Жомбой туманидаги «Тошкент» маҳалласида жойлашган 37-кўп қаватли уйда яшовчи 70 ёшли Мадина Дагалакова ёзининг айни жазирама кунларида кўшни уйнинг ховлисидаги қрандан 5-қаватдаги хонадонига сув ташиб чиқишга мажбур. Мазкур уйда М.Дагалаковадан ташқари яна 40 та оила, 200 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Қарийб чорак асрдан буён бу одамларни ичимлик суви ва лифт муаммоси қийнаб келади.

— Сиз бу муаммони ўрганишга келганларнинг биринчиси эмасиз, — дейди 2-уй бошқарувчиси Хуршида Мирбобоева. — Келганлар ҳар гал сўрашади, суратга олишади, ваъда беришади, аммо, афсуски, ҳозиргача ҳеч нарсa ўзгаргани йўқ. Аҳолини қийнаётган ичимлик суви ва канализация масаласи бўйича мазкур соҳанинг раҳбарлари, туман мутасаддиларига бир неча бор мурожаат қилдик. Ҳаммаси ваъда беришдан нарига ўтишмайди. Яна бунинг устига, ўзи йўқ канализация учун тўлов талаб қилиб келишади.

## «Маҳаллага келаётган сув автокорхонага буриб юборилган»

Худди шундай ҳолат 200 дан ортиқ оила ёки 1000 нафардан зиёд аҳоли яшайдиган худуддаги 3-, 5- ва 9-кўп қаватли уйларда ҳам мавжуд.

— Шу уйда 30 йилдан бери яшаётган бўлсам, қарийб 20 йилдан буён одамларни ичимлик суви муаммоси қийнаб келади, — дейди 3-уй бошқарувчиси Мамат Очилов. — Худудда «МАН» автомобил заводи қурилмасидан илгари уйимизда сув таъминоти яхши эди. Завод қурилдию, уйларга сув берилиши тўхтаб қолди. Аниқлашимизча, бизнинг маҳалламизга келаётган сув тармоғи бундан икки чақирим нарида жойлашган автокорхонага буриб юборилган экан. Бу ҳақда тармоқ мутасаддилари ҳам, ҳокимликдагилар ҳам яхши билишади. Қолаверса, маҳалла аҳли бу борада

масъулларга бир неча бор мурожаат қилди. Аммо ҳозирча қуруқ ваъдабозликдан бошқа бирор натижа йўқ. Лифт масаласига келсак, уйлар қурилган пайтдаёқ лифтлар нимагадир ўрнатилмаган. Лифтларнинг жойи бор, аммо ўзи йўқ.

Ўтган йили ёз ойларида коммунал хизмат кўрсатиш бўлими ходимлари келиб, хонадонларни таъмирлашни бошлашган. Аммо одамларнинг қувончи бу гал ҳам узокқа чўзилмади. Қурувчилар ишни қандай бошлаган бўлса, шундайлигича чала-ярим ташлаб, негадир жуфтакни ростлаб қолди.

Вазиятта аниқлик киритиш мақсадида Жомбой тумани аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш бўлими мутахассиси билан телефон орқали боғландик. Ўзини Шерзод Набиев деб таништираган бўлим мутахассисининг айтишича, уйлардаги таъмирлаш ишларини вилоят қурилиш бошқармаси ходимлари амалга оширган. Вилоят қурилиш ва архитектура бошқармаси вакиллари эса бу ҳақда ҳеч нарсa билмаслигини айтишди. Сўнгра «Сувоқова» давлат унитар корхонаси Жомбой тумани филиалига мурожаат қилдик.

Нима учун айрим масъуллар жойлардаги муаммоларни ҳал этиш борасида нуқул карантин қоидаларини рўқач қилишади? Ахир, карантин шароитида ишлашга қачон ўрганамиз?

— «Тошкент» йиғинида жойлашган кўп қаватли уйларни марказий сув тармоғига улаш лойиҳаси 2020 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳудудий дастури ва «Йўл харитаси»га киритилган, — дейди мазкур филиал раҳбари Ўлмас Кўбаев. — Карантин туфайли мазкур лойиҳани амалга ошириш бироз

чўзилмоқда. Карантин қоидалари енгиллаштирилиши биланоқ ишлар бошлаб юборилади.

## Бузилган трансформатор одамларни бездирди

Туманда ичимлик суви туфайли қийналаётган биргина «Тошкент» маҳалласи аҳолиси эмас. «Ғазира» йиғини ҳудудидаги Наврўзтепа қишлоғи аҳли ҳам шундай муаммони бошидан кечирмоқда. Масъулларнинг айтишича, туман маҳаллий бюджетининг қўшимча маблағлари ҳисобидан «Суғориш таъминоти муаммоли ҳудудларда артезиан қудуқларини қазिश» тақлифи кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланди. Жорий йил бошида чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, иккита сув иншооти қуриш ва таъмирлаш режалаштирилган.

Яқинда эса қишлоқдаги 33 та хонадонда яшовчи 132 нафар аҳоли «Самарқанд сув таъминоти» масъулияти чекланган жамияти маблағлари ҳисобидан тоза ичимлик суви билан таъминланди. Мазкур савобли иш жамиятнинг Жомбой тумани бўлими ходимлари ҳамда маҳаллий аҳоли билан биргаликда ҳашар йўли билан амалга оширилди.

Мазкур йиғинга қарашли Шакар қишлоғи аҳолиси эса 1961 йилда ўрнатилган трансформатор ва эски симёғочларни алмаштирамай жонхалак. Ўша пайтларда бу трансформатор 60 та ҳўжалик учун мослаб ўрнатилган. Ҳозирги вақтда қишлоқда истеъмолчилар сонини 150 та ҳўжаликдан ортиқ. Мазкур трансформаторнинг ҳаддан ташқари кўп юкланишларни кўтаролмаслиги, зўриқиши сабаб деярли ҳар ҳафта унинг бирор қисми ёниб кетади. Тинимсиз пайдо бўладиган ёнғин, мунтазам аҳоли ҳисобидан қилинадиган таъмирлаш ишлари одамларни бездирган.

Мазкур муаммо юзасидан юқори ташкилотларга бир неча бор му-

урожаат қилинган, аммо на республика, на вилоят ва на туман электр тармоқлари мутасаддилари масалага эътибор қаратишмаган.

— Сиз айтётган қишлоқ аҳолиси учун шу ҳафтада бир дона янги трансформатор ажратилди ва 30 дона бетон устунлар олиб келинди, — дейди «Жомбой тумани электр тармоқлари» корхонаси раҳбари Шерзод Ҳотамов. — Ходимларимиз эртадан бошлаб бу ерда эскирган симёғочларни ҳамда муддати ўтган трансформаторни алмаштириш билан шуғулланади. Узоғи билан 10 кун ичида қишлоқда электр таъминоти билан боғлиқ барча муаммолар ижобий ҳал қилинади.

## Саволлар, жавобсиз саволлар...

Шу ўринда ўз-ўзидан саволлар туғилади: нима учун айрим масъуллар жойлардаги муаммоларни ҳал этиш борасида нуқул карантин қоидаларини рўқач қилишади? Ахир, карантин шароитида ишлашга қачон ўрганамиз? Нимага маҳаллалар ва ҳудудларда тўпланиб қолган, аҳолини қийнаб келаётган юқоридаги каби ижтимоий муаммолар қачонки, бу ҳақда матбуот бонг урса ёки юқори лавозимда ўтирганлар у ерга ташриф буюрганидан кейингина бартараф этиляпти?

Жойлардаги масъуллар, қолаверса, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, йиғинлар фаоллари ўз мажлисларида бу масалаларни нега муҳокама қилиб, ечимини изламаяпти? Ахир, улар ўз сайловолди дастурларида одамлар олдида тоғ-тоғ ваъдалар бермаганимди? Қани, ўша ваъдаларнинг амалдаги ижроси? Хуллас, саволлар бисёр, бироқ уларга жавоб берувчи бирорта мард топилмайди. Қузатамиз, юқоридаги муаммолар юзасидан масъул ташкилотлардан жавоб кутами!

Ёрмамат РУСТАМОВ  
«Mahalla»

Қашқадарёда яна бир қудуқдан табиий газ ва газ конденсати олинади.

# ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШ: қулай, қонуний ва хавфсиз

**П**резидентимизнинг жорий йил 8 июндаги «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, 2020 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи банд қилиш бўйича фаолият турларининг 67 тагача кенгайтирилиши асосида рўйхатга олиш тартиби жорий этилди. Ҳўш, ўзини ўзи банд қилган фуқаро қандай қилиб рўйхатдан ўтиши мумкин?

Бу борада тахририятимизга ҳам маҳалла фуқаролар йиғини раисларидан кўплаб мурожаатлар бўлмоқда. Шу боис ушбу масалага атрофлича жавоб олиш мақсадида **Давлат солиқ кўмитаси давлат солиқ катта инспектори Дилдора ҲОШИМОВА**га мурожаат қилдик.

– Ўзини ўзи банд қилган фуқаро сифатида рўйхатдан ўтишни хоҳловчилар бунинг «Soliq» мобил иловасидан фойдаланган ҳолда ёки жисмоний шахсларнинг шахсий кабинети орқали масофадан туриб, бепул амалга ошириши мумкин, – дейди **Дилдора Ҳошимова**. – Шунинг ҳам унутмангки, «Soliq» мобил иловаси орқали рўйхатдан ўтиш учун ПИНФЛ(ЖШШИР)ни киритиш талаб этилади. Демак, ўзини ўзи банд қилган фуқаро, аввало ўзининг смартфон қурилмасидан Play Market орқали давлат солиқ хизматларидан «Soliq» мобил иловасини юклаб олади. Шундан сўнг иловани очиб, «Ўзини ўзи банд қилиш» тугмасини босинг.



Бу ерга шахсий идентификация рақамингизни (ЖШШИР) киритинг ёки электрон рақамли имзо калити орқали шахсингизни тасдиқланг. ЖШШИР рақамини аниқлаш тартибини фуқаролик паспортдан олишингиз ёки «Ёрдам керакми?» тугмасини босишингиз мумкин. ЖШШИР рақамини киритиб, тасдиқлаш учун мобил телефон рақамини киритинг ва **рўйхатдан ўтиш** тугмасини босинг.


## ЭРИ рўйхатдан ўтиш жараёнини тезлаштирадими?

Агар ЭРИ калитингиз бўлса, ЭРИ калити орқали шахсингизни тасдиқлашни амалга оширсангиз, рўйхатдан ўтиш жараёни тезроқ амалга ошади. Бунинг учун мобил телефонингизга келган SMS хабардаги тасдиқлаш кодини киритинг. Шундан сўнг сиз тўғриватдаги маълумотлар асосида электрон ариза шаклланади.

Жисмоний шахс сифатида шахсий маълумотлар киритилганидан сўнг фаолият турини танлаш лозим. Бунда бир йўла бир нечта фаолият турларини танлашингиз мумкин. Унда фаолият кўрсатиш жойи – вилоят ва туман (шаҳар), албатта, кўрсатилиши керак.

Киритилган маълумотлар тўғриватдаги текшириб бўлган, **рўйхатдан ўтиш** тугмасини босинг. Рўйхатга олиш натижаларига кўра, ўзини ўзи банд қилганлик тўғрисидаги маълумотлар Солиқ тўловчиларнинг ягона реестрига киритилади ва фойдаланувчига рўйхатга олинганини тасдиқловчи матрицали штрих код (QR код) юборилади. QR кодли маълумотномани хошига кўра чоп эттириш ёки юклаб олишингиз мумкин.

Шу билан рўйхатга олиш жараёни тугайди. Маълумотнома кўриши эса қуйидагича:



## Буюртмаларни қабул қилиб, тўловларни ҳам амалга ошириш мумкин

Ўзини ўзи банд қилаётганлар расман рўйхатдан ўтгандан сўнг қонуний равишда ишлашлари, шунингдек, танлаган фаолият тури бўйича буюртмаларни қабул қилиш ва кўрсатилган хизматлар

Давлатимиз раҳбарининг «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 3-бандига асосан, ўзини ўзи банд қилган шахслар 2020 йил учун ижтимоий солиқни базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 50 фоизи ҳажмида тўлайди. Ушбу сумма тўлиқлигича бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига йўналтирилади. Солиқларни тўлаш масофадан туриб, мобил илова ёки ҳар қандай электрон тўлов тизими орқали амалга оширилади. Бу жисмоний шахслар учун солиқ тўлаш жараёнига ўхшайди. Шу тариқа солиқ мажбуриятларини солиқ органларига ташриф буюрмасдан бажариш мумкин.

Агар ўзини ўзи банд қилган шахс фаолиятини тўхтатмоқчи бўлса, бу жараён ҳам оддий: **рўйхатдан чиқиш** тугмасини босса kifоя.

Хозирги вақтда ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун хизмат турлари ва имкониятлар кенгаймоқда. Бир қатор муҳим функциялар ва қулайликлар ишлаб чиқилмоқда. Мисол учун, хизматларни машҳур электрон майдончаларда реклама қилиш, кўрсатилган хизмат учун тўловларни қабул қилиш (P2P) имкониятлари яратилмоқда. Мижозлар базаси билан алоқа ўрнатиш истеъмолчилар томонидан берилган баҳо ва фикр-мулоҳазаларни кўриш имконини беради. Мобил илованинг Android версияси билан бир қаторда iOS версияси ҳам яратилмоқда

## МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Ўзини ўзи банд қилганлар – бу хизматлар кўрсатишда мустақил равишда шахсий меҳнати билан иштирок этадиган, меҳнат даромадини олиш учун иш олиб борувчи шахслар. Бунда улар якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олинмайди ва ёлланма ходимлар меҳнатидан фойдаланмайди.

(товарлар) учун тўловларни амалга ошириши мумкин. Маълумотлар базасида ҳар бир буюртма учун ишларнинг сони ва қиймати, шунингдек, мижознинг телефон рақами тўғрисидаги маълумотлар сақланади. Буюртма асосида чек шакллантириш ва уни мижозга юбориш имконияти ҳам мавжуд.

Шунингдек, ўзини ўзи банд қилганлар ҳар ой якуни бўйича буюртма асосида олинган даромадлари ва харажатлари ҳисобини юритиши ва ижтимоий солиқини ҳисоблаши мумкин. Исталган вақт оралиғи учун даромадлар ва харажатлар ҳақидаги тўлиқ маълумотлар биргина тугмани босиш орқали шакллантирилади

«Mahalla» мухбири Рустам Юсупов ёзиб олди.

# СУВСИЗ ТОМОРҚА ривожини тасаввур қилиб бўладими?



## МЕНДА САВОЛ БОР...

Томорқачи  
жарима  
тўлайдими?

— Томорқасидан самарали фойдаланмайдиган фуқаро жарима тўлайди, деб эшитдим. Шу ростми?

**Мансур АСЛОНОВ.**  
Навоий вилояти.

## Раҳматулло ИБРАГИМОВ, хуқуқшунос:

— Дарҳақиқат, шундай. Бу жарима солиқ шаклида ундирилади. Яъни Солиқ кодексининг 291-моддасига киритилган қўшимчага мувофиқ, томорқа ер эгалари ўз ерига экин экмай, уни бўш қолдирса, амалда белгиланганидан уч баравар кўп миқдорда ер солиғи тўлайди. Шунингдек, доимий равишда фойдаланилмаган ер майдонлари давлат томонидан олиб қўйилиши ва қайтариб берилмаслиги мумкин.

## Экологик муаммолар деҳқончиликка таъсир қилмоқда

Кармана тумани Навоий шаҳри билан чегарадош. Шаҳардаги барча саноат корхоналари, жумладан «Навоийазот» АЖ томонидан атмосферага чиқарилаётган заҳарли моддалар, шунингдек, саноатда фойдаланилган оқова сувлар туман аҳолиси томонидан ерларнинг мелиоратив ҳолатига таъсир кўрсатмай қолмаяпти, албатта. Бу эса тупроқ таркиби, иқлим ва шароитта мос экин турлари парваришланишини тақозо этади. — Хатирчи туманидаги Учқора қишлоғида етиштирилаётган сара узум ва ундан тайерланган майиз қатор хорижий давлатларга экспорт қилинади. — дейди вилоят фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси Қувондиқ Мустафоев. — Нуротанинг Жарма қишлоғи ҳам узумчиликда анча машхур. Айниқса, Оқтовнинг офтобруй ва терскай этакларидаги ўнлаб қишлоқларда

етиштирилаётган лалмикор узумларни айтмайсизми? Аммо Кармана туманидаги экологик муҳит туфайли узумчиликда бундай натижага эришиб бўлмаяпти. Туман аҳолиси қовун-тарвуз ва анордан аввалгидек ҳосил ололмаяпти.

## Иштиёқ бўлсаю, шароит бўлмаса...

Очиги, шу вақтгача аҳоли ўзи етиштирган ҳосилни қандай сақлашни ва сотишни ўйлаб боши қотар эди. Чунки маҳаллий бозорни олибсотарлар эгаллаган шароитда оддий деҳқон четта ўз товарини экспорт қилишига йўл бўлсин! Президент қарори асосида энди «Томорқа хизмати» МЧЖлар томонидан аҳоли шахсий томорқаларида етиштирилган маҳсулотни сақлаш учун 20-30 тонналик кичик совутич барпо этилади ва маҳсулотни четта сотиш чоралари кўрилади.

— Бу биз, томорқа ер эгалари учун катта қулайлик бўлди. — дейди Кармана туманидаги «Кўҳна кўрғон» маҳалласидан 84 ёшли Тилов Сафаров. — Томорқамда 12 туп олма, 10 туп хурмо дарахти бор. Олмани-ку, бир амаллаб сақлардим, аммо хурмо Янги йил байрамигача етиб бормасди. Совутич ташкил этилса, мева-сабзавотларни сифатли сақлаш мумкин.

Бугун амалга оширилаётган чоралар томорқа эгалари манфаатини ҳар жиҳатдан ҳимоя қилишга қаратилган. Бу эса тез орада маҳаллаларда томорқасини ҳазинага айлантирувчи хонадонлар кўпайишидан далолат беради. Ўйлаймизки, айни соҳада учраётган муаммолар ҳам тез орада бартараф этилади. Зеро, ишлашга иштиёқ, экин экишга ер майдонлари бўлсаю, шароит бўлмаса, қўтилган натижага эришиб бўлмайди.

**Холбиби САФАРОВА**  
«Mahalla»

Юртимизда томорқа маданиятини юксалтириш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳозирги мураккаб шароитдаги энг муҳим вазифага айланди. Бир йилда 2-3 марта ҳосил олишга эришаётган деҳқону боғбонлар барчага ўрнак, албатта. Давлатимиз раҳбарининг «Аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эса бу борадаги муаммоларни бартараф этиш кафолати бўлиши, шубҳасиз.

Зеро, томорқачилик, кафтдек ердан унумли фойдаланишга интилиш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган фазилат бўлса-да, ҳудудларда аҳолининг экин-тикин билан шуғулланишига ҳалақат берувчи айрим муаммолар ҳам мавжуд.

## 200 та хонадонга иссиқхона қуриб берилди

Кармана туманида 28 минг 448 нафар ер эгасига 3 минг 106 гектар майдон томорқа сифатида ажратилган бўлиб, ҳудудда экин-тикиннинг орқасидан рўзгор тебратадиган, бошқа даромад манбаига эга бўлмаган оилалар ҳам бор. Эпидемиологик вазият тақозоси билан ишсизлар сони ортгач, туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази мутахассислари Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ходимлари билан ҳамкорликда хонадонма-хонадон юриб, аҳоли вакиллари билан суҳбатлашиб, 200 кишига субсидия эвазига енгил конструкцияли иссиқхона қуриб берди.

— Иссиқхонани қуриб бериш билан бирга, бодринг уруғи ва экин парвариши учун зарур ўғитлар ҳам беришди. — дейди «Кўҳна кўрғон» маҳалласидан Шаҳбоз Жўраев. — Илк бор шуғулланаётган бўлсак-да, сира қийналмадик, ҳосилимиз «чўғи» ёмон бўлмади. Келгусида субсидия эвазига бепул қуриб берилган 2 сотихли иссиқхонани кенгайтириб, 5 сотихга етказмоқчимиз.

«Янгиобод» маҳалласидан Махлиё Дўстова Кармана туманидаги 10-умумтаълим мактабида ўқувчиларга она тили ва адабиёти фанидан сабоқ беради. Карантин шароитида масофавий ишлашга тўғри келгач, у вақтдан самарали

фойдаланишга аҳд қилди. 9 сотих майдонда иссиқхона барпо этган муаллима бир йилда 3 марта ҳосил олиб, томорқадан 50 миллион сўм даромад топишни режалаштирган.

— Ҳозиргача бозорга 11 миллион сўмлик булғор қалампери ва бодринг тортиқ этдик. — дейди у. — Навбат помидорга, эрта-индин бозорга чиқарамиз. Иссиқхонада лимон кўчатлари ҳам парваришланмоқда. Кўчат ҳосилга киришини кутиб ўтирмаймиз, ерни бўш қўймайлик учун турли кўчат ва гуллар етиштиряпмиз.

## Барча маҳаллаларда сув муаммоси мавжуд

Қишлоқда улғайган инсон борки, болалигини хотирлаганда кўз олдига тўлиб-тошиб оққан анхору ариқлар келади. Афсуски, бугунги замонавий қишлоқларда бу манзаранинг акси бўлгани боис томорқачилар сув муаммосидан қийналаётгани бор гап. Кармана туманидаги «Янгиариқ», «Дўрман» ва «Каттамачит» маҳаллаларида ҳам сув танқислиги бўлгани учун томорқаси қуриб-қақшаб ётган хонадонлар бор.

— Ҳудудимизда 39 та маҳалла мавжуд. — дейди Кармана тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи ўринбосари Комил Қурбонов. — Агар сув манбалари етарли бўлса, бу маҳаллалар гуллаб-яшнаб кетади. Ҳозир ҳам имконияти борлар ўз томорқасини суғориш чорасини кўрмоқда, аммо камбағал оилалар насос сотиб олишга қийналяпти. Навоий кон-металлургия комбинати маъмуриятининг ёрдами билан 50 та эҳтиёжманд оила ҳовлисига сув чиқариш ускунаси бепул қуриб берилди. Бу борадаги ишларни янада кенгайтириш чораларини кўряпмиз.

**Аҳолининг томорқалардан фойдаланиш  
самарадорлиги оширилади.**

**Я**қинда «Болалар киномаҳсулоти: муаммо ва истиқбол» мавзусида учрашув бўлиб ўтганди. Унда болалар учун мўлжалланган бадиий ва анимацион фильмларнинг бутунги аҳволи, томошабин эътирофи, давлат томонидан ажратиладиган пуллар ўзини оқлатганими-йўқми каби саволлар янгради. Анимация соҳасида ижод қилаётган студия раҳбарлари ва режиссёрларга кўплаб таъна тошлари отилди.

# Ўзбек АНИМАЦИЯСИ

Хўш, бугун ўзбек мультипликациясида аҳвол қандай? Кўпчилик миллий мультфильмларимизни томоша қилмай кўйгани ҳам бор гап. Аксарият юртдошларимиз сифатли фильмлар йўқлиги, болаларни қизиқтира олмаётгани, хорижники сифатли ва маъқул эканини таъкидлайди.

Дарҳақиқат, бугун хориж кино саноати ҳар жиҳатдан ривожланмоқда. Анимацион фильмлар Голливуднинг энг сердаромад йўналишларидан бири саналади. «Музюрак», «Жониворлар шаҳри», «Минионлар» мультфильмларининг ҳар бири 1 миллиард доллардан зиёд маблағ ишлаган. Анимацион фильмларнинг сердаромад эканини мана шу рақамлардан ҳам билса бўлади.

## Рақобатлаша оладиган мультфильмларимиз йўқми?

Таассуфки, бизда ундай эмас. Сифат жиҳатидан хориж анимацион фильмларига рақобатлаша оладиган мультфильмларимиз деярли йўқ. Ҳаттоки, сўнгги ўн йилда Ҳиндистон ва Туркия мультипликацияси ҳам ривожланиш сари дадил қадам ташлади. Аммо бизда ҳамон депсини кузатишмоқда.

Хўш, айб қим еки нимада? Бу борада «Ўзбеккино» миллий агентлиги қошидаги «Мультипликацион фильмлар студияси» давлат унитар корхонаси директори **Бехзод Саломов**нинг фикрларига қизиқдик.

— Ўзбек анимацияси деганда фақат давлат унитар корхонаси ҳисобланадиган «Мультипликацион фильмлар студияси»ни тушуниш хато деб ўйлайман, — дейди **Бехзод Саломов**. — Боиси республикамизда 10 дан ортиқ анимацион студиялар бор ва улар анчадан бери буюртмалар асосида ички ва ташқи бозор учун муваффақиятли ишлайди. Ана шундай студиялардан бири «Futurist Media Group» ижодкорлари айни кунларда чет эл компаниясининг буюртмасига кўра тарихий фильм (Яман мамлакатидан бир табиб Марказий Осиёга Ибн Синодан табиблик илмидан сабоқ олгани келади) устида иш олиб борапти. Бу бир

хусусий студия «Astir Animation»да яратилган ва яқин кунларда эфирга узатилган «Авто саргузаштлар» мультсериали ҳам жажжи томошабинларга ёқди деб ўйлайман. «DIP Animation» студиясида яратилган «Помидор дўппи» номли 10 қисмдан иборат анимацион фильми ҳам интернет тармоғида анча оммалашди. Шундан келиб чиққан ҳолда айтишимиз керакки, бугунги кунда анимацияга қизиқиш бор ва бизда ҳам чет эл стандартларига жавоб бера оладиган мультфильмлар яратилляпти.

Лекин 2014 йилда буюртма асосида («Нўхатполвон») тўлиқ метражи анимацион фильм ишлари бошлангандан кейин студияда катта муаммолар пайдо бўлди. Биринчидан, моддий-техник базанинг йўқлиги, айниқса, керакли мутахассисларнинг етишмаслиги сабаб бу лойиҳа студия ижодкорларининг 3 йиллик вақтини «ўғирлади». Энг яхши ва сара мультфильмлар яратилиши мумкин бўлган давр шундоққина елга учди. Хусусий студиялар эса ҳамма вақт давр талабига қараб юришган, шунинг учун уларнинг техника ва ишчи кучини талабга қараб адаптация қилишлари осон бўлган. ДУКда шу ишлар йўлга кўйилмади, моддий-техник базалар янгиланмади.

— Балки соҳа мутахассислари, малакали аниматор расоси, дизайнер, дастурчилар етишмаётгандир?

— Бу доимий муаммолардан бири. Нафақат малакали мутахассис, балки ўз иштини яхши кўриб, виждонан ишлайдиган кадрлар ҳам керак. Айниқса, қизиқарли фильм олиш учун анимацияни яхши биладиган драматурглар сув ва ҳаводек зарур. Қисқаси, айтиб ўтилган йўналишлар бўйича кадрлар тайёрладиган ўқув марказлари керак.

— Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида мутахассисларни тайёрлаш учун «Санъатда анимациявий ва мультимедиавий лойиҳа-

лаш» факультети бор-ку! Наҳотки, ёшлар орасида савияли кадрлар бўлмаса?

— Бу борада талабаларни ўқитадиган малакали мутахассис ўқитувчиларнинг ўзи кам. Муаммони ҳал қилиш учун, авваламбор, бу соҳани ўргатадиган таниқли аниматор мутахассисларни таклиф қилиш керак. Ўзбекистондан топилмаса, чет элдан таклиф этиш керак. Мутахассисни фақат мутахассис тарбиялай олади.

— Пандемиядан кейин ҳар бир соҳанинг ривожланиши бир муддатга тўхтаб қолди. «Ўзбекмультфильм»нинг кейинги режалари қандай? Эътиборни тортган жиҳат 2020 йилдан эътиборан, барча фильм лойиҳалари фақат тендер асосида кўриб чиқилиши бўлди. Бу қай тартибда ўтади?

— Пандемия давридаям ижодий гуруҳ ишни тўхтатгани йўқ. Айни вақтда масофавий ижодимизни давом эттириб келмоқдамиз. Шу билан бирга келгуси режаларимиз учун бир қанча сценарийлар концепциясини ишлаб чиқдик.

«Мультипликацион фильмлар студияси» ДУК давлат тасарруфида бўлгани учун тендердан мустасноми. Хусусий анимацион студиялар эса тендерда қатнашишлари шарт. Бу ерда яна бир муаммо бор: тендерда исталган компания иштирок этиш ҳуқуқига эга. Чунки бу соҳа лицензиялаштирилмаган. Ана шу жиҳат муаммо туғдиради. Боиси анимацияга мутлақо алоқаси бўлмаган компаниялар арзон нарх таклиф қилиб, ғолиб бўлиши мумкин. Бутун дунёда анимация соҳасининг бюджети катта бўлиб турганда уларнинг камхарж маҳсулоти сифатли чиқишига қандай ишониш мумкин?

Мутахассиснинг фикрларидан кўриниб турибдики, ўзбек анимациясининг муаммолари талайгина. Лекин иш давом этмоқда. 2019-2020 йилда «Миттивой», «Чархпалак-1», «Чархпалак-2», «Пар ёстик», «Довжурок ошпаз», «Филдиракли уй»,

«Қалдирғоч билан майна», «Самарқанд нони» каби анимацион фильмлар яратилган. Аммо уларни кенг жамоатчилик яхши билмайди.

## Яхши, ёш мутахассислар ҳам йўқ эмас

Соҳа ривожини учун меҳнат қилаётган ёш мутахассислар ҳам йўқ эмас. Улардан бири Абдулатиф Ҳайдаров. Бугунги кунга қадар «Авто саргузаштлар», «Сайёҳ», «Кенжа ботир», «Бўйноқ», «Ақлтой саргузаштлари», «Меҳр ва Суҳайл», «Тошбақа» сингари мультфильмларда аниматор, режиссёр бўлиб фаолият юритган.

— Кўпчилик рус ҳамкасбларимизнинг «Маша ва медведь» мультсериалини эътироф этади. Ҳақиқатан ҳам, сифатли ижод намунаси бўлган, — дейди «Astir Animation» студияси раҳбари **Абдулатиф Ҳайдаров**. — Бунинг сабаби ҳам бор. Унинг бир дақиқаси учун 50 минг доллар сарфланган. Аммо бизда-чи? Ер билан осмонча фарқ бор. Хориж компаниялари бир ярим соатлик битта анимацион фильмга 150-200 миллион доллар сарфлайди. Бизнинг ўн дақиқа учун ажратадиган пулимиз бунинг олдида жуда ғариб кўринади. Имкониятларимиз кам. Одамлар танқид қилишдан аввал икки томонни ҳам таҳлил қилишса, фойдадан холи бўлмасди.

Шундай бўлса-да, «Авто саргузаштлар» ва «Сайёҳ» мультфильмларимиз хорижники билан бемалол баҳслаша олади. Динамика, ранглар уйғунлиги маромида.

Кино индустрия ривожланган мамлакатларга назар ташласак, фаолият юритаётган кинокомпаниялар давлат қарамоғида эмас. Эҳтимол, анимацион соҳани ривожлантириш учун тўлиқ хусусийлаштириш зарурдир. Зеро, давлат қарамоғидаги ташкилот ўз-ўзини таъминлайдиган бўлса, балки бу сифатли мультфильмлар яратилиши учун асос бўлар?

**Шерзод МАХМУДОВ,**  
журналист.

Наманганда робототехника ва саноат дизайнерлари тайёрланади.



Нега ўзбек киносига нисбатан халқимиз орасида қизиқиш пасайиб кетди? Кассабоп, бир марта кўришга ҳам арзимайдиган картиналар қаердан пайдо бўляпти? Уларни ким суратга оляпти? Ҳамма айб кино ижодкорларидами? Шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида санъат соҳасида кўп йиллардан буён меҳнат қилиб келаётган, гоҳида жиддий, оғир-босиқ, ҳаёт синовларидан мардона ўтиб келаётган аёл образини гавдалантирган, гоҳида комедик фильмлардаги ижроси билан санъатсеварлар кўнглидан жой олган актриса — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муяссар Бердикуловани суҳбатга чорладик.

## Муяссар БЕРДИҚУЛОВА:

# «САНЪАТ

## дуч келган одам ўзини синаб кўрадиган соҳа эмас!»

### Театр сабоғини олган актёр ижросида сохталик бўлмайди

— Театрга келган вақтимизда катта сахнага чиқиш осон эмасди, — дейди М.Бердикулова. — Ўша пайтлари эпизодда чиқиш ҳам биз учун катта ютуқ эди. Ҳозирги ёшларга эса чиндан-да, катта имкониятлар эшиги очилган. Театрларда асосий роллар ёшларга ҳам ишониб топшириляпти. Бунда, айниқса, Ўзбек Миллий академик драма театрида «устоз-шоғирд» аъъанаси яхши шакллангани кўл келяпти. Бундан унумли фойдаланаётган ва ролдан-ролга маҳоратини ошириб бораётган ёшларимиз кўп.

Умуман, театр сабоғини олган актёр ижросида сохталик бўлмайди. Афсуски, кейинги пайтларда кассабоп киноларнинг кўпайиши билан бирга, касбимизга бўлган муносабат ҳам бироз ўзгаргандек. Бир марталик кинолар туфайли санъатга умуман алоқаси бўлмаган инсонларнинг режиссёрлик

қилиши, роль ижро этиши халқимиз орасида нотўғри қараш шаклланишига сабаб бўлди.

Баъзан кўча-кўйда одамлар: «Қандай қилиб кинода роль ўйнасақ бўлади, ким билан гаплашиш керак?», деб сўраб қолади. Бошқаларни билмадиму бу менга қаттиқ таъсир қилади. Бундай ҳолатни касбимизга нисбатан ҳақорат деб биламан. Ахир, санъат дуч келган одам ўзини синаб кўрадиган соҳа эмас! Соҳанинг бу даражага келиб қолишига на актёрликдан ва на режиссёрликдан хабари бўлган ҳаваскорларнинг кассабоп кинога ўзини уриши сабаб бўлди, назаримда.

### Кассабоп фильмлар ўрнини сериаллар эгалладими?

Енгил-елпи, кассабоп фильмлар нега кўпайди? Бунда ҳар икки томон — кино ижодкорларининг ҳам, томошабинларнинг ҳам бирдек «ҳиссаси» бор. Айрим ҳолларда тасвирга олиш жараёнида 4-5

нафар адашиб келиб қолганларга дуч келади. Ачинарлиси, улар сценарийни ҳам ўқимаган бўлади. Режиссёр уларнинг ҳар бир ҳаракати ва сўзини айтиб туради: «Ҳозир «йўқ», деб доллайсан, кейин йиғлайсан, деворга суняиб хушингдан кетасан» ва ҳоказо. Бу ҳолатда қахрамоннинг руҳий ҳолатини ҳис этиб бўлмайди. Ижрони юракдан ҳис этмасдан, қахрамон руҳиятига кирмай, томошабинни ишонтириш мумкин эмас. Ахир, санъат сохталикни кўтармайди.

Тасвирга олиш майдонида бундай ҳолатни кўриб турган ҳақиқий санъаткорларнинг кайфияти бузилади. Тўғри-да, сиз шунча йил ўқиб, устозлардан санъат сирларини ўргансангизу бирон ишнинг бошини тутмаган, ясама киприк ва тирноғини кўз-кўзлашдан уялмайдиган ҳаваскорлар сиздан кўра ўзини ақллироқ, шу соҳага яқинроқ деб билса... алам қилади.

Нима учун бундай фильмларни кассабоп деймиз?! Чунки айнан шундай «асар»лар намойишига томошабинлар кўпроқ келяпти. Шукрки, бутунга келиб бундай кинолар сони анча камайди. Бирок уларнинг ўрнини худди шу савиядаги сериаллар эгаллади. Умид қиламизки, бундай сериалларнинг тасвирга олиниши ҳам тезда барҳам топади.

Яна бир жиҳат: айрим юртдошларимиз «Имом Термизий», «Абдулла Авлоний», «Берлин – Оккўрғон», «Рангсиз тушлар» ва «Илҳақ» каби ўнлаб яхши киноасарлар суратга олинганидан бехабар. Шу сабаб уларда ҳозир ҳам яхши кинолар олинмаяпти, деган қараш бор. Бирортасини саволга тутиб, юқорида номи айтилган кинолар ҳақида сўрасангиз, телевизор кўришга вақти йўқлигини айтади. Боз устига, ўз ишининг устаси бўлган ижодкорлар томонидан суратга олинган асарлар намо-

йишига камсонли томошабинлар келади. Айтинг-чи, нима учун шу каби жиддий намойишлар кассабоп бўлмаслиги керак?! Бунинг сабаби нимада? Менимча, бу умуммиллат диди билан боғлиқ. Миллат диди эса кўп китоб ўқиш, хориж ва миллий дурдона асарлар намойишини кўпайтириш билан аста-секин тарбияланади.

### Актёр қандай инсон бўлиши керак?

Актёр ҳамма қатори оддий инсон, унинг ҳам шахсий ҳаёти, дўст-биродарлари ва оиласи бор. Демак, у ҳам бошқалар қатори хатолардан холи эмас. Лекин ижодкорни бошқалардан истеъдоди ажратиб туради. Актёр ана шу илоҳий инъомга муносиб бўлиши керак. Маҳаллада ҳам, дўст-биродарлар даврасида ҳам бошқаларга намуна бўла олиши лозим. Битта-иккита кино орқали халққа танилгач, «юлдузлик касалига» чалиниб қолиш ярамайди. Актёрнинг кўзгуси, бу — халқ. У санъаткорни кўкка кўтариши ҳам, назардан четда қолдириши ҳам мумкин. Санъаткорга ҳақиқий баҳони халқимиз берар экан, бунга муносиб бўлиш ҳам керак.

Биласизми, мен учун барибир театр азиз! Мен ана шу даргоҳда ўз йўлимни топдим, санъат сирларини ўргандим. Устозлардан ҳаётий сабоқ олдим. Умуман, ҳар бир актёр театрда чархланади. У бизни доим ўзига мафтун этиб, инсоният учун ибратхона бўлиб қолаверади. Шу сабабли ёш укасингларимизга тезроқ танилиш учун ўзини кинога уришдан аввал театр сабоғини олишни, устозлар ўтган йўл билан танилишни ва ҳақиқий санъатдан баҳра олишни тилайман!

Суҳбатни «MaHalla» мухбири  
Боборовшан ҲОЗИДДИНОВ  
ёзиб олди.

### МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги буюртмасига асосан, истеъдодли режиссёр Аюб Шаҳобиддинов томонидан суратга олинган «Рангсиз тушлар» драмаси XVI Қозон мусулмон кинофильмлари халқаро фестивали ва Ереваннинг «Fresco» маънавий-ахлоқий фильмлар халқаро кинофестивалининг асосий танлов дастурларига киритилди.

Мазкур фильм фестивалда Эрон, Туркия, Россия, Хитой, Канада ва бошқа мамлакатларнинг энг яхши фильмлари билан рақобатлашади. Маъълумот учун, Қозон мусулмон кинофильмлари халқаро фестивали Татаристон пойтахтида 2005 йилдан буён ўтказиб келинмоқда. 2013 йилда «Паризод» фильми ҳам фестивалнинг асосий танловида иштирок этган эди.

«Форрест Гамп» кино картинаси бутун дунёда  
«90-йилларнинг энг оммабоп фильми» дея эълон қилинди.

# МИЛК яллиғланиши САРАТОНГА

## сабаб бўладими?

Кўпчилик тиш юваётган пайтда милкларининг қонашига унча аҳамият бермайди. Ваҳоланки, айнан шу ҳолат туфайли оғиздан ҳид келиши, тишлар бўшаб қолиши ва тушишигача бўлган асоратлар юз беради. Милкларнинг шишиши ва қизариб кетиши пародонтоз касаллигидан далолат беради. Касалликнинг келиб чиқиш сабаблари, клиник белгилари ва олдини олиш тадбирлари ҳақида, афсуски, кўпчиликнинг тушунчаси йўқ. Хўш, у қандай хасталик? Кўпроқ қайси ёшдагилар дучор бўлади? Унинг олдини олиш ва даволаш мумкинми?

### Пародонтоз нимани англатади?

Бу атама юнонча «paraodontos» сўзидан олинган бўлиб, тиш атрофидаги тўқималарнинг сурункали яллиғланиши ва бундан тиш катакчалари емирилиши оқибатида тишларнинг тушиб кетиши билан изоҳланади. Совуқ иқлимдаги, мева-сабзавот турлари кам истеъмол қилинадиган шимолий мамлакатлар аҳолисида пародонтоз нисбатан кўпроқ учрайди.

Континентал иқлим шароитида ҳам оғиз бўшлиғи гигиенасига риоя қилмайдиган, овқатланиш рационини тўғри йўлга қўймаган кишиларда милк касалликлари қайди қилинади. Пародонтоз кўпинча 35 ёшдан кейинги даврда 40-50 фоиз киши чалинадиган милк касаллиги бўлиб, уни тўлиқ даволаш технологиялари ишлаб чиқилган.

### Касаллик қандай келиб чиқади?

Хасталик пародонт томирлари ва нервлари бузилиши ёки касалланиши натижасида тиш атрофидаги тўқималарнинг қон билан етарли таъминланмаслиги оқибатида келиб чиқади. Касалланган тишлар олиб ташландими, бунинг бошқаларига оғирлиги тушади. Овқат чайнаганда милкка зўр келиши, тишда тош йиғилиши, оғиз бўшлиғини талаб даражасида парвариш қилмаслик, лукмани нотўғри тишлаш, сунъий тишларни тўғри ўрнатмаслик, шунингдек, организмда кечадиган умумий касалликлар пародонтозга сабаб бўлиши мумкин.

### Қандай белгилар билан намоеён бўлади?

Касаллик билинар-билинемас бошланади. Милкда ачишиш, қичишиш ва томир уриши сезилади. Сўнтра тиш бўйни очилиб қолади, баъзан милк яллиғланиб шишади, тиш чўтка билан ювилганда ёки қаттиқроқ овқат ейилганда, милк қонайди. Оғиз бўшлиғи шишиб қизариши, бора-бора тишларда тош, нохуш ҳид пайдо бўлишига олиб келади. Унинг ривожланишига тиш ораллиғида овқат қолдиқлари, бактериялар, тери ҳужайралари ва милк ораси очилиб қолиши шарт-шароит яратаяди. Бу қолдиқларнинг барчаси сўлак билан аралашиб, қаттиқ тош ҳосил қилади.

Пародонтознинг кейинги босқичида тишларни ушлаб турган таянч суяк аста-секин емирилиб, даволашга киришилмас, унинг «умри» қисқаради. Натижада овқат чайнаш ва ҳазм қилиш бузилади. Шу тариқа милк қатламнинг сурункали яллиғланишини келтириб чиқарадиган бактериялар учун қулай муҳит пайдо бўлади.

### Асорати қай даражада оғир?

Тиш қатламида яшовчи сон-саножсиз бактериялар организмга салбий таъсир кўрсатиб, қонни



### ХАЛҚ ТАБОБАТИДАН БИР ШИНГИЛ:

2 ош қошиқ эман пўстлоғи 1 стакан қайноқ сувга солинади. 20-30 дақиқа тиндириб қўйилди ва доқадан ўтказилган дамлама

билан ҳар куни 2-3 маҳал оғиз бўшлиғини чайиш сурункали милк касалликларида энг самарали муолажадир.

### МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Хельсинки университети олимлари пародонтиг саратонга сабаб бўлишини аниқлашди.

Мутахассислар ўн йил давомида 68 ёшдан катта бўлган респондентлар орасида тадқиқот ўтказишди. Уларнинг барчаси турли оғиз касалликларига учраган эди. Натижада олимлар кузатувда бўлганларнинг 14,45 фоизиди ва милк касаллигига чалинган 11,36 фоиз одамларда саратон касаллиги мавжудлигини аниқлашди.

Шунингдек, олимларнинг таъкидлашича, милк касаллиги (пародонтиг) тиш атрофидаги тўқималарга ҳам таъсир қилади. Тегишли даво амалга оширилмаса, кейинчалик бу эътиборсизлик тишнинг тушишига сабаб бўлади. Бироқ мазкур касалликнинг энг хавфли томони саратонни келтириб чиқаришидир.

қуюлтиради. Бу миокард инфаркти, инсульт, артериал гипертензия каби хавфли касалликлар хавфини оширади. Милкнинг зарарланиши ҳомиладорликда турли зўриқишларга сабаб бўлиши аниқланган. Касалликнинг олди олинмас, бошқа бир номдаги хасталик – гингивитнинг бошланиши учун айна мудардир. Милкдан йиринг (пиорей) ажралади, тишларнинг илдизи яққол очилиб, тўқилишга тайёр туради. Кўринишидан соғлом бошқа тишларда ҳам айнан шу жараён такрорланади.



Муаттар АЛИЕВА,  
тиббиёт фанлари  
номзоди, олий тоифали  
стоматолог.



### Олдини олиш мумкинми?

Тиш оғриқлари шундайки, йиллар мобайнида бунга «қозирлик» кўрилади. Касаллик зўрайиб, авж нўқтасига етган паллада бемор шифокорга мурожаат қилади. Ваҳоланки, бу вақтда гишт қолигдан қўчгани боис касалликни даволаш қийинлашади. Агар стоматолог ёрдамига зарурат туғилмаса ҳам унинг кўригидан йилга ҳеч бўлмаса бир мартаба ўтиб турилса, ҳеч ким тиш касалликларига йўлиқмас эди.

Тўғри, пародонтоз билан оғиз бўшлиғи касалланган бемор учун самарали дори-дармон хиллари кўп. Аммо даволашдан қўра, бунга дучор бўлмаслик чора-тадбирларини кўриш афзалдир. Жумладан, тиш тошлари ва биоглётка қалин бўлиб кетмаслиги учун оғиз бўшлиғини нархи анча қimmat бўлса-да, «Лакалют» ва «Элгидиум» каби тиш пасталари билан тозалаш туриш тавсия этилади.

Даволаб бўлмайдиган тишлар олиб ташландими, милк «қочиши»га йўл қўймасдан, унинг ўрнига турли композитдаги сунъий тишларни ўрнатиш мақсадга мувофиқдир. Қандли диабет касаллиги бўлган беморлар бир йилда 3-4 мартаба стоматолог кўригидан ўтиб турмаса, қисқа вақт ичида 60-70 фоиз тишларини йўқотиб қўйиши мумкин.

Овқатланиш рационига эътибор бермай туриб, нафақат пародонтоз, балки бошқа тиш касалликлари ҳам зўрайиб кетишини унутмаслик керак. Таркибида С, А, В витаминлари бўлган қаттиқ мева-сабзавот турлари – қизил булғор қалампир, бодринг, сабзи, саримсоқтиёз, олма, турп, редиска, қорағат (смо-родина) таомномадан ўрин олса, муаммога ўрин қолмайди.

Коронавирусга қарши уй шароитида даволанаётган беморларга тиббий ёрдам кўрсатишга ихтисослашган мобил ғуруҳлар ташкил этилади.



— Баъзан шунчаки одатдаги ишлар билан шуғулланганда, чўмилганда ёки совқотганда оёқ томирларим тортишиб қолади. Ушбу ноқулайлик тўсатдан пайдо бўлади. Айрим ҳолларда оғриқ шунчалик кескин бўладики, худди мушаклар зўриқишидан ёрилиб кетадигандек туюлади. Айтинг-чи, бу қандай касаллик? Кутилмаганда томир тортишиб қолса, нима қилиш керак? У бирор касаллик аломатими?

Нодирбек СОЛИЕВ.  
Қашқадарё вилояти.



## Томир тортиши

# ИНСУЛЬТГА олиб келадими?



**Зухра НОРХҲУЖАЕВА,**  
олий тоифали шифокор:

— Тиббиётда мушаклар тонусининг ошиши оёқ тортишиши дейилади. Бу нохуш ҳолат беихтиёр юз беради ва 10-15 сония давом этади. Маълумотларга қўра, ер юзи аҳолисининг 80 фоизи оёқ томир тортишишининг у ёки бу туридан қийналади. Бу ҳолат мутлақо соғлом инсонларда ҳам кузатилади. Ушбу тасодифий оғриқлар мушаклар зўриқиши билан боғлиқ бўлиб, организмда минералларнинг, биринчи навбатда, калий, кальций, магний ҳамда бир қатор витаминлар етишмаслигидан бўлиши мумкин.

Мутахассислар томир тортишишини асаб зўриқиши, камҳаракатлилик, мунтазам ўтириб ишлаш, узоқ муддат тик оёқда туриш ёки сувда сузиш, организмнинг сувсизланиши ва турли хил касалликлар билан ҳам боғлашади.

### Инсулт ёки инфарктни келиб чиқариши мумкин... (ми?)

Томир тортишиши, асосан, 40-50 ёшдаги инсонларда кўпроқ кузатилади. Улар танасидаги холестерин миқдорини тез-тез текширтириб туриши керак. Чунки қон томирлари деворида холестерин моддасининг кўпайиб кетиши оқибатида қон юриши бирмунча қийинлашади. Шундан кейин тез-тез қўл ва оёқ увушиши кузатилади. Агар вақтида олди олинмаса, инсулт ёки инфаркт келиб чиқиши мумкин. Ёшларда бу ҳолат, асосан, танада қон яхши

айланмаслиги сабабли юзага келади. Турли жисмоний машқлар ёрдамида бу муаммони ҳал қилиш мумкин.

Томир тортишишининг икки хил кўриниши фарқланади. Биринчиси, кескин ва қисқа фурсат давом этиб, тиббиётда клоник томир тортишиши дейилади. Иккинчиси эса бунинг акси, безовталиқ дабдурустдан бошланса-да, спазм бир неча дақиқаларга чўзилиши мумкин. Шифокорлар бу ҳолатни томир тортишишининг тоник тури, дея таснифлайдилар.

Ҳар иккала ҳолатнинг келиб чиқиши инфекцион касалликлар, маҳсулотлар(дори воситалари)дан заҳарланиш, бош мия жароҳатлари, невроз, моддалар алмашинувининг бузилиши, юрак ва қон хасталиқларига боғлиқ.

### Инфекцияларнинг ҳам таъсири борми?

Аҳамият берган бўлсангиз, тана ҳарорати кўтарилганда оёқ-қўлларда энгил титроқ юзага келади. Термометр кўрсаткичлари +39...+40 С даражага етганида эса оёқ ва қўл томирларида тортишиш келиб чиқиши мумкин. Бунга касаллик қўзғатувчи микробларнинг «қўли баланд» келгани сабаб ҳисобланади. Негаки, иситма туширувчи препарат қабул қилинганда, мушаклар аста бўшашади.

Шунингдек, инсон бирор воқеа-ҳодисадан қаттиқ таъсирланса, қонда адреналин миқдорининг ортиши нафас олиш маромининг тезлашишига олиб келади. Организмга кислород келиб тушиши ўзгарганда, карбонат ангидрид даражаси ҳам пасаяди ва оёқ томирида спазм келиб чиқади. Қолаверса, оёқ тортишиши баъзи сурунчалик касалликлар белгиси ҳам бўлиши мумкин. Тиббиёт амалиётида кузатилишича, баъзи бир қон томир касалликлари, умуртқа поғонаси бўғимларида туз йиғилганда, асаб



### ФЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Салқин ҳавода оёқ томирлари тортишса, қалинроқ пайпоқ кийинг ёки оёқ учун иссиқ ванна қабул қилинг.

Агар одам ўтириганда, юрганда томири тортишиб қолса, бир қўл билан оёқ панжасини ёзиб, болдир мушакларини аста-секин пастга томон силлаш тавсия этилади. Агар оёқ оғриб, увишиб томир тортишиши доим такрорланаверса, қон томирлар ва асаб касалликлари шифокорларига мурожаат қилиш лозим.

Куннинг иссиқ пайтларида оёқ болдирига ва панжага вақти-вақти билан парафин, озокерит, балчик қўйиш фойда беради. Тунда оёқ ва товон мушаклари тортишмаслиги учун бир ҳафта давомида овқатланишдан олдин кунига 3 маҳал икки чой қошиқдан асал истеъмол қилинг.

### Томир тортиш профилактикаси

- Жисмоний фаоллик даражасини нормага келтириш;
  - Организмнинг сув баланси меъёрида бўлишига аҳамият қаратиш;
  - Витаминлар етишмаслигини йўқотиш;
- Оёқ мускулларини тез-тез уқалаб туриш;
- Маълум қулай шартда ухлаш.

тизими, таянч-ҳаракат муаммолари ва шунга ўхшаш хасталиқларда томир тортишиши кузатилади.

Этибор бериш керакки, барча мушакларнинг бирдан қисқариши ниҳоятда хавфли ҳолатдир! Бунда танадаги барча мушаклар бир вақтнинг ўзида тортишиб, ҳушидан кетиш ҳолатини келтириб чиқаради. Ўз вақтида биринчи ёрдам кўрсатилмаса, оқибати фожиами яқун топиши ҳам мумкин.

### Қандай даволаш мумкин?

Баъзилар оёқ томирида спазм юзага келётганини олдиндан ҳис эта билишади. Сиз ҳам улар сафида бўлсангиз, оғриқ кўзга келётганини сезган заҳотингиз оёқ мушакларини бўшаширингиз. Шунда ҳам томир тортишиши келиб чикса, ўтирган ҳолатда оёқ учини ўзингизга қаратиб, 2-3 дақиқа ушлаб туринг. Безовталиқ ўтиб кетмадими? Ўрнингиздан туринг-да, аста ҳаракатланинг. Иложи бўлса, оёқяланг, пол устида юринг.

Аввалга терапевт-шифокор кўригидан ўтинг. Шикоятларингиздан келиб чиқиб, эндокринолог, кардиолог, нефролог ва невролог мутахассислар кўриги тавсия этилади. Безовталиқ сабаби соматик патологиялар билан боғлиқ бўлса, тўғри танланган даво чоралари тез фурсатда муаммодан фориғ этади. Мабодо томир тортишиши жиддий хасталиқлар белгиси сифатида аниқланса, ташхисдан келиб чиққан ҳолда муолажа қилинади.



Ўзбекистон коронавируста чалинган беморлар учун яна 15 та янги реанимобиль харид қилди.

# АЗАДОР ОИЛАГА

## ҳамдардлик билдириш — фарздир

Динимизда инсон вужуди мукаррам саналади. Унинг жавҳари бўлмиш руҳи улуғлиниши лозим бўлганидек, танаси эъозланиши ҳам вожибдир. Исломда киши танаси қадрлигининг асосий намуналаридан бири сифатида у вафот этиши муносабати билан бажариладиган амалларни айтиш кифоя. Жон таслим қилиб, тана ўлик ҳолга тушганидан кейин ҳам ислом шариати бўйича жонсиз жисм ўзига яраша ҳуқуқ ва ҳурматга эга ҳисобланади.


Уни тириклигидагидек поклаб, кўпроқ эҳтиром кўрсатиш буюрилган. Мусулмон киши вафот этаркан, унинг жонсиз танасини ювиб, поклаш, ўзининг асли бўлмиш тупроққа дафн этиш барча мусулмонлар зиммасидаги фарз амалдир.

### «Дуоларда етук таъсир бор...»

Марҳум ёки марҳума қайсидир оилада истиқомат қилиб, ўзининг ўлчаб берилган умрини яшаб ўтган. Энди унинг ёрқин сиймоси, сузлари, хатти-ҳаракатлари фақат хотира бўлиб қолди. Табиийки, мусибатта дуч келган оила аъзоларининг кўнглига қил ҳам сиғмайди. Бундай кезде уларга ҳамдардлик билдириш, Аллоҳ таолодан етган жудодлик учун сабр тилаш мўминликка хос сифатдир.

Банда вафот этса, уни сўнгги манзилга кузатиш маросими — жаноза намозиди, албатта, унга бағишлаб Қуръон тиловат қилинади. Имом хатиб ёки дин илмидан хабардор шахс жаноза намозини ўқир экан, марҳум(а)нинг инсоний сифатларини кўрсатиб ўтади. У дунёга кетган инсонни Қуръон тиловати билан эслаш ва йўқлаб туриш, унинг хайрли амалларини ёдга олиш, хатоларидан ибрат олиб, такорлашмасликка ҳаракат қилиш мусулмонликнинг эътирофга арзийдиган таомилидир. Расулulloҳ (с.а.в.): «**Ўлганларнинг эзининг яҳши хислатларини эсланглар, уларнинг ёмонликларини гапиришдан тилингизни тийинг!**», деб марҳамат қилганлар (Термизий ва Абу Довуд ривояти).

Дунёдан ўтиб кетганларни йўқлаб туришнинг бирдан-бир воситаси — уларнинг ҳақиқига



Муҳаммадий ЭРҒАШЕВ,  
Тошкент шаҳридаги Аҳмад-  
маджон қори жоме масжиди  
имом-хатиби.

### МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Абу Ҳафс Насафийнинг «Ал-Ақоид ан-Насафия» асариди: «**Тирикларнинг ўликлар учун қилган дуо учун садақаларида улар учун фойда бордир. Аллоҳ таоло дуоларни ижобат қилади ва ҳо-жатларни раво қилади**», дейилади.

Қуръон тиловат қилиб, руҳларига бағишлашдир. Аҳли суннат ва жамоат таълимоти шуки, ўтганлар руҳига бағишланган тиловат ва хайр-садақа уларга фойда беради ва савоби марҳум(а)га етиб боради. Таниқли ханафий олими Сирожиддин Ўшйининг «Бадъ ул-амолий» номли мотуридийлик ақидасига бағишланган қасида-сида бундай дейилган: «**Дуоларда етук таъсир бор, уни залолатдаги одамларгина инкор қиладилар**».

### Таъзия билдириш — мустаҳаб амал

Дарҳақиқат, мусибатзадаларга таъзия билдириш, марҳум ёки марҳума ҳақида илиқ хотирани ёдга олиш мустаҳаб амаллардандир. Абдуллоҳ (р.а.)дан ривоят қилинади: «**Ким мусибатдаги одамга таъзия изҳор қилса, унга ўша мусибатзадага берилган ажра ажр берилади**», дедилар (Термизий, Ибн Можа ва Ҳоким ривояти).

Мусибатзадаларнинг каттаю кичигига, эрқагу аёлига таъзия билдирилиши жоиз, лекин аёлига маҳрамларигина таъзия билдиришлари фитнадан холироқдир. Аза муддати уч кун эканига Умму Ҳабиба (р.а.) Расулulloҳ (с.а.в.)дан ривоят қилинган ҳадисни далил қилиб келтирадилар: «**Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган аёл учун май(й)итга уч кундан ортиқ аза тутишлиги ҳалол бўлмайди. Лекин эрга тўрт ойу ўн кун»** (Бухорий ривояти).

Уч кундан ортиғи макруҳ саналади. Аммо мусибат етганлардан кимдир ёки таъзия билдирувчи ўша кунлари бўлмасдан, кейин етиб келса, унга уч кундан кейин таъзия билдириш ёки аза тутиш макруҳ эмас.

### Нима савоб, нима бидъат?

Мусибат етган хонадонда май(й)итни салбий сифатлари билан эсламаслик, овозни баланд кўтармаслик, уввос солиб йиғламаслик буюрилган. Аммо овоз кўтариб, жазавога тушиб, яъни сочларини юлиб, кўкрагига уриб, май(й)итнинг ижобий хислатларини айтиб, «суянган тоғим эди», «устуним эди», «сизсиз қандай яшайман?» деб йиғлаш ҳаром ҳисобланади. Бу эса ҳамдардлик билдириш учун келган кишиларнинг ҳам таъбини хира қилади.

Жобир (р.а.)дан ривоят қилинади: «**Расулulloҳ (с.а.в.): «Эй Иброҳим, биз сендан Аллоҳдан келадиган бирор нарсани қайтара олмаймиз**», дедилар. Сўнгра

кўзларидан ёш окди. Шунда Абдурахмон ибн Авф: «Йиғлаясизми? Бизларни ўзингиз йиғлашдан қайтармадингизми?», деди. У зот: «Йўқ! Лекин мен уввос солиб йиғлашдан қайтарганман», дедилар (Термизий ривояти).

Аллоҳ таолодан ёрдам сўраб, сабр тилаш, сабрлиларга бериладиган ажрни умид қилиш мусибатзадалар учун лозим иш ҳисобланади. Бу ҳақда Аллоҳ таоло ўзининг бандаларига дастуриламал қилиб юборган муқаддас Қуръони карим китобида шундай дейди: «**Уларга мусибат етганда: «Албатта, биз Аллоҳнинг мулкимиз ва албатта, биз Унинг сари қайтувчилармиз»**, дейдилар. Айнан ўшаларга Парвардигори томонидан саловот (мағфират) ва раҳмат бордир ва айнан улар ҳидоят топувчилардир» («Бақара» сураси, 156-157-оятлар).

Мусибат етган оилага қариндош-уруғлари, яқинлари ва кўни-қўшнилари таом тайёрлаб чиқариб туриши суннатдир. Чунки қутилган-қутилмаган ўлим туй-файли улар бу масалага эътибор бера олмайдилар. Бошқаларнинг эътибори, раҳм-шафқат кўрсатиши, вафот этган киши ҳақида илиқ муносабат билдириши мусибат етган хонадон аҳлига тасалли беради, кўнгилларини кўтаради. Абдуллоҳ ибн Жаъфар (р.а.)дан ривоят қилинади: «**Жаъфарнинг ўлими хабари келганда Пайғамбар (с.а.в.): «Жаъфарнинг аҳлига таом қилиб беринглар. Уларни машғул қиладиган нарса келиб қолди»**, дедилар» (Термизий ва Абу Довуд ривояти).

Марҳум ёки марҳуманинг яқинлари бошқаларга «қирқи», «йили» муносабати билан таом тайёрлаб, худойи қилишлари эса асли собит бўлмаган бидъат ва макруҳ ишлардандир. Бу амал уларнинг ташвишлари устига ташвиш қўшиб, зарур бўлмаган харажатлар учун азият чекишга мажбур қилади.

Ўзбекистонга биринчи марта «Монбельярд» зотли сигирлар олиб келинди.

# ТУРКИЯ — ГРЕЦИЯ:

## тарихий адоват яна қўзғалдимми?

Куруқликдаги чегаралар, мигрантлар ва қочоқлар муаммоси, Эгей денгизи акваториясидаги баҳслар, континентал шельф тўғрисидаги масала, денгиз чегараларини аниқлаш, диний адоватлар, қолаверса, Кипр мақоми — турк-грек муносабатларидаги энг муҳим муаммолардир.

Аслида турк-грек муносабатларидаги кескинлик кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. Бунга бир неча асрлик диний адоватлар ҳам сабаб бўлган. Айниқса, Усмонийларнинг православлар оламининг маркази бўлмиш Константинополь, ҳозирги Истанбулни забт этиши барча муаммоларнинг «онаси» дир. Истанбулда Муқаддас София собори ёки «Айя София» деб аталувчи ибодатхона бор. Туркия ҳукумати кейинги пайтларда, айниқса, АҚШ президенти Дональд Трамп Куддусни Исроилнинг пойтахти деб тан олишига жавобан уни масжидга айлантиришни мақсад қилган. Греция ва бошқа насроний давлатлар эса унинг, ҳеч бўлмаса, туристик ёки маданий марказ сифатида сақлаб қолинишини истайди.

### Қарс икки қўлдан чиқади

Туркия президенти Режеб Тоййиб Эрдоган давлат телевидениесига берган интервьюсида Грециянинг Истанбулдаги «Айя София» музейи борасидаги эътирозларига жавоб қайтарди: «Бир қарасанг, «Айя София»ни масжидга айлантирманглар, дейишадди. Туркияни сизлар бошқаряпсизларми ёки бизми? Туркиянинг ўз ташкилотлари бор, бундай қадам ташланмайдиган бўлса, бу кимнинг ваколатига кириши аниқ. Парламент бор, Давлат Кенгаши бор, ана ўшалар қарор қабул қилади. Бунинг учун сизлардан асло рухсат сўрамайди».

Таъкидлаш керакки, 29 май куни Истанбул фатҳининг 567 йиллиги муносабати билан «Айя София»да Курьоннинг «Фатҳ» сураси ўқилган эди. Греция ташқи ишлар вазирлиги баёнот тарқатиб, буни танқид қилди. Баёнотда айтилишича, «Айя София»даги тиловат бутун дунёдаги насронийларнинг диний ҳисларига зиддир. Шунингдек, Греция «Айя София»да Курьон ўқилишини обиданинг характерини ўзгартиришга уриш деб баҳолади.

Туркларнинг эътирози ва хатти-ҳаракатларини ҳам тушуниш мум-

кин. Греция ҳукумати Усмонийлар даврида барпо этилган меъморчилик ёдгорликларидан бошқа мақсадларда фойдаланаётгани ҳақида хабарлар бор. Хусусан, Греция мустақиллика эришгандан кейин Усмонийлар даврида қурилган бинолар ҳарбий турма, кинотеатр, ҳокимлик биноси ва омбухоналарга айлантирилган. Бундан ташқари, ўнлаб масжидлар ёпилган, баъзилари черков сифатида қайтадан очилган.

### Вазият оғирлигича қолмоқда

Бугун дунёни коронавирус пандемияси қамраб олган ва унинг оқибатларига қарши кураш кетаётган бир кезде Греция ва Туркия ўртасидаги низолар Жанубий Европада низо ўчоғини, НАТОнинг бу икки давлати ўртасида ҳарбий тўқнашувларни келтириб чиқариши эҳтимолини ошириб юборди. Агар шу ҳодиса юз берса, бу Шимолий Атлантика блокнинг емирилиши босқичини бошлаб беради. Альянсдаги иттифоқчилар истайдими ёки йўқ, Греция тарафини эгаллайди. Чунки шундоқ ҳам Туркиянинг Европа Иттифоқига қўшилишига тиш-тирноғи билан қаршилиқ қилаётган «қўҳна қитъа» давлатлари Туркиянинг Сурия, Ироқ ва Ливия ишларига арадашувидан ҳамда дунёдаги таъсири ва салоҳияти оғир боришидан хавотирда. Иккинчидан, Ўрта ер денгизи ва Эгей денгизи чегараларини тақсимлашда Европа давлатларининг Афина томонида тургани ҳам буни яққол намоён этади.

Муаммо чигаллаша бошлаганига ҳали бир йил тўлгунча йўқ. Идлибда вазият кескинлашгани ва халқаро ҳамжамият расмий Анкарани инсон ҳуқуқларини бузаришида айблайвергани сабабли 28 февралда Туркия мигрантлар ва қочқинлар оқимини тўхтатиб тура олмаслигини билдирди ва Европа Иттифоқи билан чегарасини очиб юборди. Шундан сўнг юз мингдан ортқ қочқинлар Греция ҳудудига ўтди. Греция бош вазири Туркия-

ни мигрантлар контрабандачиси деб атади. Марица (Эврос) дарёси кўпригининг чегара ўтиш пунктда мухожирлар ва грек полицияси ўртасида тўқнашув содир бўлди.

Грецияда пандемияга қарши курашиш учун илк босқичлардаёқ комендантлик соатининг жорий этилиши ўзининг самарадорлигини кўрсатди. Бироқ мамлакат иқтисодиёти кучли талафот кўрди. Барқарор вазият изига тушиб олиши осон бўлмапти. Натижада грек ҳукумати Туркия билан муаммоли муносабатларида шундоқ ҳам оғир бўлиб турган мавзуларни кўтаришга қарор қилди. Куруқликдаги чегараларда вазият ўта мўрт, денгизда эса янада нозик.

Преклар ҳарбий тўқнашув келиб чиқишидан хавотирда, негаки, Туркия ўз эътирозларини янада фаол илгари сурмоқда. Охириги эътироз шундан иборатки, Ўрта Ер денгизидеги бир неча оролар, жумладан, ғарбда Родос ва Крит, шарқда Кипр ороли ўртасидаги макон Туркиянинг континентал шельфининг бир қисми ҳисобланади, бу эса Анқаранинг бу минтақада разведка ишларини олиб бориш ҳамда нефть ва газ қазиб чиқариш билан шуғулланиши мумкинлигини англайди. Мазкур эътироз асосида грек ороллари ўзининг континентал шельфига эга эмас — фақат худудий сувлар ва б денгиз мили мавжуд, холос, деган ақида ётади. Бироқ бу тўлалигича Греция позициясига зид, расмий Афина оролар қуруқлик шельфига эга деб ҳисоблайди.

### Сиёсий низо ҳарбий йўл билан ҳал қилинадими?

Греция бош вазири Кириаос Мицотакис Европа комиссияси президенти Урсула фон дер Ляйен ва Европа Кенгаши раиси Шарль Мишелга мактуб йўллаб, мабодо Туркия айби билан вазият кескинлашса, балки Туркия ва Европа Иттифоқи ўртасидаги тангликка олиб келиши мумкинлигини таъкидлади. Греция муаммога Европа Иттифоқининг ўзини жалб қилиш билан чекланаётгани йўқ, АҚШ ва Исроил билан ҳам музокаралар ўтказилди. 16 июнь куни Греция

бош вазири Ўрта Ер денгизидеги вазият ҳақида Исроил бош вазирига сўзлаб берди. Унинг ортидан Кипр президенти ҳам Исроилда бўлди. Демакки, расмий Афина Туркия билан можаросига Исроилни ҳам аралаштирмоқчи.

Катта ўйинга Вашингтон ҳам ўз позицияси билан қўшилди. Қўшма Штатлар Туркиянинг Греция билан алоқалари издан чиқишидан хавотирланиб, Туркияни Ўрта Ер денгизидеги баҳсли сувларда бурғулаш ишларини тўхтатишга ундамоқда. Вашингтон шу пайтгача Туркия ва Греция орасидаги низога оид бундай жиддий оғоҳлантириш билан чиқмаган эди.

Греция Туркия билан сиёсий низоини ҳарбий йўл билан ҳал қилишга тайёр. Бу ҳақда Греция мудофаа вазири Никос Панайотопулос маълум қилди. Аввалроқ истеъфодаги вице-адмирал Дякопулос ҳам Греция Туркия билан муносабатлар кескинлашиши ортидан вазиятнинг ҳар қандай кўринишдаги ривожига тайёрланаётганини айтганди.

\*\*\*

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бундан кейин Ўрта Ер денгизи атрофидаги ўйинлар қизиқ боради. Кунин кеча Миср ўз чегараларидаги вазият барқарорлигини сақлаш мақсадида Ливияга қўшин киритиши мумкинлигини баён қилди. Туркидан-турки айтилмаган бўлса-да, Жужфра ва Сиртта Ливия миллий бирлик ҳукумати қўшинлари яқинлашса, урушга Миср Халифа Хафтар томонида туриб қўшилиди. Мисрнинг қарорини БАА, Россия, Исроил, Греция, Кипр ва бошқа давлатлар ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши мумкин.

Воқеаларга реал кўз билан қаралса, Туркия борган сари сиқувга олинапти. Ҳозир Туркия қуроли қучлари Сурия ва Ироқ худудида қурдларга қарши ҳарбий амалиёт олиб борапти. Қурдларни араб давлатлари ва ҳатто Исроил қўлламоқда. Мабодо Греция ва Туркия ўртасида низо келиб чиқса, бу жудаям хунук оқибатларга олиб келади. Чунки бундай низога Ўрта Ер денгизи қирғоғидаги барча давлатларнинг аралашуви эҳтимоли юзага келади.

Абдували САЙБНАЗАРОВ,  
сиёсий шарҳловчи.

Шимолий Корея АҚШ билан музокара олиб боришдан бош тортди.

# Ўзбекистон Осиё кубогини қабул қилишга қанчалик тайёр?

Яқинда Осиё футбол конфедерацияси 2027 йилги Осиё кубоги мусобақасига мезбонлик қилиш учун таклиф юборган беш аъзо ассоциация номини расман тасдиқлади. Қитъа биринчилигини қабул қилиш учун Хиндистон, Эрон, Қатар, Саудия Арабистони ҳамда Ўзбекистон даъвогарлик қилмоқда. XIX Осиё кубогининг расмий мезбони 2021 йилда эълон қилиниши режалаштирилган.

Таъкидлаш керакки, ОФК томонидан мусобақани қабул қилувчи давлатларга бир қатор талаблар қўйилади. Жумладан, халқаро аэропортдан 200 километр оралиқда жойлашган камида 2 та шаҳар ва 8 та стадион бўлиши керак. Ҳар бир стадионнинг минимал сигими гуруҳ босқичи баҳслари (очишти ўйинидан ташқари), нимчорак (1/8) ва чорак (1/4) финал ўйинлари учун 20 мингдан кам бўлмаслиги шарт. Ярим финал ўйинлари учун 40 минг кишини ўз бағрига сиғдира оладиган, очишти ва финал учрашувлари учун эса 50 минг кишилик стадионлар керак бўлади. Майдонлардаги ёритиш тизими 2,5 минг люксдан кам бўлмаслиги лозим. Шу билан бирга, мезбон мамлакатда камида 30 та беш юлдузли меҳмонхоналар фаолият юритиши керак.

Қайд этиш керакки, бундай йирик турнирларни ташкил этиш учун хоҳишнинг ўзи етарли эмас. Бунинг учун катта тайёргарлик жараёнини босиб ўтиш лозим. Хўш, биздаги вазият қандай? Ўзбекистон қитъа биринчилигини қабул қилишга қанчалик тайёр? Футбол инфратузилмасининг бугунги ҳолати талабга жавоб берадими?

## Футбол майдонлари талаб даражасидами?

Албатта, йирик футбол турнирини ўтказиш ҳақида сўз кетса, барча мухлисларнинг кўз олдига биринчи бўлиб учрашувлар ўтказиладиган стадионлар келади. Майдонлар сифати, журналистлар ва ишқибозларга хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа жиҳатлар борасида энг камида барчаси яхши савияда ташкил этилиши керак. Хўш, биздаги ҳозирги вазият қандай?

— Айни пайтда Суперлига жамоалари орасида «Навбахор», «Насаф», «Пахтакор», «Локомотив», «Қизилқум» клубларининг стадиони бошқаларникидан ажралиб туради. — дейди Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси (ЎзПФЛ) бош директори в.б. Дийёр Имомхўжаев. — Бу жамоалар майдонларини парвариш қилиш учун яхшигина чиқим қилади. Аммо, афсуски, бизда майдонлар учун маблағ

ажрамайдиغانлар ҳам етарлича. Легионерлар ёки бошқа харажатлар учун миллиардлар топилгани мумкин, бироқ майдон ҳолатини ушлаб турадиган техникалар сотиб олинмаган, майсалар учун витаминлар деярли берилмайди.

Яхши майдон катта харажат талаб қилади, албатта. Бугунга келиб Суперлига ва Про-лига майдонлари анча яхшиланган. Энди биз тезроқ иккинчи босқичга — ўша майдонлар учун чиқимлар қиладиган даврга етиб келишимиз керак. Ўйингоҳлар майдонини асраб, машғулотлар учун бошқа майдонлар барпо этишимиз шарт.

## Сифатли машғулот майдонлари етарлими?

Йирик мусобақалар жараёнида машғулот майдонлари масаласи ҳам энг катта муаммога айланиши мумкин. Сўнги йилларда кўпгина янги стадионлар қурилди, мавжудлари реконструкция қилинди. Демак, энди масаланинг навбатдаги босқичига — машғулот майдонлари масаласига эътибор қаратиш лозим бўлади. ФИФА тавсиясига кўра, бундай турнирларда имкон қадар ҳар бир жамоага биттадан майдон ажратилиши керак. Истисно тарикасида, баъзан икки терма жамоага битта майдон ажратилиши мумкин.

Демак, Осиё кубогига 24 та терма жамоа иштирок этишини ҳисобга олсак, бизга энг камида 12 та аъло сифатли машғулот майдони зарур. Тан олиш керак, айни пайтда айрим клубларимизнинг машғулот майдонлари ўртача савияга ҳам жавоб беришмайди. Агар Суперлигадаги ҳар бир жамоа ҳеч бўлмаса, биттадан юқори сифатли машғулот майдонини қуриб битирса, камчилик ўз-ўзидан ҳал этилади.

## Нечта стадионнинг ёритиш тизими талабга жавоб беради?

Катта турнирлар учун ёритиш тизимининг меъёрда бўлиши, стадион атрофида машиналар учун алоҳида ҳудудлар ажратилиши зарур. Таққослаш учун, бизда энг яхши стадионнинг ёритиш даражаси 1900 люксни ташкил этади. Паркинг борасида эса

муаммолар етарлича. Футбол мухлислар учун ўйналар экан, демак, энг аввало, ишқибозларга қулайлик яратиш берилиши зарур.

— Қоидага кўра, юртимиздаги стадионларнинг минимал талаб қилинган горизонтал ёруғлик даражаси камида 1200 люкс бўлган ёритиш тизими билан жиҳозланган бўлиши лозим, — дейди ЎзПФЛ клубларни лицензиялаш ва ривожлантириш бўлими бошлиғи Зоҳиржон Акрамхоннов. — Ҳозирда ёруғлик даражаси энг баланд ёритиш тизимига эга стадион «Бунёдкор» ўйингоҳи бўлиб турибди. Унинг ёруғлик даражаси ўртача 1900 люксни ташкил этмоқда. Шунингдек, «Қизилқум» (1700 люкс), «Бухоро» (1600 люкс), «Насаф» (1500 люкс), «Навбахор» (1500 люкс), «Сўғдиёна» (1500 люкс), «Пахтакор» (1400 люкс) жамоалари стадионларида ҳам ёруғлик даражаси талаб даражасида. Бироқ Муборакдаги «Баҳром Вафоев» (200 люкс), Андижондаги «Соғлом авлод» (200 люкс), Термиздаги «Сурхон» (100 люкс), Қўқондаги «Марказий» (100 люкс) ўйингоҳларининг ёритиш тизими талаб даражасидан анча паст.

Айтиш керакки, Осиё футбол конфедерацияси 2021 йилдан бошлаб қитъа миқёсида ташкил этиладиган мусобақалар ўтадиган стадионларда ёритиш тизимини янги босқичга олиб чиқиш борасида иш олиб бормоқда. Хусусан, эндиликда Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ босқичи ўйинларини қабул қиладиган стадионларда ёруғлик даражаси 1800 люксдан кам бўлмаслиги талаб этилади. Шу боис халқаро мусобақаларда қатнашишни ўз олдига мақсад қилган клубларимиз стадион ёритиш тизимини янада яхшилаш бўйича иш олиб боришлари лозим. Шунингдек, келаси мавсумдан эътиборан, ёруғлик даражаси 1200 люксдан кам бўлган стадионларда Суперлига учрашувларини ўтказишга ҳам рухсат берилмайди.

## Инфратузилма ривожланган бўлиши керак

Яна бир муҳим жиҳат — меҳмонхоналар. Тан олиш керак,

юртимизда беш юлдузли меҳмонхоналар сони учта кўп эмас. Бугун бошда йирик мусобақа учун ўйинлар ўтказиладиган ҳудудларда камида 5-6 тадан яхши ва ўрта даражадаги отелларни ишга тушириш зарур бўлади.

Аэропорт масаласида эса ҳарқалай кўнғил хотиржам. Чунки Тошкентга келиш ва вилоятларга учиб борасида қийинчилик йўқ. Ҳар йили янги йўналишлар бўйича рейслар очилмоқда ва аэропортлар замонавийлаштириляпти. Агар терминаллар сони янада кўпайтирилса, чет эллик меҳмонларни қабул қилишда қийинчиликка дуч келинмайди.

Иштирокчилар ва мухлислар босиб ўтадиган йўллар инфратузилмаси ҳам муҳим масалалардан. Йўл инфратузилмаси деганда, нафақат унинг текислиги, балки ундаги хавфсизлик, халқаро талабларга жавоб бериши, йўл белгилари ва хариталарнинг жойлашиши каби факторлар тушунилади. Демак, бу борада ҳам тегишли йўналишларда керакли ишларни олиб боришга эҳтиёж мавжуд.

Жамоат транспортлари масаласи ҳам жуда муҳим. Агар меҳмонхоналар ва тураржой бўйича муаммолар юзга чиқмаса, жамоат транспортлари билан боғлиқ камчилик ҳам камаяди. Шунингдек, йирик мусобақалар жараёнида шаҳарлар тузилиши ҳам катта аҳамиятга эга. Имкон қадар сайёҳлар ташриф буюрганда зерикиб қолмайдиган ва ўта кичик бўлмаган шаҳарлар учрашувларга мезбон қилиб танланиши лозим.

\*\*\*

Хулоса қилиб айтганда, бирор йирик турнирни қабул қилиш учун шунга яраша шароит ҳам бўлиши зарур. Маълумот учун, Ўзбекистонда айни пайтда 40-50 минг томошабин сиғадиган стадион мавжуд эмас. Демакки, 2027 йилги қитъа биринчилиги мезбонлиги Ўзбекистонга топширилса, келгуси етти йилда қилиниши лозим бўлган ишлар талайгина. Энг муҳими, мамлакатимизда уларни аниқ режа асосида амалга ошириш имконияти мавжуд.

**Санжар ИСМАТОВ**  
тайёрлади.



# Йўқолган Искандария қаерда — Эски Термиздами, Ойхонимдами ёки Кампиртепада?

Юртимизнинг ҳар қарич ерида қадим тарихнинг биз ҳали тўла ўрганиб улгурмаган ҳақиқатлари мужассам. Хусусан, Сурхондарё вилоятида жойлашган қадимий Термиз шаҳри яқинидаги Кампиртепа ёдгорлиги неча йиллардан буён тадқиқотчилар диққат марказида турибди. Мазкур объект 1972 йилда археолог олим Эдвард Ртвеладзе томонидан аниқланган.

Кампиртепанинг Бақтрия ҳудудида қурилган, ҳалигача ўрни тўлиқ аниқланмаган Окс Искандарияси бўлиши мумкин, деган илмий фараз дунё ҳамжамиятини қизиқтириб қўйди, фан оламида муҳокамаларга сабаб бўлди. Бу эса, ўз навбатида, ушбу фараз қанчалик ҳақиқатга яқин, Кампиртепанинг тарихий аҳамияти нималардан иборат, деган саволларни кун тартибига қўяди.

## Тарихий далиллар нима дейди?

Тарихий манбаларда қайд этилишича, Искандар Македонский Бақтрия ҳудудида эрампиздан аввалги 356-323 йилларда Окс Искандарияси номи шаҳарни бунёд этади. Қадимшунослар томонидан ушбу шаҳар ҳақида маълумотлар келтирилган бўлса-да, шу пайтгача дунё олимлари унинг аниқ жойлашуви ҳақида бир тўхтамга келмаган. Кампиртепани ўрганиш жараёнида топилган далиллар эса унинг Окс Искандарияси эканидан далолат беради.

Хусусан, кейинги йиллардаги тадқиқотлар натижасида Кампиртепанинг ёши аниқланди. Олимларнинг тахмин қилишича, Кампиртепа мил.авв. IV аср охири — мил. авв. III аср бошларидан эътиборан, қазолият кўрсата бошлаган. Сўнгги қазишмалар натижасида олд томонида ҳукмдорнинг бош қисми, орқа тарафида эса ўнг қўлида қилич ушлаб турган Зевс, ундан ўнгда бургут тасвири туширилган мис танга топилган. Мутахассислар фикрига кўра, бундай тангалар македониялик Искандарга тааллуқлидир.

Эътиборлиси, бундай тангалар шу вақтга қадар Урта Осиё ҳудудидан топилмаган эди. Бу ҳам Кампиртепа ёдгорлигини Окс Искан-



дарияси дейишга сабаб бўлади. Бу фикрни эса қадимшуносларнинг Окс Искандарияси ҳақидаги битиклари ҳам қувватлайди. Яъни бу кўҳна иншоот Амударё(Окс)нинг ўнг қирғоғида, Музробод тумани Шўроб қишлоғи яқинида жойлашган. Бу ҳақда бир қатор тарихий манбалар, жумладан, мисрлик географ олим Птолемей тузган тарихий харитада, тарихчи Ҳофиз Абрунинг асарларида бир қатор маълумотлар келтирилади.

## Птолемей харитаси нималарни акс эттирган?

Окс Искандарияси номи қадимги муаллифлардан фақат Клавдий Птолемей томонидан қайд этилган. У ўзининг «Географик қўлланма»сида Бақтрия ва Сўғдиёна ҳақида кенг миқёсли географик ва этнографик маълумотлар, Окс бўйи, Окс (Амударё) ва Яксарт (Сирдарё) оралигида жойлашган шаҳарлар рўйхатини келтиради: «Яксартда сўғдийларнинг Кирэсхата тоғли шаҳри, Оксда эса Марука, Холбисин, дарёлар орасида ва улардан узокда — Трибактра, Окс Искандарияси, Индикомордона, Дрепса (пойтахт), Чекка Александрия жойлашган».

1480-1490 йилларда нашр этилган Птолемей географик атласининг хариталарида Окс Искандарияси Окснинг чап қирғоғидаги Харахорта ва дарёнинг ўнг қирғоғидаги Индикомардон (Термиз шаҳри ҳудудида) орасида жойлашгани акс этган. Бу ҳам бугунги кун кирғоғи назаридан Кампиртепа ҳудудига тўғри келади.

Кампиртепада 1972 йилдан бошланган археологик экспедиция ишлари кўплаб топилмалар ва маълумотларни тақдим этди. Ушбу тадқиқотларнинг энг катта ютуғи — Окс(Амударё)нинг ўнг қирғоғида Искандарнинг мил.авв. 329-327 йиллардаги юришлари вақтида дарёнинг ўтиш жойларида, чегарада ҳудудларида қурилган қўриқлаш

пости, ҳарбий истеҳкоми топилгани бўлди.

Кампиртепа фруриони қайта қурилиш жараёни бошидан ўтказган ва кейинчалик дастлабки мудофаа қобилиятини йўқотиб, Кушонлар даврида (мил. I-II аср ўрталари) савдо қарвонларига хизмат кўрсатувчи тижорат ва божхона идорасига айланган. Милодий II аср ўрталарига келиб, кучли зилзила ва Амударёнинг тошиши натижасида шаҳарча тамомила бўшаб, хувилаб қолган.

Тадқиқотлар давомида савлаквийлар ва юнон-бақтрия тангалари, керамика ва Кампиртепада эллинистик даврнинг қуйи маданий қатламлари мавжуд бўлгани ҳақида далолат берувчи бир қатор объектлар аниқланган. Хусусан, 1999 йил сентябр ойида археолог Эдвард Ртвеладзе бошчилигидаги изланишлар даврида бу ердан мил.авв. III асрга мансуб сопол буюмлар устaxonаси, илк эллинистик (эҳтимол, савлаквийлар) даврдаги айвонли уй ва шартли равишда «блиндаж» деб номланган катта иншоот топилган.

## Шаҳарнинг тарихий қиймати шубҳа остида қолмайди

Хуллас, Окс Искандариясининг қайси ҳудудда бўлгани анча пайтдан бери олимлар ўртасидаги муросасиз баҳсга сабаб бўлиб келаяпти. Кимдир бу қадимий шаҳарча Афғонистондаги Ойхоним эканини айтса, бошқалар унинг ўрни Эски Термиз шаҳри эканини таъкидлайди. Учинчи гуруҳ эса бу шаҳар Кампиртепа эканига шубҳа қилмайди. Шу билан бирга, Птолемей хариталарида Окс Искандарияси Амударёнинг ўнг шимоллий қирғоғида Бақтра шаҳридан шимолда, Ойхоним эса чап қирғоғида, Бақтрадан шарқда кўрсатилган. 1540 йилда нашр этилган С.Мюнстер харитаси ҳам шундай маълумотни тасдиқлайди.

XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI аср бошларида Ойхоним, Эски Термиз ва Кампиртепанинг қадимий жойларини ўрганиш мобайнида олинган археологик маълумотлар батафсил солиштирилди. Бу

## ДАРВОҚЕ...

Археологик тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, Юнон-Бақтрия подшолиги даврида Кампиртепа нафақат шаҳар, балки ҳарбий горнизон вазифасини ҳам бажарган. Кушон давлати подшолиги даврида шаҳарнинг шахристон қисмида тураржой уйлари ва блокларини қуриш қизгин жонланади, галерея ва кўчаларга ажратилади. Қазишмалар давомида моддий ва бадиий маданият буюмлари ва тангаларнинг бой коллекцияси, шунингдек, юнон, бақтр, брахма ва номаълум хат намуналари топилган. Улар орасида папирусга ёзилган қадимги бақтр кўлэмалари Марказий Осиёда топилган ёзувлар ичида энг қадимги кўлэмза экани билан аҳамиятлидир.

ўрганишлар ҳам Кампиртепанинг Окс Искандарияси эканини исботлайди. Аммо ҳамон акс қарашлар сақланиб қолаяпти.

Агар уларнинг тахмини қувватланиб, Кампиртепанинг Окс Искандарияси экани инкор этилса ҳам қадим шаҳарнинг тарихий қиймати шубҳа остида қолмайди. Негаки, тадқиқотлар натижасида Кампиртепадан Бақтрия ёзуви ёдгорликлари ҳам топилган. Кампиртепадаги биноларнинг биридан папирусда битилган бақтрийча матнлар (30 та парча) мил.авв. II асрга оид экани аниқланган. Эътиборлиси, бақтрийча ёзув ёдгорликлари Бақтриянинг туб аҳолиси — бақтарларнинг тилини акс эттиради.

Эътибор қилинг, Кампиртепадан санъат ва маданият юксак даражага чиққанини исботловчи ашёлар топилган. Шунингдек, Кампиртепа фрурионинг Кушонлар даврига келиб, савдо қарвонларига хизмат кўрсатувчи тижорат ва божхона идорасига айлангани каби далиллар воҳадаги кўҳна шаҳар нечоғли тараққий этганини кўрсатади. Табиқки, бу Кампиртепанинг тарихий қийматини оширишга хизмат қилади.

Нодира РАСУЛОВА,  
тарих фанлари номзоди.



«Бухорча» ашула ва рақс ансамбли «World Folk Vision 2020» халқаро фестивалида эътироф этилди.

ХУКУК

## Эгизак болаларга суюнчи пули қандай тўланади?

— Яқинда эгизак фарзандли бўлдим. Айтинг-чи, агар дунёга келган болалар эгизак, дейлик, Ҳасан-Хусан бўлса, суюнчи пули иккала болага ҳам бериладими?

**Нозима АЛИЕВА,**  
Сирдарё вилояти.

**Ўткир ЖУМАНОВ,**  
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бош мутахассиси:

— Қонунчиликка мувофиқ, бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа миқдори бугунги кунда меҳнатта ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (679 330 сўм) нинг 70,3 фоизини, яъни 477 568,99 сўмни ташкил қилади.

Хукуматнинг тегишли қарорига биноан, барча ишловчи ва ишламайдиган фуқаролар жорий йилнинг июнь ойидан бошлаб бола туғилгани муносабати билан бериладиган бир марталик нафақани (суюнчи) олиш учун Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП) портали орқали электрон шаклда мурожаат қилади. Бунда бир марталик нафақа тўлови Халқ банкининг исталган филиалида амалга оширилади.

Агарда дунёга келган фарзандлар эгизак, яъни Ҳасан-Хусан бўлса, бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа уларнинг ҳар бирига, яъни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган миқдор — 477 568,99 сўмдан тўланади.

МОЛИЯ

## Кредитнинг тўлаш муддатлари кечиктирилгани ёлғонми?

— Ипотека кредити олганман. Карантин вақтида тўловлар қила олмагандим. Ҳозир банкдан телефон қилишиб, иложи борича ўша ойлар учун ҳам қарздорлигимни ёпишни талаб қилишяпти. Ахир, имтиёз берилади, кредитни тўлашни кечиктириш мумкин дейилганди-ку?

**Эркинжон ШОДИЕВ,**  
Тошкент шаҳри.



**Акмал НАЗАРОВ,**  
Марказий банк департамент директори:

— Марказий банк томонидан барча банкларга пандемия натижасида кредит тўловлари билан боғлиқ рискларни пухта ўрганиб чиқиб, миқознинг пул оқими ва моддий маблағлари асосий қарзни ёки фоиз тўловларини тўлашга етмаган тақдирда, кредит муддатини узайтириш бўйича тавсиялар берилган. Бунда банклар асосий қарз ва унга ҳисобланган фоиз тўловлари муддати ўтгани ёки узайтирилгани учун миқозларга жарима чоралари қўлламаслиги ва ундирув гаров таъминотига қаратилмаслиги белгиланган.

Шунга кўра, жисмоний шахслар пандемия натижасида пул оқимлари ва моддий маблағлари камайганини асосланттирувчи изоҳ ҳамда карантин даври янқалангандан сўнг ўрнатилган тартибда кредит шартномасига киритилдиган ўзгартиришларни қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштириш юзасидан ўзининг мажбуриятини қайд этган асосда мурожаатнома киритганда, уларнинг мурожаатлари кредит ташкилотлари томонидан қайд этиб ўтилган тартибларга мувофиқ қаноатлантирилади.

ЎЖИМОЙ ИЖТИМОЙ

## «Икки қаватли уйимиз борлиги учун нафақа беришмаяпти»

— Турмуш ўртоғим Россияда ишлайди, вояга етмаган тўртта фарзандимиз бор. Бироқ улар учун нафақа олмаймиз. Ваҳоланки, 2 ёшгача ва 14 ёшгача бўлган нафақаларни олишга ҳақлимиз. Икки қаватли янги уй қурганимиз, шу сабаб маҳалладагилар «Шароитларинг яхши, сизларга нафақа тайинлай олмаيمиз», дейишяпти. Шу тўғрими?

**Шодия МИРЗАЕВА,**  
Сурхондарё вилояти.



**Нилуфар КОМИЛОВА,**  
Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги бош мутахассиси:

— Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги 44-сон қарори асосида тасдиқланган Низомга кўра, болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам ҳар бир оила аъзосига ўртача ойлик жами даромад миқдори аниқланаётган давр учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 52,7 фоизидан ортиқ бўлмаган оилаларга тайинланади.

Масалан, агарда 2020 йил май ойи учун оиланинг жами даромади ҳар бир оила аъзосига 358 007 сўмдан камни ташкил этсагина, сиз мазкур нафақани олишга ҳақли ҳисобланасиз. Чунки МҲЭКМ ҳозирда 679 330 сўмни ташкил этиб, унинг 52,7 фоизи юқоридаги суммани ташкил этади. Маҳалладагиларнинг айтганидек, «икки қаватли уй» борлиги асосий шарт эмас, фақат оиланинг жами даромади юқоридаги суммадан кам бўлиши талаб этилади.

Ёдда тутинг! Ховли жойда турсангиз, маҳалла моддий ёрдам тайинлашда юқоридагиларга қўшимча равишда фуқаронинг томорқа еридан фойдаланган ҳолда даромад олиш ёки олмаслигига ҳам эътибор қаратади.

ҲАЖ — 2020

## Ҳаж сафари навбати сақланадими?

— Бу йил отам ҳаж сафарига боришни ниёт қилганди. Рўйхат бўйича навбати ҳам келганди. Бироқ бу йил ҳаж амали бекор қилинди. Айтингчи, ҳаж сафарига бориш учун навбатга ёзилганларнинг навбати сақланадими?

**Муродилла ИСЛОМОВ,**  
Тошкент шаҳри.



**Ҳомиджон ИШМАТБЕКОВ,**  
Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари:

— Саудия Арабистонидаги эпидемик вазиятнинг ўта мураккаблиги нуқтаи назаридан хориж мамлакатлари фуқаролари, хусусан, юртимиз аҳолиси Ислом дини манбаларига таянган ҳолда, милодий 2020 йил, ҳижрий 1441 санадаги ҳаж сафарини чет элликлар учун тўхта-тилиши ҳақидаги қарорни тўғри қабул қилдилар.

2020 йил 23 июнь куни Ҳаж ва Умра тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича жамоатчилик кенгашининг йиғилиши қарорига асосан, жорий йилги ҳаж сафарига боришни режалаштирган фуқароларимизнинг навбати тўлиқ сақланган ҳолда, кейинги йилга ўтказилди.

ТРАНСПОРТ

## Машина техник кўриқдан ўтказилмаса, жарима солинадими?

— 1 июлда автомобилнинг мажбурий техник кўриқдан ўтиш муддати тугади. Карантин шароитида техник кўриқдан ўтказмаганлик учун автомобилларга жарима ёзиладими?

**Нодирбек ШАРИПОВ,**  
Тошкент шаҳри.



**Шоҳрух ФІЁСОВ,**  
Ички ишлар вазирлиги Жамоатчилик ва ОАВ билан алоқалар бошқармаси бошлиғи:

— Қонунчиликка кўра, мажбурий техник кўриқдан ўтиш муддати тугаган транспорт воситалари кўриқдан ўтказилмаса, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 125-моддаси 2-қисмига асосан, жаримага тортилади. Яъни бу ҳолат базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисми миқдоридан жарима солишга сабаб бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда реструктуризациянинг барча ҳудудларида транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш жараёнлари амалга оширилмоқда. Фақатгина карантин тадбирлари давом эттирилаётган «қизил» тоифадаги ҳудудларга киритилган (айрим туман-шаҳар)лар бундан мустасно.